

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИНГ СУДЛАР ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАНИЛИШИ

(амалий услубий қўлланма)

Тошкент-2021

УЎК 333333
КБК 6871225

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг судлар томонидан
қўлланилиши

Х. ЁДГОРОВнинг умуий таҳрири остида

Мазкур қўлланма судьялик лавозимларига номзодларни ўқи-тишда, суд амалиёти ходимларининг суд ишларини юритишида халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари мамлакат ичида ва ташқарисида судлар томонидан ҳимояланишида ҳамда мамлакатда яшаб, фаолият юритиб келаётган чет эл фуқаролари ва юридик шахсларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишида юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда услубий қўлланма сифатида фойдаланиш учун тайёрланган.

Қўлланма судьялар, суд ходимлари, судьялик лавозимларига номзодлар, адвокатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ва ҳуқуқшунослик соҳасига қизиқувчи барча китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Нашр учун масъул:

М.Қаландарова, ю.ф.н., *доцент*

И.Насриев, ю.ф.д., *профессор*

С.Раҳмонова, ю.ф.д., *доцент*

С.Холбоев, ю.ф.н., *доцент*

З.Амиров, *PhD*

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 879-55494-63589

© Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши

© Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
ҳузуридаги Судьялар олий мактаби, 2021

“Судья инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқдан, халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатлардаги ўзгаришлардан доимо хабардор бўлиши керак”.

Бангалор принциплари

“Халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий судлар томонидан қўлланилиши, шубҳасиз, сўнгги йилларда халқаро ҳуқуқда бўлган муҳим ўзгаришлардан биридир”.

Р.ЖЕННИНГ,

***Бирлашган Миллатлар Таъшиқотида
Халқаро суди судьяси***

СУДЬЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МЕЗОНЛАРИГА КИРИШ

(Сўзбоши ўрнида)

Судьяларнинг ҳуқ-атвориға оид Бангалор принциплари – жаҳон суд-ҳуқуқ соҳасида ХХІ асрда қабул қилинган энг асосий ҳамда судьянинг судья сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятлари, умумэтироф этилган касб этикаси қоидалари, профессионал фаолиятда ишда ва ишдан ташқари вақтда нималарға амал қилишиға оид минимал стандарт қоидаларини белгилаб берган ягона халқаро ҳужжатдир.

Бангалор принципларида судьялар фаолияти ва ҳуқ-атвориға оид қуйидаги 6 та муҳим қоида белгиланган. Булар - мустақиллик, холислик, ҳалоллик, касб этикаси қоидаларига риоя этиш, суд мажлисининг барча иштирокчиларига нисбатан тенг муомалада бўлиш, компетентлик ва интилувчанликдир. Бангалор принципларига мувофиқ, судья учун одил судловни амалға ошириш борасидаги фаолият бошқа мажбуриятларига нисбатан устувор бўлиб, у ўз вазифаларини юқори профессионал даражада одилона, тезкор ва виждонан бажариши шарт.

Халқаро ҳуқуқ нормалари асосларини билиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқларини мамлакат ичида ҳимоя қилишлари учун ҳам зарурдир. Бу эса халқаро ҳуқуқни ўзлаштириб бориш айна пайтда нафақат халқаро муносабатлар билан бевосита шуғулланувчи мутахассислар, олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳатто оддий фуқаролар учун ҳам аҳамиятли бўлиб бораётганини англатади.

Шу боис бугунги кунда миллий ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуқ билан ўзаро алоқасини ёритувчи янгича илмий-назарий тадқиқотларни олиб бориш жуда муҳим ҳисобланади.

Янги Ўзбекистон судьяларининг маънавий фазилатлари, маърифий қарашлари, одоб-ахлоқи, давлат ва жамият олдидаги масъулиятига оид муҳим мезонлардан бири - уларнинг қонунийлик ва адолатни қарор топтиришда халқаро ҳуқуқ нормаларига қанчалик асосланиши билан ҳам белгиланади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, **“Адолат бу – давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворидир. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди”¹**.

Мамлакатимиз даставвал **Ҳаракатлар стратегияси**, эндиликда **Янги Ўзбекистон стратегияси** доирасида умумжаҳон ва минтақавий, кўп томонлама ва икки томонлама даражаларда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини фаол ривожлантирмоқда. Шундай масъулиятли бир шароитда ҳуқуқшунос, хусусан, судьянинг юксак малакаси халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаган ҳолда, хорижий давлатлар ҳуқуқий ҳаётининг янги қоидаларини тезда идрок этиш ва тўғри баҳолашни тақозо этади.

Маълумки, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 22 июндаги Фармони билан **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси** тасдиқланган ва изчил амалга оширилмоқда.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг маърузаларидан иктибослар // Судья маънавияти, одоби ва масъулияти. - Т.: “Muharrir nashriyoti”, 2021. - Б.7.

Миллий стратегияда:

биринчидан, Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг мазмуни тўғрисида аҳоли ҳамда давлат органлари ходимларининг хабадорлигини ошириш;

иккинчидан, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари ҳамда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари нормаларини қўллаш амалиёти-ни янада кенгайтириш асосий устувор вазифалар қаторида қайд этилгани бежиз эмас.

Чунки, бугун халқаро ҳуқуқ нормаларини судларда қўллашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судьяларнинг халқаро ҳуқуқий саводхонлиги ва амалий кўникмаларини ошириш билан боғлиқ масалалар, очигини айтганда, ҳам илмий-назарий, ҳам ўқув-тарбиявий, ҳам юридик амалиёт нуқтаи назаридан долзарб ҳисобланади.

Хусусан, халқаро ҳуқуқ нормаларини судларда қўллаш масалалари халқаро ҳуқуқ назариясида нисбатан кам ўрганилган тадқиқот йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада ҳам бир давлатда ўзининг миллий қонунчилик тизими, суд амалиёти ва ҳуқуқий тажрибаси тўпланган бўлиб, афсуски, яқдил ёндашув мавжуд эмас.

Шу билан бирга, олимлар, амалиётчилар ва судьялар орасида: “барча халқаро шартномалар нормалари миллий қонунчиликка уйғунлаштирилганда судья халқаро ҳуқуқни нега қўллаши керак, бунга зарурият йук” деган мазмундаги қарама-қарши фикр-мулоҳазалар ҳам мавжуд. Ушбу соҳада аниқ жавобларни талаб қиладиган бунга ўхшаш турли хил саволлар кўплигидан кўз юмиб бўлмайди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташаббуси асосида тайёрланган “Халқаро ҳуқуқ нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши” номли амалий-услубий қўлланмани чуқур ўрганиб чиқиб, уни амалиётга татбиқ этишга жазм этган судьялар ва одил судлов ҳуқуқи бўй-

ича мутахассислар, авваламбор, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги, аҳамияти ва ривожига ҳақидаги ўз тушунчаларини муайян даражада бойитиш имконига эга бўлади.

Айни чоғда, давлат хизматчилари ва ҳуқуқшунослар, судья ва суд ходимлари халқаро ҳуқуқ нормаларининг мамлакат миллий ҳуқуқ тизимида тутган ўрни, Конституция ва қонунлар билан муносабати билан янада яқиндан танишиш асносида, уларни у ёки бу ҳуқуқий низо юзасидан давлат органлари, жумладан судлар фаолиятида қўллаш зарурати ўзларининг фаолияти билан бевосита боғлиқ эканига ишонч ҳосил қилади.

Энг муҳими, китобхонлар суд - халқаро ҳуқуқ нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш орқали одил судлов йўли билан инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлари бажарилишини таъминловчи асосий орган эканига жавоб топади.

Кези келганда, халқаро ҳуқуқ ва судлар амалиёти бўйича илмий раҳбарлигимда ҳозирда Қарши туманлараро иқтисодий суди судьяси бўлиб ишлаётган Хусан Турсунов томонидан “Халқаро ҳуқуқ нормаларини судларда қўллаш муаммолари” мавзусида номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинганини ҳам эслаб ўтишни истардим. Яъни, ўзбек миллий халқаро ҳуқуқ доктринасида илк маротаба бундан ўн йил мукаддам ушбу йўналишда дастлабки илмий-амалий қадам қўйилган.

Ушбу қўлланмада халқаро ҳамда миллий ҳуқуқ бўйича назария ва амалиётнинг мантиқий уйғунлиги ёрқин ифодасини топган бўлиб:

биринчидан, халқаро ҳуқуқ тизими, халқаро ҳуқуқ нормаларининг юридик табиати, халқаро ҳуқуқ нормаларини судларда қўллашнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби мухтасар тушунтирилган;

иккинчидан, бу борадаги универсал, минтақавий ва икки томонлама халқаро ҳужжатлар, БМТ шартномавий қўмиталарининг тавсиялари таҳлил этилган;

учинчидан, хорижий мамлакатлар судлари тажрибаси ва амалиёти ҳақида муҳим маълумотлар берилган;

тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги ва қўлланилишини таъминлашда судларнинг роли кўрсатилган;

бешинчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш усуллари ҳақида атрофлича сўз юритилган;

олтинчидан, суд статистикаси ва суд фаолиятидан мисоллар келтирилган;

еттинчидан, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини қўллаш юзасидан тегишли тавсиялар берилган.

Шу ўринда халқаро ҳуқуқ нормаларининг судлар томонидан қўлланиши амалиётини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги тақлифларни бермоқчиман.

Биринчидан, судлар фаолиятига оид халқаро ҳуқуқ нормалари ва Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар тўпламини ўзбек тилида тайёрлаб, судьяларни таъминлаш зарур.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари тўпламини чоп этиш керак.

Учинчидан, БМТнинг шартномавий қўмиталари томонидан судларда халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш бўйича берилган тавсияларни таржима қилиб чиқариш лозим.

Тўртинчидан, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Олий суди Пленуми қарорларини қайта кўриб чиқиш (бунда БМТнинг асосий шартномалари, меҳнатга оид низолар бўйича ХМТ конвенциялари, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ҳамда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ низоларга доир бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, мажбурий меҳнат ва аёллар ҳуқуқлари бўйича шу йўналишдаги конвенцияларни кўрсатиш) лозим бўлади.

Бешинчидан, “Судлар тўғрисида”ги қонунга судлар фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормалари ва Ўзбекистон Республикаси

томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларни қўллаш бўйича алоҳида норма киритиш лозим.

Ишончим комилки, мазкур амалий-услубий қўлланма ушбу йўналишдаги илмий изланишлар ривожига ҳамда бу борада судлар фаолиятида халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга, шунингдек, судьялар ва суд ходимларида халқаро ҳуқуқ билан ишлаш кўникмасини шакллантиришга кўмаклашади.

Қўлланма соҳага қизиқувчи мутахассисларнинг билим доирасини кенгайтиришга, энг муҳими, кенг китобхонлар оммасининг халқаро-ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятли, деб ҳисоблайман.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раҳбариятининг ушбу қўлланмани тайёрлаш ва нашр этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини долзарб, муҳим ва мақбул ташаббус сифатида мамнуният билан қўллаб-қувватлайман.

Илмий-амалий қўлланмани нашрга тайёрлашда иштирок этган зиёли ҳамкасбларимиз, ҳуқуқшунос амалиётчилар, яқиндан ҳамфикр бўлган ва амалий кўмак берган барча хайрихоҳ инсонларга миннатдорчилик билдираман.



Акмал САИДОВ,
академик

БИРИНЧИ БОБ

I боб. Халқаро ҳуқуқ нормалари ва уларни қўллашга оид умумий талаблар

1-§. Халқаро ҳуқуқ нормалари тушунчаси ва таснифи

Халқаро ҳуқуқ нормаси халқаро ҳуқуқнинг мазмун-моҳиятини намоён этувчи ташқи шакл бўлиб, халқаро ҳуқуқ субъектларининг юриш-туриш қоидаларини белгилаб беради.

Халқаро ҳуқуқ нормаси –

халқаро ҳуқуқ субъектларининг битими асосида тузилган расмий қоида бўлиб, ушбу субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

Халқаро ҳуқуқ нормасининг негизини шу нормани яратишнинг ягона усули ҳисобланган субъектлар битими, яъни халқаро ҳуқуқ субъектларининг келишилган иродасини ифодалаш жараёни ташкил қилади.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг мазмуни давлатларга ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ субъектлари ўзаро муносабатга киришиб, халқаро ҳуқуқий нормаларда белгиланган ўз ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларини бажаради. Халқаро ҳуқуқ нормаси халқаро муносабатлар иштирокчилари бўлган халқаро ҳуқуқ субъектларининг ўзаро муносабатларида уларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга соловчи вазифани бажаради.

Халқаро ҳуқуқ нормалари таснифи

1) Универсал нормалар -

халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари учун умуммажбурий бўлган нормалар. Универсал нормаларда ҳар қандай ҳуқуқ субъектлари учун муҳим бўлган қоидалар, жумладан, ҳар қандай давлатнинг ички ваколатига кирадиган ишларига аралashiш учун ҳуқуқ берилмаслик, инсоннинг асосий ҳуқуқлари, кадр-қиммати, эркак ва

аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги, катта ва кичик миллатлар ҳуқуқларининг тенглиги, шартномалар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга ҳурмат билан қараш, шунингдек, адолатга риоя қилиш мумкин бўлган шарт-шароитни вужудга келтириш каби масалалар белгиланади. Шу жиҳатдан универсал аҳамият касб этади. Мисол учун, 1945 йилги БМТнинг Низоми (1945 йил 26 июнда Сан Франсискода Бирлашган Миллатлар Конференциясининг Халқаро Ташиқлот тузиши бўйича якуний мажлисида имзоланган ва 1945 йилнинг 24 октябрида кучга кирган Халқаро суд статутининг таркибий қисми ҳисобланади), БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 13 декабрдаги 40/146-сонли резолюцияси билан маъқулланган Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари (Судьяларнинг дахлсизлиги талабларини мустаҳкамлаган. Ушбу ҳужжатни суд органларининг ўзига хос конституцияси, дейиш мумкин. Зеро, мустақил суд тўғрисидаги талаб ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи ҳисобланади ва бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасига мос келади¹), Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги резолюцияси билан маъқулланган. Суд органлари мустақиллиги, судьялар дахлсизлиги каби катор ҳуқуқларни кўзда тутувчи мазкур ҳужжат Ўзбекистонда 1997 йилда ратификация қилинган. 1961 йилги Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси.

2) Партикуляр

(чекланган доирадаги иштирокчилар учун ҳаракатда бўлган) **ёки маҳаллий** (минтақавий) нормалар қатнашчиларининг доираси чекланган бўлиб, улар нафақат қўшни ёки бир минтақада жойлашган, балки дунёнинг турли нуқталарида жойлашган икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши мумкин. Масалан, Инсон ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1. Одилқориев Ҳ.Т., Ўзбекистон давлати ва жамияти инновацион ривожланишининг ҳуқуқий жиҳатлари/Ўқув қўлланма. – Т.: INNOVATION RIVOJLANISH NASHRIYOTMATBAA UYI, 2019. 150 - б.

Америка декларацияси

1948 й.

Европа Кенгаши Инсон ҳуқуқ ва асосий эркинликларининг ҳимояси тўғрисидаги Европа конвенцияси

1950 й.

Европа ижтимоий хартияси

1960 й.

Америка қитъаси давлатлари Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси

1969 й.

Африка давлатлари – Африка бирлиги ташкилоти аъзолари томонидан қабул қилинган Инсон ва халқлар ҳуқуқлари Африка хартияси

1981 й.

Араб давлатлари Лигаси доирасида Инсон ҳуқуқлари Араб хартияси

1994 й.

Европа кенгаши тўғрисидаги шартнома

1992 й.

2-§. Халқаро ҳуқуқ манбалари

Халқаро ҳуқуқ манбалари халқаро ҳуқуқ нормалари кўринишида мавжуд бўлиб, ҳар қандай халқаро ҳуқуқ нормасининг моҳияти унинг субъектлари идораларининг келишуви жараёнида эришилган битимдан иборатдир. Турли ҳолатларда халқаро ҳуқуқий нормаларни яратиш жараёни турлича кечади ҳамда турли шаклларни олади. Халқаро ҳуқуқ нормаларини яратишнинг ана шу шакллари халқаро ҳуқуқ манбалари деб аталади².

БМТ Халқаро суди статутининг 38-моддасига кўра, суд ўзига берилган низоли ишни халқаро ҳуқуқ асосида ҳал этишда манба сифатида а) халқаро конвенциялар; б) халқаро одатлар; в) умумий принциплар; г) суд қарорлари; д) олимларнинг доктриналаридан фойдаланади.

2. И.И.Лукашук, А.Х.Саидов. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. – Тошкент: “Адолат”, 2006. 53-б

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ манбаларининг тизими қуйидаги учта гуруҳга жамланган:

Биринчи гуруҳ — халқаро ҳуқуқнинг универсал манбалари:
Халқаро шартнома;
Халқаро одат.

Иккинчи гуруҳ — халқаро ҳуқуқнинг махсус манбалари:
Халқаро ташкилотларнинг қарорлари.

Учинчи гуруҳ — халқаро ҳуқуқнинг қўшимча манбалари:
Ҳуқуқнинг умумий принциплари;
Халқаро ташкилотларнинг резолюциялари;
Халқаро суд ва арбитражларнинг қарорлари.

Халқаро ҳуқуқнинг универсал манбалари

Шартнома — халқаро ҳуқуқ манбаи. Шартнома халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалдаги ёзма шаклидир. Халқаро шартнома икки ёки ундан ортиқ халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги битимдир. Халқаро шартнома мустақил давлатларнинг ихтиёрийлик ва суверен тенглик асосида келишилган ирода-си ҳисобланади. 1969 йилдаги Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси ҳамда 1986 йилдаги Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясининг 2-моддасига мувофиқ, халқаро шартнома — халқаро ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги битимдир.

Шартнома халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида улар учун юридик мажбурий бўлган қоидалар — уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга доир халқаро-ҳуқуқий нормаларни яратиш тўғрисидаги битим-ни нисбатан аниқ ва муайян шаклда ифода этади. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг кўпчилиги шартномавий хусусиятга эгадир.

Давлат манфаатларини ифодаловчи ва ҳар қандай давлат қўшилиши учун очик бўлган универсал шартномалар муҳим ўрин тутати. Улар орасида БМТ Устави халқаро шартномалар ичида олий юридик кучга эга бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Одат — халқаро ҳуқуқ манбаи.

Одат БМТ Халқаро суди статутининг 38-моддасида «ҳуқуқий норма сифатида қабул қилинган умумий амалиёт»нинг далили деб белгиланган. Бироқ, ҳар қандай халқаро одатларни ҳам ҳуқуқий норма сифатида қўллаш мумкин эмас. Бунинг учун ҳам одат қуйидаги 3 та талабга жавоб бериши лозим:

1

халқаро одат нормалари узоқ вақт давомида қўлланилган бўлиши;

2

халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан тан олинган бўлиши;

3

ҳуқуқий мажбурийлиги тан олинган бўлиши.



“Халқаро одат” деб даъво қилинаётган одат нормалари амалиётда судлар томонидан қўлланилган ҳолатлар мавжуд бўлса ёки давлатларнинг ташқи алоқаларида шунга ҳавола қилинган ҳолатлар мавжуд бўлса тан олинган ҳисобланади.

Доимо давлатлар ўртасида халқаро алоқалар ўрнатилганда шартнома тузаётган давлатларнинг ваколатли вакиллари шартномани имзолашади. Бу ёзилмаган қоида, яъни одат эди. Кейинчалик янги қабул қилинган конвенцияларда томонлар ўртасида ҳужжатлар имзоланиши ва уни имзолаган шахс томонидан тақдим қилиниши каби қоидалар ўз аксини топди (Масалан, Кишинёв конвенцияси 11-модда 3-қисми). Мазкур ҳолат одатнинг нормага айланишининг бир кўринишидир.

Халқаро ҳуқуқий одатдан халқаро ҳуқуқий одатийликни фарқлаш лозим. Одатийлик – бу давлатларнинг юридик мажбурий кучга эга бўлмаган умумий амалиётидир. Масалан, халқаро тақаллуф кўрсатиш нормалари, яъни давлат раҳбари ёки ҳукумат бошлиғини кутиб олиш тантанали маросими, очиқ денгизда кемаларнинг ўзаро мушакбозлиги ва ҳ.к.

Халқаро ҳуқуқнинг махсус манбалари

Халқаро ташкилотлар қарорлари – халқаро ҳуқуқ манбаи.

Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ нормаларини яратиш ҳуқуқи уларни тузган давлатлар томонидан белгилаб қўйилади ва бу ҳақда халқаро ташкилот таъсис ҳужжатида қайд этилади. Унда халқаро ташкилот ваколатларининг умумий қўлами ва унинг юридик нормалар яратиш бўйича ҳуқуқлари аниқ баён этилади. Қўп томонлама халқаро ташкилотлар асосан ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича халқаро шартномалар тайёрлаш ва қабул қилиши билан ажралиб туради. Халқаро ташкилотларга аъзо давлатлар вакиллари ўртасидаги мунтазам алоқалар туфайли ташкилотда у ёки бу соҳада мавжуд эҳтиёжларни тартибга солиш мақсадида ўзларининг қарорларини қабул қилади. Ушбу қарорлар бошқа ташкилотлар учун тавсиявий характерга эга бўлади.

Халқаро ҳуқуқнинг қўшимча манбалари

Ҳуқуқнинг умумий принциплари — халқаро ҳуқуқ манбаи.

Ҳуқуқнинг умумий принциплари ҳар қандай ҳуқуқ тизимида амал қилаверадиған принциплардир. Уларнинг таркиби ҳақида олимлар томонидан ягона фикр шаклланмаган. Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, улар “қилмишига яраша жазо олиши керак” ёки “кейинги норма аввалгисини бекор қилади” каби юридик-техникавий қоидалардан иборат. Бошқа олимларнинг фикрича ҳуқуқнинг умумий принциплари қаторига адолатпарварлик, виждонийлик каби принципларни киритиш ўринли³.

3. И.И.Лукашук, А.Х.Саидов. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. – Тошкент: “Адолат”, 2006. 61-б

Халқаро ташкилотларнинг резолюциялари – халқаро ҳуқуқнинг манбаи.

Кўпчилик ҳолларда халқаро ташкилотлар ўзларининг мажбурий юридик кучга эга бўлмаган резолюцияларида кейинчалик унинг иштирокчилари томонидан имзоланадиган шартномаларда акс этиши кўзда тутилган принциплар ва нормаларни белгилайди. Масалан, БМТ Бош ассамблеясининг резолюциялари инсон ҳуқуқлари бўйича шартномалар мажмуини яратишда бош омил бўлди.

Халқаро суд ва арбитражларнинг қарорлари - халқаро ҳуқуқнинг манбаи.

Халқаро суд ва арбитражларнинг қарорлари низода ўзига нисбатан қарор чиқарилаётган томон учунгина мажбурий кучга эга бўлади. Аммо БМТ халқаро судининг қарорлари одатда янги нормаларни ишлаб чиқишда эътиборга олинади, судлар ва арбитражларнинг далил-исботлари эса кўп ҳолларда бундай низоларда томонларнинг позициясини асослаш учун ишлатилади.

3-§. Судлар томонидан халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларни қўллаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармонида мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалдаги ҳолатни ўрганиш натижалари, шунингдек, БМТнинг шартномавий органлари, Ўзбекистонга ташриф буюрган БМТнинг махсус маърузачилари, Универсал даврий ҳисобот ва бошқа халқаро механизмлар доирасида берилган тавсияларнинг тизимли таҳлили кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро

шартномалар нормаларини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш лозимлиги белгиланган⁴.

Умумэтироф этилган **“pacta sunt servanda”** принципига мувофиқ ҳар қайси давлат ўзининг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини сидқидилдан бажариши лозим. Суд халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш орқали одил судлов йўли билан инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлари бажарилишини таъминловчи асосий органдир.

Судлар одил судловни амалга ошириш жараёнида халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умум этироф этилган қоидалари устуворлиги тан олинганлигига алоҳида эътибор қаратишлари керак. Ушбу конституциявий қоида халқаро ҳуқуқ нормаларини судлар томонидан қўлланилишининг муҳим ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқнинг умум этироф этилган принциплари ва нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини қонунда белгиланган тартибда қўлламаслик суд қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

БМТ Низомида қайд этилганидек, “ҳар қайси давлат халқаро ҳуқуқнинг умум этироф этилган принциплари ва нормаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларини сидқидилдан бажариши керак. Ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқнинг умум этироф этилган принциплари ва нормаларига асосан халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариши лозим”⁵.

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг 2-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунлари-

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.06.2020 йилдаги «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6012-сон Фармони. 1-илова. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси. II бўлими. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги камчиликлар.

5. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар // Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Тошкент.: Адолат. 2002. – Б.18.

да, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган.

Халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш бу – давлатларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган қоидаларни халқаро майдондаги фаолиятида ҳамда ўз ички фаолиятида қўллашидир.

Халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг **халқаро ва миллий усуллари** мавжуд. **Халқаро усул** давлатларнинг халқаро майдондаги фаолияти ҳамда улар ташкил этадиган халқаро орган ва ташкилотлар фаолиятида амалга оширилади. **Миллий ҳуқуқ** эса халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички фаолиятида амалга оширилишида, яъни бу нормаларнинг имплементациясида ўз аксини топади⁶.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланади⁷.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси —

битта ҳужжатдан, иккита ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир нечта ҳужжатдан иборат бўлишидан, шунингдек ўзининг муайян номидан ва тузилиш усулидан (шартнома, битим, конвенция, акт, пакт, баённома, хатлар ёки ноталар алмашинуви ҳамда халқаро шартноманинг бошқача номлари ва тузилиш усуллари) қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси томонидан чет давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект билан ёзма шаклда

6. Х.Т.Одилқориев, Б.Э.Очилов. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи(Халқаро оммавий ҳуқуқ). Дарслик. – Тошкент: 2002. 36-б.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида” қонуни. 2-модда. ЎРҚ-518-сон 06.02.2019. <https://lex.uz>

тузилган, халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро келишувдир⁸.

Одил судловни амалга ошириш соҳасига тегишли умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари халқаро стандартлар деб аталади.

Халқаро стандартлар:

■ Ҳар ким қонун олдида тенг ва бирон-бир камситишсиз тенг ҳуқуқий ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Барча одамлар суд ва трибунал олдида тенгдир;

■ Қонунга мувофиқ тузилган, мустақил, холис ва нуфузли суд томонидан судланиш ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқ бўлиб, ундан истиснолар бўлмаслиги керак⁹;

■ Жиноят содир қилган шахсга нисбатан суд ишини кўриб чиқиш ва уни жиноят содир этганликда айблаб, ҳукм чиқаришга фақат суд ҳақли¹⁰;

■ Барча трибуналлар ва судлар ижроия ҳамда қонунчилик ҳокимиятидан¹¹ ёки суд жараёни томонларидан мустақил бўлиши керак¹²;

■ Айбловчилар ўзларининг касбий вазифаларини ҳалол ва холис амалга ошириши, бунда сиёсий, ижтимоий, диний, ирқий, маданий асослар, жинсий мойилликлар ва ҳар қандай бошқа белгиларга кўра камситилиши имкониятига йўл қўймаслик керак;

8. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги ЎРҚ-518-сон қонуни. 4-модда (Асосий тушунчалар). 2019 йил 6 февраль

9. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Судлар ва трибуналлар олдидаги тенглик, ва ҳар бир шахс ишининг адолатли судда кўриб чиқиши ҳуқуқи 18 ва 19 бандлар; Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1992 йил 28 октябрдаги фикр. Мигель Гонсалес дел Рио Перуга қарши, 263/1987 хабар, 5.2 банд. Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича Араб хартияси, 4(с) ва 13(1) моддалар.

10. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 29 умумий тартибдаги мулоҳаза. Фавкуллодда вази ят лар: 4 модда, CCR/C/21/Rev.1/Add.11, 2001 йил, 31 август, 16банд.

11. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1994 йил 9 декабрдаги қарор, Греция «Стрэн» нефт ни қайта ишлаш заводлари ва Стратис Андреадис Грецияга қарши, № 13427/87 шикоят, 49банд.

12. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1971 йил 16 июлдаги қарор, Рингайзен Австрияга қарши, № 2614/65 шикоят, 95банд.

■ Жиноят содир қилишда айбланган шахслар барча ҳолатларда уларнинг иши мустақил ва ҳолис суд томонидан адолатли кўриб чиқирилиши ҳуқуқини таъминловчи адвокат ёрдамидан фойдаланишлари керак, улар ўзларини мустақил ҳимоялашга хоҳиш билдирган ҳолатлар бундан истисно¹³.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг қўлланилишида РАТИФИКАЦИЯнинг аҳамияти

Давлатларнинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши уларнинг халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган халқаро шартномалар нормаларига амал қилишга мажбурлигини англатмайди.

Халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган халқаро шартномалар нормалари мазкур шартномага қўшилган давлатлар учунгина мажбурий аҳамият касб этади. Бироқ, 1969 йилда қабул қилинган Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси халқаро ҳуқуқнинг барча субъектларига тааллуқли. Сабаби, ушбу Конвенция БМТ Низоми асосида тузилган бўлиб, халқаро ҳуқуқ тизимида асосий принципларнинг ўрни, белгиси, бошқа нормалар билан узвийлиги ҳамда алоқадорлигини аниқлаб беради. **Ушбу манбага кўра, унинг муҳим белгиси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:**

► халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари учун мажбурийлиги. БМТ Низомининг 2-моддаси 6-бандига мувофиқ ташкилот аъзоси ҳисобланмаган давлатларнинг ушбу принципларга мувофиқ ҳаракат қилишларини таъминлайди. Модомики, бу халқаро миқёсда тинчлик ва барқарорликни (хавфсизликни) таъминлашни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади;

► халқаро ҳуқуқнинг қолган барча принципларига нисбатан биринчи даражадаги аҳамиятлилиги (БМТ Низомининг 3-моддаси, 1969 йилги Вена конвенциясининг 53-моддаси);

► ҳар қандай амалдаги шартнома ёки умумий халқаро ҳуқуқда бирор бир янги пайдо бўлган императив (мажбурий)

13. Суд ишини адолатли кўриб чиқишга оид халқаро стандартлар ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят процесси// ҳуқуқшунослар учун амалий қўлланма. Халқаро юристлар комиссияси. Женева, 2011 йил.

норма Вена конвенциясига зид бўлса, ундай шартнома ёки нормаларнинг бекор қилиниши ёки ҳақиқий ҳисобланмаслиги (Вена конвенциясининг 64-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ халқаро шартномани ратификация қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисида қонун қабул қилиш орқали амалга оширилади.

Қуйидаги халқаро шартномалар ратификация қилинади:

давлатлараро муносабатларнинг асослари ҳақидаги ва **ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги;**

Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилятига дахлдор масалалар бўйича, тинчлик шартномалари ва коллектив хавфсизлик тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан ҳудудий чегараланиши тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро иттифоқлардаги, халқаро ташкилотлардаги ва бошқа бирлашмалардаги иштироки тўғрисидаги;

бажарилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ўзгартирилишини ёки янги қонунлар қабул қилинишини талаб этадиган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилганидан бошқача қоидаларни белгилайдиган шартномалар.

Қайси халқаро шартномаларни тузиш чоғида музокараларда иштирок этувчи томонлар келгусида уларни ратификация қилиш тўғрисида келишиб олган бўлса, ўша халқаро шартномалар худди шундай тарзда ратификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари бошқа халқаро шартномаларни ҳам ратификация қилишга ҳақли.

Давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши тўғрисидаги халқаро шартномалар, шунингдек халқаро кафолат шартномалари ратификация қилинмайди ва Ўзбекистон Республикаси

учун ахдлашувчи томонлар белгилайдиган тартибда кучга киради¹⁴.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг қабул қилиниши ва уларнинг қўлланилишида тилнинг аҳамияти

Инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тиллари халқаро ташкилот, яъни БМТ доирасидагина расмий тил мақомига эга¹⁵.

Халқаро суд низомининг III-боб (Суд ишларини юритиш) 39-моддасида БМТ халқаро судида суд ишларини юритишда расмий тил сифатида француз ва инглиз тиллари белгиланган. Бироқ, томонларнинг илтимосига кўра БМТ халқаро судида суд ишларини юритишда бошқа тилдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам берилади¹⁶.

Агар давлатлар ўртасида икки томонлама халқаро шартномалар имзоланса, шартноманинг қайси тилда бўлиши томонларнинг ўзаро келишувига боғлиқ. Яъни, шартнома ҳар икки тарафнинг тилида ва ҳар икки тараф учун қулай ва холис бўлган учинчи расмий тилда тузилади. Бунда барча матнлар аутентик (бир хил) ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ва бошқа ахдлашувчи томоннинг тили Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тили ҳисобланади. Бошқа ахдлашувчи томон билан келишувга кўра, ўзга тил Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тили деб танланиши мумкин. Халқаро шартноманинг матни қайси тилда тузилган бўлса, ўша тил мазкур шартноманинг матнида кўрсатилиб, матнда унинг аутентиклиги ва расмийлиги белгиланади¹⁷.

Агар халқаро шартнома ёки битим қоидаларини талқин қилишда ўзаро келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, тарафлар келишуви асосида танланган расмий тилдаги матн

14. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги ЎРҚ-518-сон қонуни. 18-модда. 2019 йил 6 февраль

15. <https://www.un.org/ru/sections/about-un/official-languages/index.html>

16. Халқаро суд низоми. III боб (Суд ишларини юритиш). <https://www.un.org/ru/icj/statut.shtml>.

17. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги ЎРҚ-518-сон қонуни. 5-модда. 2019 йил 6 февраль

устунлик қилади. Бундай келишув икки ёки кўп томонлама тузилаётган шартномаларнинг якунловчи моддасига киритилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида 2003 йил 12 февралда имзоланган “Жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳукукий ёрдам тўғрисида”ги шартноманинг 21-моддаси қуйидаги жумлалар билан якунланган: “Тошкент шаҳрида 2003 йил 12 февралда, икки нусхада, ўзбек, корейс ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар аутентикдир. Талқин қилишда ҳар қандай келишмовчиликлар келиб чиқса, инглиз тилидаги матн устунлик қилади”.

Халқаро ҳукукий ёрдам

Жиноят қайси мамлакат ҳудудида содир этилса ўша мамлакат қонунчилиги билан тартибга солинади. Жиноят бир давлатда содир этилиб, жиноят содир этган шахс бошқа давлатга қочиб кетиб яширинган ёки чет эл фуқароси бошқа мамлакатда жиноят содир этган тақдирда ҳам жазо муқаррардир. Давлатлар ўртасида ҳукукбузарлик содир этишда айбланаётган жиноятчилар, хусусан ўзаро бир-бирига тегишли бўлган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан ҳукукий таъсир чораларини қўллаш ёки ҳукукий таъсир чораларини қўллаш учун ҳукукий ёрдам бериш юзасидан ҳукукий муносабатлар ва ҳукукий ёрдам тўғрисида ҳамкорлик олиб борилади. Халқаро-ҳукукий ёрдам бу – бир давлатнинг ҳукукни муҳофаза қилувчи ва бошқа ваколатли органлари томонидан бошқа бир давлатнинг шундай органларига фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва бошқа ишларни кўришда ҳукукий ёрдам кўрсатишидир. Конвенция унга аъзо давлатлар ваколатли органлари томонидан ҳукукий ёрдам кўрсатишнинг бир қатор шакллари қўзда тутади.

Ўзбекистон Республикаси 2020 йил 12 июлда ҳукукий ёрдам тўғрисида мурожаат қилиш билан боғлиқ инстанция босқичлари ва сўровларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришга мўлжалланган «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳукукий ёрдам ва ҳукукий муносабатлар тўғрисида» Кишинёв

Конвенциясига қўшилди¹⁸. Унга қадар Ўзбекистон Республикаси МДХ давлатлари билан ўзаро ҳуқуқий ёрдам масалаларини 1993 йил 22 январда қабул қилинган «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Минск Конвенцияси асосида амалга оширган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ҳар икки Конвенция аъзоси ҳисобланади. Ҳар иккала Конвенцияда ҳам давлатлар ўртасида ўзаро фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари илгари сурилган. Бироқ, давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий ёрдамни амалга оширишда янада қулайликларни яратиш мақсадида Минск конвенциясининг такомиллашган шакли сифатида Кишинёв конвенцияси қабул қилинди.

Конвенциянинг такомиллашган жиҳатларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

- иқтисодий масалаларни ҳал этишга доир ишларни тартибга солиши;
- ҳуқуқий ёрдам сўралган муассаса буюртмани бажариш ваколатига эга бўлмаса, ваколатли муассасага 5 кунлик муддатда юбориши аниқ белгиланлиги (*Минск конвенциясида ваколатли муассасага юбориш муддати аниқ белгиланмаган бўлиб, ишнинг узоқ вақт чўзилишига сабаб бўлади*);
- Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг ваколатли органлари томонидан бевосита муносабатини амалга ошира олиши;
- алоҳида ҳолларда факсимиле алоқа бўйича ёки коммуникация воситаларининг бошқа турларидан фойдаланган ҳолда топшириқларни юбориш мумкинлиги;
- фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича экспертизаларни ташкиллаштириш ва ўтказишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши ҳамда уларни амалга ошириш ва молиялаштириш тартибини регламентга солиши;

18. 2002 йил 7 октябрда қабул қилинган.

- жинойй ишларни юритишга бағишланган тўртинчи бўлимда қатор процессуал жараёнлар аниқ баён қилинганлиги;
- судларнинг даъвони таъминлаш мақсадида мол-мулкни, шу жумладан, банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини хатлаш тўғрисидаги қарорлари ҳам тан олиниши ва ижро қилиниши белгиланганлиги;
- жинойятларга хос айрим ҳолатларни тавсифлаш ва ушбу ҳолатларга нисбатан ишлатиладиган атамаларни белгилашда миллий қонунчиликдаги мавжуд фарқлар ҳисобга олинганлиги ва ҳ.к.

Бундан ташқари, Кишинёв Конвенциясида давлатлар ўртасида ўзаро алоқа ўрнатишда номарказлаштириш, яъни маказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтишга ҳаракат қилинган. Бу эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлардан келиб тушадиган мурожаатларни тезкор кўриб чиқиш, суд жараёнларининг чўзилишини олдини олиш ҳамда почта харажатларини бекор қилиш ва вақтни тежаш имконини беради. Масалан, Минск Конвенцияси доирасида битта сўровни кўриб чиқиш амалиётда 3 ойдан 6 ойгача вақтни талаб этади, сабаби Ўзбекистон Республикаси Олий суди сўровни Қозоғистон Республикасининг ваколатли органларига юбориш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига жўнатади. Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлигига, у ердан эса Қозоғистон Республикасининг ваколатли судларига юборилади. Кишинёв Конвенциясида бу каби ортиқча жараёнлар сони ва ҳуқуқий ёрдамга оид сўровларни кўриб чиқиш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилган. Шунингдек, мазкур Конвенцияга аъзо мамлакатлар фуқароларига кўрсатиладиган ҳуқуқий ёрдам кўлами ҳам кенгайтирилган (Конвенция 6-моддаси).

Кишинев Конвенциясининг 120-моддасига кўра ушбу Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари ўртасида 1993 йил 22 январдаги Минск конвенцияси ҳамда унинг 1997 йил 28 мартдаги Протоколи ўз ҳаракатини тўхтатади. Минск конвенцияси ҳамда

унинг Протоколи ушбу Конвенцияга аъзо давлатлар ўртасида ушбу Конвенция кучга киргунга қадар амал қилади.

Киев Битимининг 1-моддасига кўра, мазкур Битим хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги, улар билан давлат ва бошқа органлар ўртасидаги шартномавий ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолардан келиб чиқадиган ишларни ҳал қилиш, шунингдек, улар бўйича қарорларни ижро этиш масалаларини тартибга солади. Ушбу модданинг мазмунига кўра, ушбу Битим Минск ва Кишинев конвенцияларидан фарқли равишда фақат хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низолар юзасидан чиқарилган қарорларни тан олиш ва ижро этиш тартибини белгилаб беради, холос.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси қатор хорижий давлатлар билан экстрадиция ёки муайян процессуал ҳаракатларни амалга ошириш бўйича икки томонлама шартномалар имзолаган. Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси ва **Туркия** Республикаси ўртасида фуқаролик, савдо ва жиной ишлар бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида Шартнома.

Анқара, 23 июнь 1994 йил.
1997 йил 19 декабрда кучга кирган.

2. Ўзбекистон Республикаси ва **Латвия** ўртасида фуқаролик, оилавий, меҳнат ва жиной ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Шартнома.

Тошкент, 23 май 1996 йил.
1997 йил 11 апрелдан кучга кирган.

3. Ўзбекистон Республикаси ва **Грузия** ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиной ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома.

Тбилиси, 28 май 1996 йил.
1997 йил 27 июндан кучга кирган.

4. Ўзбекистон Республикаси ва **Туркменистон** ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома.

Тошкент, 27 ноябрь 1996 йил.
1998 йил 21 июндан кучга кирган.

5. Ўзбекистон Республикаси ва **Қирғизистон** Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома.

Тошкент, 24 декабрь 1996 йил.
1998 йил 30 ноябрдан кучга кирган.

6. Ўзбекистон Республикаси ва **Литва** Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома.

Тошкент, 20 февраль 1997 йил
1998 йил 10 июлдан кучга кирган.

7. Ўзбекистон Республикаси ва **Қозоғистон** Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома.

Алмата, 2 июнь 1997 йил.
1998 йил 30 октябрдан кучга кирган.

8. Ўзбекистон Республикаси ва **Озарбайжон** Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Шартнома.

Тошкент, 18 июнь 1997 йил.
1998 йил 15 июндан кучга кирган

9. Ўзбекистон Республикаси ва **Хитой** Халқ Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома.

Пекин, 11 декабр 1997 йил.
1998 йил 28 августда кучга кирган.

10. Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Шартнома.

Киев, 19 февраль 1998 йил.
1999 йил 19 июндан кучга кирган.

11. Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Шартнома.

Деҳли, 2 май 2000 йил.
2001 йил 17 апрелдан кучга кирган.

12. Ўзбекистон Республикаси ва Чехия Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Шартнома.

Тошкент, 18 январ 2002 йил.
2003 йил 1 декабрдан кучга кирган.

13. Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома.

Тошкент, 12 февраль 2003 йил.
2004 йил 23 ноябрдан кучга кирган.

14. Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ўртасида фуқаролик ишлари бўйича ёрдам кўрсатиш тўғрисида Шартнома.

София, 24 ноябрь 2003 йил.
2004 йил 11 мартда кучга кирган.

15. Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ўртасида жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Шартнома.

София, 24 ноябрь 2003 йил.
2004 йил 11 мартда кучга кирган.

16. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома.

Тошкент, 1 март 2007 йил.
2008 йил 10 декабрдан кучга кирган.

17. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Афғонистон Ислом Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома.

Тошкент, 5 декабрь 2017 йил.
2018 йил 2 апрелдан кучга кирган.

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров қуйидаги органлар томонидан юборилади:

- судлари томонидан амалга ошириладиган жиноят ишларини юритиш билан боғлиқ масалалар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали;

- суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талаб қилинмайдиган процессуал ҳаракатлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати орқали;

- қолган ҳолларда – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали юборилади (ЖПК 592-моддаси). Зарур ҳолларда, ЖПКнинг 592-моддасида кўрсатилган органлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан алоқа боғлайди.

Агар ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома имзоланмаган муайян давлат ҳудудида бирор процессуал ҳаракатни бажариш зарурияти туғилса, ўзаролик принципи асосида муносабатга киришилади, жумладан процессуал ҳаракатни бажариш хусусида сўров жўнатилади.

Ҳукукий ёрдам кўрсатиш хусусида халқаро ҳужжатларнинг аксариятида “ҳукукий ёрдам ҳажми” деб аталувчи қисм (бўлим, банд, модда) мавжуд бўлиб, унда ўтказиладиган ёки ўтказилиши таъминлаб бериладиган процессуал ҳаракатларнинг рўйхати келтирилади. Ҳукукий ёрдам ҳажми сифатида кўрсатилмаган бўлса-да, ўзаро ёрдам тариқасида бажариладиган ишларнинг нималардан иборатлиги кўрсатилади. Бу рўйхат ҳамма шартномаларда бир хил таркибли эмас.

Хорижий мамлакат ҳудудида процессуал ҳаракатни ўтказиш тўғрисидаги сўров жинойт иши қўзғатилгандан кейин киритилади. Шунинг учун бундай сўровларда “жинойт ишининг номланиши” кўрсатилиши қонунда белгиланган. Қонунда жинойт ишларининг номланиши хусусида қоида белгиланмаган.



ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРДА ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Фуқаролик ишларини кўришда халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш билан боғлиқ умумий қоидалар

Судларда фуқаролик ишлари аксарият ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва ташкилотлари иштирокида кўрилади. Шу билан бирга фуқаролик процессуал қонунчилигидаги қоидаларга асосан судлар чет эл шахслари иштирок этган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳам ҳал этишади.

Чет эл шахслари иштирокидаги суд ишлари баъзи давлатларда хорижий элементлар иштирокидаги ишлар деб ҳам аталади. “Хорижий элемент” ибораси узок вақт давомида фақат олимларнинг илмий асарларида ишлатиб келинган. Аммо ҳозирда баъзи давлатларда, хусусан Россия Федерацияси ФКнинг 1186-моддасида у “чет эл фуқароси ёки чет эл юридик шахси иштирокидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга ёхуд мураккаблашган бошқа хорижий элемент иштирокидаги, шу жумладан, фуқаролик ҳуқуқи объекти чегарадан ташқарида жойлашган ҳоллардаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга тадбиқ қилинадиган ҳуқуқ” сифатида қайд этилади¹.

Хорижий элементлар мавжуд бўлганлик ёки чет эл билан боғлиқлик деганда ишда иштирок этувчи шахслардан бири чет эл фуқароси бўлиши ёки чет элда яшаши ёхуд у юридик шахс бўлиб, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида давлат рўйхатидан ўтган бўлиши ва ўша жойда жойлашган бўлиши тушунилади. Бундай ҳолатлар баъзи адабиётларда хорижий иштирок этиш деб ҳам аталади.

Ҳуқуқшунос олим Н.М.Коршуновнинг таъкидлашича, фуқаролик процессида хорижий иштирок этишни ҳуқуқий тартиб-

1. Гражданский процесс (гражданское процессуальное право) России: учебник (отв. ред. А.А. Мохов). — М.: ООО «ЮРИДИЧЕСКАЯ ФИРМА КОНТРАКТ», 2017. Стр. - 219.

га солишнинг тўртта асосий жихатлари мавжуд. Биринчиси, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаролик-ҳуқуқий макоми билан боғлиқ. Иккинчиси, чет давлатларга ва унинг Россия Федерациясида аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналарига нисбатан даъво тақдим этиш тартиби ва асосларини белгилаб берувчи қоидалардан иборат бўлади. Учинчиси, фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари юзасидан давлатлараро ҳамкорлик қилиш ҳисобланади. Сўнгги, тўртинчиси, чет эл судларининг ҳужжатларини Россия ҳудудида тан олиш ва ижро этиш шартларига дахлдор бўлади².

Ўзбекистонда чет эл шахсларининг фуқаролик суд ишларида иштирок этиши жараёнларини тартибга солувчи миллий қонун ҳужжатларига оид ҳуқуқ нормалари деярли кам. Шунинг учун ушбу жараёнларни тартибга солишда миллий процессуал қонун ҳужжатлари халқаро шартномаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган тегишли нормаларига кўпроқ ҳавола қилади. Бундай ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон Республикаси иштирок этаётган, яъни ратификация қилган кўп томонлама ва икки томонлама халқаро шартномаларда батафсил акс этган.

ФПК 1-моддасининг учинчи қисмида белгиланишича, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўрсатилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади³.

Чет эл шахсларининг фуқаролик суд ишларида иштирок этиши жараёнларини тартибга солувчи ва Ўзбекистон Республикаси иштирок этаётган кўп томонлама халқаро шартномалардан бири - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги 183-I-сонли қарори билан ратификация қилинган “Фуқаролик процесси масалаларига доир” 1954 йил 1 мартда-

2. Гражданский процесс: Учебник для юридических вузов / Под ред. д.ю.н. проф., засл. деятеля науки РФ М.К. Треушникова. -3-е изд., испр. и доп. - М.: Юриспруденция, 2001, стр - 328.

3. www.lex.uz

ги Гаага Конвенциясидир⁴. Ушбу Конвенцияда суд ва суддан ташқари ҳужжатларни топшириш, суд топшириқларини ижро қилиш, бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тартиби ва бошқа шу каби масалаларга оид қоидалар ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 6 майдаги 825-ХП-сонли қарори билан ратификация қилинган “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида имзоланган кўп томонлама Конвенция⁵ (ушбу Конвенцияга доир 1997 йил 28 мартдаги Москва Баённомаси Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 13 декабрдаги Қонуни билан ратификация қилинган)да унга аъзо бўлган, яъни бир қанча МДХ давлатлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси учун ҳам мажбурий бўлган фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича текин ҳуқуқий ёрдам бериш, бождан озод қилиш, ҳужжатлар тақдим этиш, гувоҳларни, жабрланувчиларни, фуқаролик даъвогарларни ва жавобгарларни, уларнинг вакилларини чақиртириш, манзилларни ва бошқа маълумотларни аниқлаш, судловга тегишлиликни аниқлаш, суд жараёнларида ҳамкорлик қилиш, суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш каби процессуал тартиб-қоидалар ўрин олган.

Минск конвенциясининг 1-моддасига асосан аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бирининг фуқаролари, шунингдек унинг ҳудудида яшовчи бошқа шахслар бошқа аҳдлашувчи Томоннинг фуқаролик, оилавий ва жиноий ишларни кўриш ваколат доирасига кирадиган суд, прокуратура, ички ишлар ва бошқа муассасаларига эркин ва тўсиқларсиз мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, ушбу аҳдлашувчи Томон фуқаролари каби ана шундай шартларда уларда қатнашишлари, илтимосномалар киритишлари, даъво аризаси билан мурожаат қилишлари ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин.

Конвенциянинг 13-моддасига кўра аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудида муассаса ёки бунга махсус ваколатли

4. www.lex.uz

5. www.lex.uz

шахс томонидан ўз ваколати доирасида белгиланган шаклда тайёрланган ёки тасдиқланган ва гербли муҳр билан тасдиқланган ҳужжатлар бошқа ахдлашувчи Томон ҳудудида бирон-бир махсус гувоҳномасиз қабул қилинади⁶.

Ушбу Конвенцияга МДХ давлатларининг барчаси қўшилмаганлиги ва унда фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги қоидалар нисбатан қисқароқ баён этилганлиги сабабли “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида” 2002 йил 7 октябрдаги Кишинёв конвенцияга қўшилиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни⁷ 2019 йилнинг 26 августида қабул қилинган.

Кишинёв конвенциясида фуқаролик, оилавий, жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам бериш ҳамда ҳуқуқий муносабатларда ҳамкорлик қилиш масалалари бир мунча кенгроқ ёритилган. Жумладан, унда фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича экспертиза ўтказиш ва ташкил этишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга оид бир қанча қўшимча нормалар киритилган ва ҳоказо.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХП-сонли қарори билан ратификация қилинган БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида” 1989 йил 20 ноябрдаги Конвенцияси⁸, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги 29-І-сонли қарори билан ратификация қилинган БМТнинг “Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида” 1969 йил 23 майдаги Вена Конвенцияси⁹ ва шу каби бошқа қўп томонлама халқаро шартномаларда ҳам чет эл шахсларининг фуқаролик суд ишларида иштирок этиши билан боғлиқ баъзи моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари белгилаб берилган.

Булардан ташқари, бевосита Ўзбекистон Республикаси билан бошқа чет давлатлар ўртасида тузилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 1 майдаги

6. www.lex.uz

7. www.lex.uz

8. www.lex.uz

9. www.lex.uz

626-I-сонли қарори билан ратификация қилинган “Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида” 1997 йил 11 декабрдаги, 2002 йил 5 апрелдаги 366-II-сонли қарори билан ратификация қилинган “Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида” 2002 йил 18 январдаги, 1994 йил 23 сентябрдаги 2026-XII-сонли қарори билан ратификация қилинган “Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Жумҳурияси ўртасидаги фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида” 1994 йил 23 июндаги шатномалар¹⁰ ва бошқа қатор шу каби икки томонлама халқаро шартномаларда фуқаролик ишларини кўриш билан боғлиқ ўзига хос муҳим қоидалар кўзда тутилган.

Фуқаролик ишларини кўришда халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш ҳақида тўхталганда авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасидаги қоида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу моддада ёзилишича, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар¹¹. Мазкур моддада чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳақида сўз юритилсада, аммо кенг маънода республикамизда чет эл ташкилотларининг ҳам ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади.

Чет эл шахсларининг фуқаролик суд ишларида иштирок этиши жараёнларини ҳуқуқий тартибга солувчи муҳим қонун ҳужжатларидан бири ФПК ҳисобланади ва ушбу масала билан боғлиқ қоидалар асосан унинг “Фуқаролик процессида чет эл фуқаролари ва ташкилотларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг иштироки” деб номланган III бўлими (359-372-моддалар)да акс этган. Бундан ташқари, фуқаролик судлов ишларини

10. www.lex.uz

11. www.lex.uz

юритишга оид бошқа тегишли моддаларида ҳам ушбу масалага оид айрим процессуал ҳуқуқ нормалари мавжуд. Масалан, ФПКнинг 300-моддасида чет эл фуқаролари бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган фарзандликка олувчи шахслар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилиниши ёхуд уларга белгиланган тартибда апостиль қўйилган бўлиши, бунда тақдим этиладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилига таржима қилинган ва нотариал тасдиқланган бўлиши кераклиги ҳақидаги қоида ўрнатилган¹².



ФПК 359-моддасининг биринчи қисмига кўра чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга ва улар фуқаролик процессуал ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда фойдаланади¹³.

Ҳуқуқшунос олим Ш.Ш.Шорахметов таъкидлаганидек, Ўзбекистондаги чет эллик фуқароларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан бир қаторда виждон эркинлиги, шахсий ва уй-жой дахлсизлиги ҳамда бошқа шахсий ҳуқуқлар кафолатланади. Чет эллик фуқаролар республика ҳудудида эркин ҳаракат қилишлари ва яшаш учун жой танлашлари мумкин.

Чет эллик фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини ҳурмат қилишлари ҳамда уларга риоя этишлари шарт. Улар Конституция, қонунлар ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан юклатиладиган мажбуриятларни ўташлари лозим. Чет элликлар бошқа кимсаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-кимматини ҳурмат қилишлари, шунингдек, ўзбек халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросига самимий муносабатда бўлишлари шарт¹⁴.

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасининг мазмунига кўра, чет давлат фуқароси

12. www.lex.uz

13. www.lex.uz

14. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. 907-908 бетлар.

деганда, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигига ва ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлган шахс тушунилади¹⁵.

Бир қанча чет давлатларда икки фуқаролик қонуний тарзда тан олинади. Аммо миллий қонунчилигимиз Ўзбекистон фуқаролари икки ёки ундан ортиқ фуқароликка эга бўлишларини тан олмайди. Масалан, Ўзбекистон фуқароси Корея Республикасининг ҳам фуқаролигини олган бўлса, у Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ва судлов иш юритишда иштирок этишда чет эл фуқаролари сингари ҳуқуқларга эга бўла олмайди. Чунки “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасида белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет давлат фуқаролигига мансублиги Ўзбекистон Республикасида тан олинмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш ёки фуқаролигини йўқотганлик тўғрисидаги қарори қабул қилингунига қадар бир вақтнинг ўзида чет давлат фуқаролигига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши ёки жавобгарликдан озод этилиши мумкин эмас¹⁶.

Яна бир муҳим масала, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, шунингдек бундай никоҳнинг бекор қилиниши эр-хотиннинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди. Шу боис бундай фуқаролар ҳам Ўзбекистон Республикаси судларига Ўзбекистон фуқаролари каби мурожаат қилишади.

Муҳим бир ҳолатга эътибор бериш керакки, чет эл шахслари судлов ишини юритишда даъвогар, жавобгар, учинчи шахс сифатида шахсан ёки вакиллари орқали иштирок этишлари мумкин, аммо бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва

15. www.lex.uz

16. www.lex.uz

манфаатларини ҳимоя қилиб судга ўз номидан ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эмас¹⁷.

Фуқаролик судлари томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш билан боғлиқ қоидалар нафақат процессуал ҳуқуқда, балки моддий ҳуқуққа оид нормаларда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, ФКнинг 1158-моддасида кўрсатилишича, чет эл фуқаролари ёки чет эл юридик шахслари иштирокидаги ёхуд чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ ушбу Кодекс, бошқа қонунлар, халқаро шартномалар ва эътироф этилган халқаро таомиллар асосида, шунингдек тарафларнинг келишуви асосида белгиланади¹⁸.

ФКда шунингдек “жисмоний шахснинг шахсий қонуни” деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, жисмоний шахс қайси мамлакатнинг фуқароси бўлса, шу мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади. Шахс икки ёки ундан ортиқ фуқароликка эга бўлган тақдирда у қайси мамлакат билан энг кўп узвий боғланган бўлса, унинг учун ўша мамлакат ҳуқуқи шахсий қонун ҳисобланади. Фуқаролиги бўлмаган шахс қайси мамлакатда доимий яшаб турган бўлса, ўша мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади¹⁹. Агар чет эллик жисмоний шахслар фуқаролик суд ишларини кўришда иштирок этишаётган бўлишса, судлар моддий ҳуқуқ нормасини қўллашда ушбу қоидаларга риоя қилишлари, уларнинг шахсий қонунларини қўллашлари керак.

Амалдаги фуқаролик процессуал қонунчиликка кўра шахс судга мурожаат қилиши ва суд жараёнларида иштирок этиши учун унда муайян процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати, яъни ҳуқуқ лаёқати мавжуд бўлиши керак. Барча фуқаролар ва ташкилотлар, шу жумладан, чет эл фуқаролари ва ташкилотларининг ҳуқуқ лаёқатлари тенг равишда эътироф этилади.

17. Гражданский процесс: Учебник (Под ред. д.ю.н., проф. А.Г. Коваленко, д.ю.н. проф. А.А. Мохова, д.ю.н., проф. П.М. Филиппова). — М.: Юридическая фирма «КОНТРАКТ»; «ИНФРА-М», 2008. Стр - 305.

18. www.lex.uz

19. www.lex.uz

Судда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқати вояга етган фуқаролар ва ташкилотларга тегишлидир. Шунинг учун чет эл фуқароси Ўзбекистон судига мурожаат қилиши учун у вояга етган бўлиши ёки ФПКнинг 42-моддасида белгиланган бошқа талабларга риоя қилиши шарт.



Чет эллик жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари ҳам уларнинг шахсий қонунлари асосида белгиланади. Чет эллик жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ҳуқуқ лаёқатидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда фойдаланадилар, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ёки халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

ФПК 359-моддасининг иккинчи қисмига кўра чет эл ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга ва улар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаролик процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар²⁰.

Ушбу модданинг учинчи қисмида қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва ташкилотларининг фуқаролик процессуал ҳуқуқларининг махсус чекланишига йўл қўйилган давлатларнинг фуқаролари ва ташкилотларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавоб тариқасидаги чекловлар белгиланиши мумкин.

Фуқаролик судлов ишларини юритишда иштирок этадиган ва ўзига хос процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладиган шахслардан яна бир тури - фуқаролиги бўлмаган шахслардир.

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасининг мазмунига кўра, фуқаролиги бўлмаган шахс деганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахс тушунилади²¹.

20. www.lex.uz

21. www.lex.uz



ФПКнинг 360-моддасига кўра фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга ва улар фуқаролик процессуал ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда фойдаланади²².

Фуқаролик ишлари кўрилаётганида шахс ўзини фуқаролиги бўлмаган шахс деб таништира, бу ҳолатни аниқлаш учун ундан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшашга рухсат этилганлиги ва фуқаролиги бўлмаган шахс эканлигини тасдиқловчи яшаш гувоҳномаси сўралиши керак.

Таъкидлаш лозимки, агар фуқаролиги бўлмаган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинган бўлса, у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади.

ФКда фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан ҳам “жисмоний шахснинг шахсий қонуни” тушунчаси амал қилиши белгиланган бўлиб, унга кўра фуқаролиги бўлмаган шахс қайси мамлакатда доимий яшаб турган бўлса, ўша мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси иштирок этган 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида қабул қилинган “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Конвенциянинг 23-моддасига кўра фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати у доимий яшаш жойига эга бўлган давлатнинг ҳуқуқи билан аниқланади²³.

Юқорида қайд этилган миллий қонунчилик нормаларидаги каби мазкур Конвенцияга кўра ҳам фуқаролиги бўлмаган шахслар мазкур Конвенцияда иштирок этувчи ҳар бир давлатларнинг судида шу давлатнинг фуқароси каби даъво қўзғатиш, арз қилиш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишда эркин ва ҳеч бир тўсиқларсиз тенг ҳуқуқларга эга бўладилар.

Халқаро ҳуқуқ нормалари асосида фуқаролик низолари кўрилаётганида даъво муддатини қўллаш ҳақида сўз юритилганда

22. www.lex.uz

23. www.lex.uz

таъкидлаш керакки, ФКнинг 1183-моддаси мазмунига кўра, иш қайси давлат ҳудудидаги судда кўрилаётган бўлса, даъво муддати шу давлатнинг ҳукуки асосида қўлланилади.

Масалан, ФПК 364-моддасининг учинчи қисми ва Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 6-моддасининг иккинчи қисмига кўра Ўзбекистон Республикаси суди томонидан чет эл судининг ёки арбитражининг қарори асосида берилган ижро варақаси, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарор қонуний кучга кирган вақтдан эътиборан уч йил ичида мажбурий ижро этиш учун топширилиши мумкин²⁴.

Даъво муддати татбиқ этилмайдиган талаблар, агар тегишли муносабатнинг қатнашчиларидан лоақал биттаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ёки Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ҳукуки бўйича белгиланади²⁵.



24. www.lex.uz

25. www.lex.uz

2-§. Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллашда судловга тегишлилик масалалари. Чет давлат судларининг судга доир топшириқларини ижро этиш ва Ўзбекистон Республикаси судларининг чет давлат судларига топшириқлар билан муурожаат қилишининг ўзига хос хусусиятлари

ФПКнинг 33-моддаси мазмунига кўра фуқаролик ишларига оид низолар юзасидан аризалар жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилади²⁶.

“Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Минск Конвенциясининг 20-моддаси (фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича)да эса айнан чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар бўйича судловга тегишлилик билан боғлиқ қуйидаги қоида акс этган:

1

Агар Конвенциянинг II - V қисмларида бошқача назарда тutilган бўлмаса, Келишилган Томонлардан бири ҳисобланган шахсга нисбатан даъволар унинг фуқаролигидан қатъи назар, ушбу шахс Келишилган қайси Томон ҳудудида яшаш жойига эга бўлган бўлса, шу Томон судига, юридик шахсга нисбатан даъволар эса ушбу юридик шахснинг бошқарув органи, унинг ваколатхонаси ёки филиали жойлашган ҳудуддаги Келишилган Томоннинг судига тақдим этилади.

Агар ишда бир нечта жавобгарлар иштирок этиб, улар турли Келишилган Томонлар ҳудудида яшаш жойларига эга бўлишса, низо даъвогарнинг танлашига кўра хоҳлаган жавобгарнинг яшаш жойи (турар жойи)да кўриб чиқилади.

26. www.lex.uz

2

Келишилган Томонларнинг судлари шунингдек, қўйдаги ҳолларда ҳам ўз ҳудудида ваколатли ҳисобланди:

а) жавобгар корхона (филиал) савдо, саноат ва бошқа ҳўжалик фаолиятини амалга ошираётган бўлса;

б) низо предмети бўлган шартномавий мажбурият бажарилган ёхуд қисман ёки тўлиқ бажарилиши керак бўлганда;

в) доимий яшаш жойига ёки турар жойига эга бўлган даъвогарнинг кадр-қиммати, обрўси ҳамда ишчанлик қобилятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъвоси бўйича.

3

Кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни тан олиш тўғрисидаги даъволар бўйича истисно тариқасида мол-мулк жойлашган жойдаги судлар ваколатли ҳисобланади.

Йўловчиларни, юкларни ёки багажни ташиш шартномаларидан юк ташувчиларга нисбатан келиб чиқадиган даъволар белгиланган тартибда талабнома тақдим этилган транспорт ташкилотининг органи жойлашган ерда тақдим этилади.

Конвенциянинг 21-моддасига кўра Келишилган Томонларнинг судлари, агар тарафларнинг низоларни ушбу судларга бериш ҳақидаги ёзма келишуви мавжуд бўлган бошқа ҳолларда ҳам ишларни кўришлари мумкин.

Бунда Конвенция 20-моддасининг 3-бандидан ва II - V қисмларида белгиланган бошқа нормалардан, шунингдек Келишилган Томонларнинг тегишли ички қонунчилигидан келиб чиқадиган алоҳида ваколатлар тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас.

Низони бошқа судга бериш ҳақидаги келишув мавжуд бўлган тақдирда жавобгарнинг аризаси бўйича суд иш бўйича иш юритишни тугатади²⁷.

27. www.lex.uz

Таъкидлаш керакки, ФПКда чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этаётган низоларни кўришнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги баъзи қоидалар ҳам акс этган. Хусусан, ФПКнинг 361-моддасида қайд этилишича, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этаётган низолар, шунингдек лоақал биттаси чет элда яшаб турган тарафлар ўртасидаги низолар бўйича фуқаролик ишлари Ўзбекистон Республикаси судларининг судловига тегишли бўлиши, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодекс билан белгиланади. Бу ҳолатда биринчидан, агар тарафлардан бири сифатида чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этаётган бўлса, улар чет элда яшаб турган бўлиши шарт эмас, иккинчидан, чет элда яшаб турган ҳар қандай миллат вакили бўлган фуқаро, шу жумладан, Ўзбекистон фуқароси ҳам низода тараф сифатида иштирок этаётган бўлса ва иккинчи тараф Ўзбекистон ҳудудида яшаётган ва Ўзбекистон фуқароси бўлса, бундай низоларга оид фуқаролик ишлари Ўзбекистон Республикаси судларида кўрилади²⁸.

Чет эл шахслари иштирокидаги айрим фуқаролик ишларининг судловга тегишлилиги ФПКда ишнинг тоифасига қараб ҳам белгиланган. Масалан, мазкур Кодекс 29-моддасининг биринчи қисмига биноан Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ариза берувчи бўлган фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни, шунингдек қонун билан ўз ваколатига киритилган бошқа ишларни кўради²⁹. Яъни судловга тегишлилик тўғрисидаги умумий қоида мазмунидан келиб чиқиб, ҳар қандай аризалар жавобгар доимий яшаб турган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро (туман) судида кўрилсада, аммо чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ариза берувчи бўлган

28. www.lex.uz

29. www.lex.uz

фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар биринчи инстанция тариқасида Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар судларида кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида» 2013 йил 11 декабрдаги 21-сон қарорининг 2-бандида тушунтириш берилганки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшаб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шунингдек қаерда доимий яшаётганликларидан қатъи назар, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фарзандликка олиш ҳақидаги аризалари фарзандликка олинаётган боланинг яшаш ёки турган жойидаги тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ёки Тошкент шаҳар суди судловига тааллуқли³⁰.

Олий суд Пленумининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида» 11.12.2013 йилдаги 21-сонли қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг аризалари бўйича фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар фарзандликка олинаётган боланинг яшаш ёки турган жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари судловига тааллуқли.



30. www.lex.uz

Ушбу Пленум қарорида қайд этилганки, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг турмуш шароитларини ўрганиш ҳақида далолатномаларни текшириш ва баҳолашда судлар далолатнома Конвенция ҳамда ФПК 285-моддасининг 3-қисми талабларига мувофиқлигига эътибор қаратишлари талаб этилади.

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш ҳақидаги аризани кўриб чиқишда суд нафақат аризачи фуқароси ҳисобланган давлатнинг қонунчилиги, балки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларидан ҳам келиб чиқиши лозим³¹.

Яна бир муҳим ҳолат, Оила кодексининг 238-моддасига мувофиқ суд ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи ва бошқа органлар чет эл оила ҳуқуқининг нормаларини қўллашда мазкур нормаларнинг мазмунини уларнинг тегишли чет эл давлатида расмий шарҳланиши ва амалиётда қўлланилишига мувофиқ тарзда аниқлайди.

Суд, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва бошқа органлар чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмунини аниқлаш мақсадида ёрдам ва тушунтириш олиш учун белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларига мурожаат қилишлари ёхуд экспертларни жалб этишлари мумкин.

Манфаатдор шахслар талаб ёки эътирозларини тасдиқлаш учун ўзлари асосланаётган чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмунини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилишга ва чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмунини аниқлаш мақсадида судга ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва ўзга органларга бошқа тарзда ёрдам беришга ҳақлидир.

31. www.lex.uz

Агар ушбу моддага мувофиқ амалга оширилган чораларга қарамай, чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмуни аниқланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари қўлланилади³².

ФПК 84-моддасининг иккинчи – тўртинчи қисмларида белгиланишича, судга тақдим этилаётган, тўлиқ ёки қисман чет тилида тузилган ёзма далилларга уларнинг тегишли тарзда тасдиқланган таржималари илова қилинади.

Чет давлатда олинган ҳужжат, агар у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда легализация қилинган бўлса, судда ёзма далил деб тан олинади.

Чет давлатда олинган ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда легализация қилинмасдан судда ёзма далил деб тан олинади³³.

Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида чет эл шахслари иштирок этган фарзандликка олиш билан боғлиқ ишларни кўришда ҳам баъзи истисно қоидалар акс этган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги аризасига ФПК 300-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек фарзандликка олувчилар қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлат (бола Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинаётганда — ушбу шахслар қайси давлатда доимий яшаш жойига эга бўлса, ўша давлат) ваколатли органининг уларнинг яшаш шароитлари ҳақидаги ва фарзандликка олувчи бўла олиш имкониятлари тўғрисидаги хулосаси, тегишли давлат ваколатли органининг фарзандликка олинаётган боланинг ушбу

32. www.lex.uz

33. www.lex.uz

давлатга кириши ва мазкур давлат ҳудудида доимий яшаши учун рухсатномаси, фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхонаси вакилларига фарзандликка олинган бола ҳақида ахборот бериш ва бола билан мулоқот қилиш имкониятини бериш тўғрисидаги нотариал тасдиқланган мажбурияти илова қилинади.

Чет эл фуқаролари бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган фарзандликка олувчи шахслар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилиниши ёхуд уларга белгиланган тартибда апостиль қўйилган бўлиши керак. Бунда тақдим этиладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилига таржима қилинган ва нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Бундай тоифадаги ишларни суд муҳокамасига тайёрлашда судья ажрим чиқаради, унга кўра фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига фарзандликка олишнинг асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида судга хулоса тақдим этиш мажбурияти юкланади.

Агар бола унинг қариндошлари бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинаётган бўлса, мазкур ҳолатда васийлик ва ҳомийлик органининг хулосасига умумий рўйхатдаги ҳужжатлардан ташқари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ва фарзандликка олишга номзодларни ҳисобга олиш бўйича маълумотлар базасида фарзандликка олинаётган бола тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари оиласига тарбияга олиш ёки боланинг қариндошлари томонидан, ушбу қариндошларнинг фуқаролиги ва яшаш жойидан қатъи назар, фарзандликка олиниши имконияти мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилиниши керак.

Чет эллик шахслар иштирокидаги фуқаролик ишларини кўришга оид судловга тегишлилик масаласини ҳал этишда халқаро шартномаларда белгиланган ва унда иштирок этаётган

давлатлар томонидан тан олинган суд иммунитети билан боғлиқ қоидаларни ҳам инобатга олиш зарур. Яъни баъзи шахслар суд иммунитетига эга бўлишади ва улар билан боғлиқ низоли ишларни кўриш, агар халқаро шартномаларда бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса, бошқа давлатлар судларининг ваколатига кирмайди. Бундай низолар дипломатик йўллар орқали ҳал қилинади.

Одатда давлатлар ва уларнинг дипломатик ваколатхоналари суд иммунитетидан фойдаланишади. Умумий қоидаларга кўра улар бошқа давлатлар судларининг судловига тааллуқли бўлишмайди.



ФПКнинг 362-моддасига кўра чет давлатга нисбатан даъво тақдим этилишига, даъвонинг таъминланишига ва ундирувнинг чет давлатнинг Ўзбекистон Республикасидаги мол-мулкига қаратилишига фақат тегишли давлатнинг ваколатли органлари розилиги билан йўл қўйилиши мумкин³⁴.

Чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик вакиллари ҳамда уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотлар ва уларнинг филиаллари фақат Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ёки халқаро ҳуқуқ нормалари билан белгиланадиган доирадагина Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судининг юрисдикциясида бўлади.

Давлатлар ўртасида тузиладиган кўп томонлама ва икки томонлама халқаро шартномаларда акс этган ҳуқуқий ёрдамларнинг турлари бир нечта бўлиб, чет давлат судларининг судга доир топшириқларини ижро этиш ушбу ёрдамнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Чет давлат судларининг судга доир топшириқларини ижро этиш билан боғлиқ муҳим халқаро шартномалардан бири ҳисобланган “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Минск Конвенциясининг 5-моддасида кўрсатилишича, мазкур Конвенция талабларини бажаришда Келишилган Томонларнинг

34. www.lex.uz

ваколатли адлия муассасалари, агар фақат ушбу Конвенцияда муносабатга киришишнинг бошқа тартиби ўрнатилган бўлмаса, ўзларининг марказий, ҳудудий ва бошқа органлари орқали ўзаро муносабатга киришадилар.

Чет давлат судларининг айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида ижро этилади. Суд топшириқларини бериш билан боғлиқ умумий тартиб-қоидалар ФПКнинг 103-104-моддаларида берилган. Жумладан, ушбу моддаларда белгиланишича, ишни кўраётган суд далилларни бошқа туманда ёки шаҳарда тўплаш зарур бўлган тақдирда, тегишли судга муайян процессуал ҳаракатларни амалга оширишни топширади.

Суд топшириғи ажрим билан расмийлаштирилиб, унда кўриб чиқиладиган ишнинг моҳияти, аниқланиши зарур бўлган ҳолатлар, топшириқни бажарадиган суд тўплаши лозим бўлган далиллар кўрсатилади. Бу ажрим қайси суд номига йўланган бўлса, ўша суд учун мажбурий бўлиб, ўн беш кунлик муддат ичида бажарилиши керак.

Суд топшириғи ахборот тизими орқали электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин.

Суд топшириғини бажариш ушбу Кодексда белгиланган қоидаларга кўра суд мажлисида амалга оширилади. Ишда иштирок этаётган шахслар мажлиснинг вақти ва жойи тўғрисида ҳабардор қилинади, бироқ уларнинг келмаганлиги топшириқни бажаришга тўсқинлик қилмайди.

Суд топшириғи тартибида тарафларнинг ва учинчи шахсларнинг ёхуд улар қонуний вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ёзма ва ашёвий далилларни кўздан кечириш ҳамда текшириш орқали аниқланадиган фактик маълумотлар тўпланиши мумкин.

Баённомалар ва суд топшириғини бажаришда тўпланган материаллар ишни кўриб чиқаётган судга дарҳол юборилади.

Агар суд топшириғини бажараётган судга тушунтиришлар ёки кўрсатувлар берган ишда иштирок этувчи шахслар ёки гу-

воҳлар ишни кўриб чиқаётган судга келса, улар умумий тартибда тушунтиришлар ёхуд кўрсатувлар беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2018 йил 19 майдаги 14-сонли қарорининг 8-бандида қайд этилишича, судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, суд топшириғини бажариш қонунда белгиланган барча талабларга риоя этилган ҳолда суд мажлисида амалга оширилиши лозим. Бунда ишда иштирок этувчи шахслар ФПК 40-моддасига биноан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг илтимосномасига асосан ёзма тушунтиришлар суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилиши мумкин. Тарафлар ва учинчи шахслар номидан тушунтиришларни уларнинг вакиллари беришлари мумкин. Гувоҳлар била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилиши шарт.

Суд топшириғини бажариш пайтида тузилган суд мажлиси баённомасида иш бўйича аҳамиятга эга ҳолатлар ва қўйилган саволларга тўлиқ жавоблар акс эттирилиши лозим³⁵.

ФПКнинг 363-моддасида Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан чет давлат судларининг топшириқларини ижро этишдаги истисно ҳолатлар ҳам қайд этилган бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1

топшириқни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси суверенитетига, хавфсизлигига зарар etkazса ёки қонун ҳужжатларининг асосий принципларига зид бўлса;

2

топшириқни ижро этиш суднинг ваколати доирасига кирмаса³⁶.

Мазкур моддада қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси судлари чет давлат судларига айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида топшириқлар билан мурожаат қилиши мумкин.

35. www.lex.uz

36. www.lex.uz

Ўзбекистон Республикаси судларининг чет давлат судлари билан алоқада бўлиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномалари билан белгиланади.

Чет давлат судларининг айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқлари белгиланган тартибда бажарилгандан сўнг топшириқ берган томонга барча ҳужжатлар қайтарилади ва агар ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг иложи бўлмаган тақдирда, ушбу ҳужжатлар топшириқ берган муассасага қайтарилиши билан бир вақтнинг ўзида унда топшириқни бажаришга тўсқинлик қилинган ҳолатлар ҳақида маълум қилинади.

Чет давлат судларининг топшириқларини ижро этиш билан боғлиқ қоидалар Ўзбекистон билан бошқа давлатлар ўртасида тузилган икки томонлама келишувларда ҳам акс этган. Бундай икки томонлама келишув имзоламаган ёхуд Минск ёки Кишинев ковенцияларига аъзо бўлмаган давлатларнинг судлари томонидан берилган топшириқлар Ўзбекистонда “Фуқаролик процесси масалаларига доир” 1954 йил 1 мартдаги Гаага Конвенцияси асосида бажарилади. Унга кўра топшириқ бераётган давлат томонидан суд топшириқлари топшириқ олаётган давлатнинг консули орқали давлат ҳокимиятига берилади. Топшириқни бериш ёки уни бажариш билан боғлиқ муаммолар дипломатик йўллар орқали ҳал этилади.

Ушбу Конвенциянинг 4-моддасида қайд этилишича, 1, 2, 3-моддаларда кўзда тутилган суд ҳужжатларини тақдим этиш, агар ҳудудида тақдим этиш амалга оширилаётган давлат ўзининг суверенитетига ёки хавфсизлигига зарар келтирилиши мумкин деб ҳисобласа, рад қилиниши мумкин³⁷.

Инобатга олиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, бажариш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва уларни тугатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуннинг 49-моддаси иккинчи қисмида ёзилишича, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса ёки унинг ўзга иштирокчилари билан бошқача келишув мавжуд бўлмаса, Ўзбе-

37. www.lex.uz

кистон Республикаси халқаро шартномасининг тугатилиши ёки денонсация қилиниши Ўзбекистон Республикасини ушбу халқаро шартномани бажариш мажбуриятидан озод қилади ҳамда шартнома тугатилгунига қадар уни бажариш натижасида юзага келган Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ёки юридик ҳолатига таъсир қилмайди³⁸.

3-§. Чет давлат судларининг ва чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорларини тан олиш ҳамда уларни ижрога қаратишга оид фуқаролик ишларини кўришда халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш билан боғлиқ айрим қоидалар

Суднинг қонуний кучга кирган аксарият қарорлари бўйича ижро варақалари берилади. Аммо баъзи қарорлар қонуний кучга киргандан сўнг тегишли ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарсада, улар бўйича муайян ижро ҳаракатларини амалга ошириш талаб қилинмаслиги боис ижро варақалари берилмайди. Масалан, қарорни ёки буйруқни ёхуд шартномани ҳақиқий эмас деб топиш, мулк ҳуқуқини тасдиқлаш, юридик фактни белгилаш ва ҳоказо. Судлар томонидан чиқариладиган бундай қарорлар бошқа давлатда белгиланган тартибда тан олинади. Агар судларнинг қарорлари бошқа давлатда муайян ижро ҳаракатларини амалга оширишни талаб қилса, у ҳолда бундай қарорлар ушбу давлатда тан олинади ва ижрога қаратилади. Инобатга олиш керакки, чет давлат судларининг қонуний кучга кирмаган қарорлари тан олинмайди ва ижрога қаратилмайди.

Чет давлат судларининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш учун суднинг қарори ижро этилиши керак бўлган давлат халқаро тан олинган усулда ва шаклда бунга ўз розилигини билдирган бўлиши зарур. Розилик билдириш кўп томонлама ёки икки томонлама тузилган халқаро шартномаларда ўз аксини топади.



38. www.lex.uz

Ҳукукий адабиётларда ёзилишича, баъзи бир давлатларда суд қарорларини ижро этиш учун фақат расмий нуқтаи назардан унинг тўғрилиги текширилади, шунингдек, унинг суд жойлашган давлатнинг оммавий тартибига зид эмаслиги ва қатор шартларнинг бажарилганлиги ўрганилади.

Бошқа давлатлар (Франция, Бельгия, Африканинг бир қанча давлатлари)да эса экзекватураларнинг берилиши зарур бўлади. Яъни бу ҳолатда тегишли илтимоснома кўриб чиқилгандан сўнг ижрога рухсат бериш ҳақида қарор чиқарилади. Францияда ҳал қилув қарори, агар француз фуқаросига қарши чиқарилган бўлса, у мазмунан текширилиши ҳам мумкин.

Ва ниҳоят, учинчи гуруҳ давлатларда чет давлат судининг қарорлари ўзаро муносабат мавжуд бўлганда ва улар миллий ҳуқуқнинг асосий қоидаларига зид бўлмаслиги шarti билан ижро қилинади³⁹.

ФПК 364-моддасининг биринчи қисмига кўра чет давлат судларининг ва чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорлари, агар бу Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган бўлса, тан олинади ҳамда ижрога қаратилади⁴⁰.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан чет давлат судларининг қуйидаги қарорлари тан олиниши ҳамда ижрога қаратилиши мумкин:

1

Чет давлат судларининг фуқаролик ишлари юзасидан ҳал қилув қарорлари;

1

Жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмларнинг жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга оид қисми;

2

Чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) фуқаролик низолари бўйича чиқарган ҳал қилув қарорлари.

39. Гражданский процесс: Учебник (Под ред. д.ю.н., проф. А.Г. Коваленко, д.ю.н. проф. А.А. Мохова, д.ю.н., проф. П.М. Филиппова). — М.: Юридическая фирма «КОНТРАКТ»; «ИНФРА-М», 2008. Стр – 309-310.

40. www.lex.uz

Шуни инобатга олиш керакки, чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш ҳамда чет давлат судининг топшириғини ижро этиш билан боғлиқ ишлар, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ФПКда белгиланган қоидалар бўйича кўриб чиқилади.

Мазкур масалани тартибга солувчи халқаро шартномалар ҳақида сўз юритилганда, таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорлари (қарорлари)ни тан олиш ва ижрога қаратишга оид процессуал тартиб-қоидалар асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги 184-І-сонли қарори билан ратификация қилинган “Халқаро ҳакамлик қарорлари ижросини таъминлаш ва уларни тан олиш тўғрисида” 1958 йил 10 июндаги Нью-Йорк конвенциясида, чет давлат судларининг ҳал қилув қарорлари (қарорлари)ни тан олиш ва ижрога қаратишга оид процессуал тартиб-қоидалар эса фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳукукий ёрдам ва ҳукукий муносабатлар тўғрисидаги Минск ва Кишинёв конвенциялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан бошқа тегишли давлатлар ўртасида тузилган икки томонлама халқаро шартномаларда белгилаб берилган.

Агар Ўзбекистон Республикаси ва икки томонлама ўзаро ҳукукий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома имзолаган давлат, фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳукукий ёрдам ва ҳукукий муносабатлар тўғрисидаги Минск ва Кишинёв конвенцияларининг ҳам иштирокчилари бўлсалар, суд чет давлат суди қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ишни кўриб чиқишда икки томонлама шартноманинг қоидаларини, у билан тартибга солинмаган ҳукукий муносабатлар қисми бўйича эса — Минск ёки Кишинёв конвенцияларига оид қоидаларни қўллайди.

Нью-Йорк конвенцияси 1-моддасининг 1-бандида ёзилишича, мазкур Конвенция тарафлар жисмоний шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин бўлган низолар бўйича қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш сўралаётган давлатда бошқа

давлат ҳудудидаги ҳакамлик қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш жараёнларига тадбиқ этилади.

Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳукукий ёрдам ва ҳукукий муносабатлар тўғрисида”ги Минск ва Кишинёв конвенцияларида чет давлат судларининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ҳамда уларни ижрога қаратиш тартиби бир мунча кенгроқ ёритилган бўлсада, ушбу конвенциялар асосан МДҲ давлатлари ўртасида тузилган ҳолос.

Шунинг учун ушбу конвенцияларда назарда тутилган чет давлат судларининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш масалаларига оид қоидалар фақатгина мазкур конвенцияларнинг иштирокчилари бўлган давлатларнинг судлари томонидан чиқарилган суд ҳужжатларига нисбатан қўлланилади ҳолос.

Агар ушбу конвенциялар иштирокчиси бўлмаган ёхуд Ўзбекистон Республикаси билан ҳукукий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузмаган чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида илтимоснома берилган бўлса, бундай илтимоснома кўриб чиқилмайди.

Минск конвенциясининг 51-моддасига кўра ҳар бир Келишилган Томон мазкур Конвенцияда назарда тутилган шартлар асосида бошқа Келишилган Томон ҳудудида чиқарилган куйидаги қарорларни тан олади ва ижро қилади:

а) адлия муассасаларининг фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича қарорлари, шу жумладан, бу каби ишлар бўйича суд томонидан тасдиқланган келишув битимлари ва пул мажбуриятларига оид нотариал ҳужжатлар (кейинчалик - қарорлар);

б) жиноят ишлари бўйича судларнинг зарарни ундириш тўғрисидаги қарорлари

Кишинев конвенцияси 54-моддасининг 1-бандида Минск Конвенциясининг 51-моддасида кўрсатилган икки турдаги қарорлардан ташқари судларнинг даъвони таъминлаш мақсадида

мол-мулкни, шу жумладан, банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини хатлаш тўғрисидаги қарорлари ҳам тан олинishi ва ижро қилиниши белгиланган⁴¹.

Минск Конвенциясининг 52-моддасидаги қоидага кўра ҳар бир Келишилган Томоннинг адлия муассасалари чиқарган ва қонуний кучга кирган, ўз характериға кўра ижрони талаб қилмайдиган қарорлари бошқа Келишилган Томоннинг ҳудудида махсус иш юритувисиз тан олинади, агар:

а сўралаётган Келишилган Томонларнинг адлия муассасалари илгари шу иш бўйича қонуний кучга кирган қарорни чиқармаган бўлса;

б ушбу Конвенцияга кўра, унда назарда тутилган ҳолларда эса, ҳудудида қарор тан олинishi лозим бўлган Келишилган Томоннинг қонунчилигига кўра иш ушбу Келишилган Томонларнинг адлия муассасаларининг мутлақ ваколатига кирмаса⁴².

Судлар чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини ижрога қаратиш тўғрисидаги ажримга асосан берилган ижро варақасида чет давлат суди ёки ҳакамлик қарори қонуний кучга кирган санани кўрсатишлари лозим. Чунки бундай ижро варақаси, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарор қонуний кучга кирган вақтдан эътиборан уч йил ичида мажбурий ижро этиш учун топширилиши мумкин.

Чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза ҳал қилув қарори фойдасига чиқарилган низо тарафи томонидан қарздорнинг яшаш жойидаги ёки турган жойидаги судга, агар яшаш жойи ва турган жойи номаълум бўлса, унинг мулки турган жойдаги судга берилади. Ушбу маз-

41. www.lex.uz

42. www.lex.uz

мундаги қоида Белоруссия Республикасининг фукаролик процессуал қонунчилигида ҳам мавжуд⁴³.

ФПКнинг 366-моддасида ёзилишича, чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва ундирувчи ёки унинг вакили томонидан имзоланган бўлиши керак.

Аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1 ариза берилаётган суднинг номи;

2 чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) номи ва жойлашган ери;

3 ишда иштирок этувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), яшаи жойи ёки турган жойи (почта манзили), шунингдек, агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаи жойи;

4 ундирувчи эътироф этилишини ва ижро этилишини илтимос қилаётган чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарори ҳақидаги маълумотлар;

5 чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш тўғрисида ундирувчининг илтимосномаси;

6 илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Аризада ундирувчининг ёки унинг вакилининг телефонлари, факслари рақамлари, электрон почта манзили кўрсатилган бўлиши мумкин.

43. “Судебная практика по гражданским и экономическим делам о признании и исполнении решений иностранных судов и иностранных арбитражных решений (по материалам обзора)”. // Судовы ВЕСНІК Афіцыйнае выданне Вярхоўнага Суда Рэспублікі Беларусь, № 1, 2015, стр 28.

Ариза ундирувчиларнинг сонига қараб кўчирма нусхалари билан бирга судга берилади, бундан электрон ҳужжат тарзида юбориладиган ариза мустасно .

Чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома ваколатли судга фақат ундирувчи (манфаатдор шахс) томонидан берилиши мумкин. Бошқа шахслар томонидан берилган илтимоснома кўриб чиқилмайди.



ФПКнинг 367-моддасида қайд этилишича, чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризага, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1

чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ундирувчи тан олиниши ва ижрога қаратилишини илтимос қилаётган ҳал қилув қарорининг чет давлат ёки Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси;

2

ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кирганлиги тўғрисидаги расмий ҳужжат, агар бу қарор матнининг ўзидан келиб чиқмаса;

3

ҳал қилув қарори илгари тегишли чет давлат ҳудудида ижро этилган бўлса, унинг ижро этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

4

ҳал қилув қарори ўз зарарига чиқарилган ва процессда иштирок этмаган тараф ишни кўриб чиқиш вақти ва жойи тўғрисида ўз вақтида ҳамда тегишли тарзда хабардор қилинганлигига оид ҳужжат;

5

вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа ҳужжат;

6

агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида давлат божини ва почта харажатларини тўлашдан озод қилиш назарда тутилмаган бўлса, давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

7

мазкур модданинг 1 — 5-бандларида кўрсатилган ҳужжатларнинг, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат тилига қилинган, белгиланган тартибда тасдиқланган таржимаси⁴⁴.

Суд чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ҳақидаги масалани ҳал этишда ариза ушбу Кодекснинг 366, 367-моддалари талаблари бузилган ҳолда берилганлигини аниқласа, аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни ундирувчига қайтаради.

Суд аризани қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ажрим, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ундирувчига ажрим чиқарилган кундан эътиборан беш кун ичида юборилади.

Аризани қайтариш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин ундирувчи судга умумий тартибда янгидан ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

ФПКнинг 369-моддасига кўра чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза, агар Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, у судга келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан ошмайдиган муддатда суд мажлисида кўриб чиқилади⁴⁵.

44. www.lex.uz

45. www.lex.uz

Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ФПКнинг 205, 219, 220-моддаларида белгиланган тартибда хабардор қилинади.

Бу тоифадаги ишларни кўришда суд чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўришга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга ҳақли эмас.

Агар чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарори қисман ижро этилган бўлса, суд бундай ҳолда мазкур қарорнинг ижро этилмаган қисмига ижро варақаси беради.

Агар чет давлат суди қарорининг тан олиниши ва ижрога қаратилиши Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги халқаро шартномаси асосида сўралаётган бўлса, қарорни тан олиш ва ижрога қаратиш мазкур шартномада назарда тутилган асослар бўйича рад этилади.



ФПК 370-моддасининг мазмунига кўра, суд чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олишни ва ижрога қаратишни қуйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисман рад этади, агар:

1 *ҳудудида ҳал қилув қарори қабул қилинган давлатнинг қонунига биноан у қонуний кучга кирмаган бўлса;*

2 *ҳал қилув қарори ўз зарарига қабул қилинган тараф ишни кўриб чиқиш вақти ва жойи тўғрисида ўз вақтида ҳамда белгиланган тартибда хабардор қилинмаган ёки бошқа сабабларга кўра судга ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаган бўлса;*

3 *ишни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларга ёки қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси судининг мутлақ ваколатига тегишли бўлса;*

4

Ўзбекистон Республикаси судининг айти бир тарафлар ўртасида, айти бир предмет тўғрисида ва айти бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса;

5

Ўзбекистон Республикаси судининг иш юритувида айти бир тарафлар ўртасида, айти бир предмет тўғрисида ва айти бир асослар бўйича низога доир иш мавжуд бўлиб, у юзасидан иш юритиш чет давлат судида ишни юритиш қўзғатилганидан олдин қўзғатилган бўлса;

6

чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини мажбурий ижрога қаратиш муддати ўтган бўлиб, бу муддат суд томонидан тикланмаган бўлса;

7

тараф низонинг ваколати бўлмаган чет давлат суди томонидан ҳал этилганлигини исботловчи далилни тақдим этган бўлса;

8

ҳал қилув қарори чет давлатнинг ваколатли органи томонидан бекор қилинган бўлса;

9

ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикасининг чет давлат суди ёки чет давлат ҳакамлик суди (арбитражи) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш билан боғлиқ халқаро шартномалари иштирокчиси бўлмаган чет давлат суди томонидан чиқарилган бўлса;

10

чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш Ўзбекистон Республикасининг суверенитетига, хавфсизлигига зарар етказса ёки қонунчиликнинг асосий принципларига зид бўлса.

Чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам рад этилиши мумкин.

ФПКнинг 371-моддасига кўра чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича суд ушбу Кодекснинг 24-бобида белгиланган қоидаларга биноан ажрим чиқаради.

Чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги иш бўйича суд ажримида, шунингдек қуйидагилар кўрсатилиши керак:

чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) номи ва жойлашган ери;

ундирувчининг ва қарздорнинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи);

чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ундирувчи тан олиниши ва ижрога қаратилишини сўраётган ҳал қилув қарори тўғрисидаги маълумотлар;

ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижро этиш ҳақидаги ёхудо уни эътироф этишни ва ижро этишни рад қилиш тўғрисидаги кўрсатма.

Чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги суд ажрими устидан ушбу Кодекста назарда тутилган тартибда ва муддатларда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини ижро этиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида ажрим чиқарган суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилади⁴⁶.

Бундай ижро варақалари ҳам маҳаллий судлар томонидан чиқариладиган ижро варақалари ёки суд буйруқлари каби Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда ижро этилади. Ушбу Қонуннинг 50-моддасида қайд этилишича, ундирувни қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида турган мол-мулкига, шу жумладан унинг чет эл банкларидаги пул маблағларига қаратиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади⁴⁷.

III боб. ХАЛҚАРО ХУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Халқаро ҳуқуқ нормаларини иқтисодий судларда қўллашга оид умумий тушунчалар

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинчалик матнда - ИПК) 1-моддасининг сўнги қисмига кўра, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади²⁰.

Халқаро ҳуқуқ нормалари асосан чет эл билан боғлиқ бўлган ёхуд чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга оид низолар кўрилишида қўлланилади.

Чет эл билан боғлиқлик, деганда ишда иштирок этувчи шахслардан бири чет эл фуқароси бўлиши ёки чет элда яшаши ёхуд у юридик шахс бўлиб, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида давлат рўйхатидан ўтган бўлиши ва ўша жойда жойлашган бўлиши тушунилади. Бундай ҳолатлар баъзи адабиётларда хорижий иштирок этиш деб ҳам аталади.

Чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар деганда, биринчидан, иштирок этаётган субъектлардан бири чет эл шахси бўлган, иккинчидан, фуқаролик ҳуқуқи объекти чет элда жойлашган, учинчидан, вужудга келиши, ўзгариши ва тугатилиши чет элда амалга оширилган фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар (юридик фактлар) тушунилади. Аммо чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг санаб ўтилган турлари рўйхати тугал эмас.

20. www.lex.uz

Иқтисодий судлар чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси миллий қонун ҳужжатларини қуйидаги 3 та ҳолатда қўллайди:

1

Ўзбекистон Республикаси миллий қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилмаган тақдирда;

2

Ҳуқуқий муносабат тарафларининг келишуви бўлган тақдирда;

3

Моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари (ИПКнинг 239-258-моддалари), Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинчалик матнда - ФК)нинг 1158-1199-моддаларида бевосита назарда тутилган ҳолларда.

ИПКнинг 239, 240-моддаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари иқтисодиёт соҳасида чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар (бундан буён матнда чет эллик шахслар деб юритилади) иштирокида юзага келадиган низолар бўйича ишларни қуйидаги ҳолларда кўриб чиқади, агар:

1

жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган ёки яшаётган бўлса ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жавобгарнинг мол-мулки бўлса;

2

чет эллик шахснинг филиали ёки ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлса;

3

низо Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бажарилиши лозим бўлган ёки бажарилган шартномадан келиб чиққан бўлса;

4

талаб чет эллик шахс томонидан ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир бўлган бошқа ҳолат билан мол-мулкка зарар етказилиши туфайли юзага келган ёхуд зарар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юзага келган бўлса;

5

низо Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асоссиз бойлик орттиришдан юзага келган бўлса;

6

ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги иш бўйича даъвогар Ўзбекистон Республикасида турган бўлса;

7

низо Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқарилган қимматли қоғозларнинг муомаласи билан боғлиқ муносабатлардан юзага келган бўлса;

8

юримдик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги иш бўйича аризачи ушбу фактнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжудлигини кўрсатаётган бўлса;

9

низо Ўзбекистон Республикаси ҳудудида номлар ва бошқа объектларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғида хизматлар кўрсатиши билан боғлиқ муносабатлардан юзага келган бўлса;

10

бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг юримдик шахси ёки фуқароси билан чет эллик шахс ўртасида ушбу Кодекснинг 241-моддасида белгиланган қоидалар бўйича тузилган битим мавжуд бўлса.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари иқтисодиёт соҳасида чет эллик шахслар иштирокида юзага келган низолар бўйича ишларни ва низоли ҳуқуқий муносабатнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан алоқаси мавжуд бўлган бошқа ҳоллардаги ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари, шунингдек иқтисодиёт соҳасида чет эллик шахслар иштирокида юзага кел-

ладиган ва ушбу Кодекснинг 240-моддасига мувофиқ уларнинг мутлақ ваколатига киритилган бошқа ишларни ҳам кўради.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидаларга риоя этилган ҳолда кўриб чиқиш учун иқтисодий суд томонидан қабул қилинган иш, гарчи иш юритиш давомида ишда иштирок этувчи шахсларнинг жойлашган ери ёки яшаш жойи ўзгариши ёхуд бошқа ҳолатлар муносабати билан иш **чет давлат судининг ваколатига тааллуқли бўлса-да, мазмунан кўрилиши керак.**

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларининг мутлақ ваколатларига чет эллик шахслар иштирокидаги қуйидаги низолар бўйича ишлар киради:

1

Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки бўлган мол-мулкка нисбатан низолар бўйича, шу жумладан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва давлат мулкни хусусийлаштириш ҳамда давлат эҳтиёжлари учун мулкни мажбурий тартибда олиб қўйиш билан боғлиқ низолар бўйича ишлар;

2

предмети кўчмас мол-мулк бўлган низолар бўйича, агар бундай мол-мулк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлса, ёки бундай мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги низолар бўйича ишлар.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида чет эллик шахслар иштирокидаги бошқа ишлар ҳам иқтисодий судларнинг мутлақ ваколатларига киритилиши мумкин.

Иқтисодий судлар чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги ишларни кўришда чет давлат ҳуқуқи нормаларини қуйидаги 2 та ҳолатда қўллайди:

1

Ҳуқуқий муносабат тарафларининг келишуви бўлган тақдирда;

СУД АМАЛИЁТИДАН МИСОЛ

Аризачи Корея Республикасининг Бусан шаҳридаги савдо-тижорат акциядорлик компанияси Нью-Йорк шаҳрида 1958 йил 10 июнда имзоланган «Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида»ги Конвенция талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий судига чет давлат арбитражининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида 2018 йил 11 ноябрдаги илтимоснома билан мурожаат қилиб Бусан шаҳар халқаро арбитажининг жавобгар Қашқадарё вилоятидаги акциядорлик жамиятидан аризачи фойдасига 1 405 000 АҚШ доллари миқдоридаги қарзни ундириш тўғрисида 2018 йил 25 сентябрдаги қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ушбу илтимосномани тааллуқлилиги бўйича кўриб чиқиш учун Қашқадарё вилоят иқтисодий судига юборган.

Вилоят иқтисодий судининг 2018 йил 21 декабрдаги ажрими билан ариза иш юритишга қабул қилинган ва у кўриб чиқилиб, 2020 йил 17 январда уни қаноатлантишни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган.

Суднинг ажримида Нью-Йорк Конвенциясидаги халқаро ҳуқуқ нормалари мазкур ҳолатда тадбиқ этилмаслиги, чунки Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида 2012 йил 20 сентябрда Шартнома тузилганлиги ва ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 3 апрелдаги Қонуни билан ратификация қилинганлиги, шу боис, аризачининг ушбу Шартнома талабларига мос ҳолда қайта ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд эканлиги ҳақидаги вазлар аризани рад қилинишга асос сифатида келтирилган.

Бу ерда вилоят иқтисодий судининг ажрими ноқонуний чиқарилган. Чунки Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида икки томонлама Шартнома тузилган бўлсада, унинг 2-моддасида қайд этилишича, мазкур Шартнома қоидаларига мувофиқ Томонлар фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича суд ҳужжатларини топшириш, далиллар тўплаш, ҳуқуқий маълумотлар ҳамда суд ишларини юритиш материалларини алмашиш юзасидан бир-бирларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар. Яъни ушбу моддада халқаро арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш масаласи кўрсатилмаган.

Қолаверса, икки томонлама Шартнома 1-моддасининг 1-банди мазмунига кўра, бир Томон фуқаролари бошқа Томоннинг фуқаролари билан бир хил шартларда судларга мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Шартнома 4-моддасининг 2-бандида Ўзбекистон Республикаси учун фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича Марказий муассаса — Олий суд, Корея Республикаси учун Марказий муассаса — Олий суднинг Миллий судлар бошқармаси ҳисобланиши белгиланган. Яъни ушбу Шартнома бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ваколати Ўзбекистонда Олий суд тизимига кирувчи судлар, аниқроғи, фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар эгадирлар. Корея Республикасида эса Корея Олий суди тизимига кирувчи судлар бундай ваколатдан фойдаланишади ва айнан шу судларнинг ҳужжатлари асосида ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади. Кореяда ва Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган халқаро арбитражлар ушбу Шартнома асосида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ваколатига эга эмаслар.

ФКда “**жисмоний шахснинг шахсий қонуни**” деган тushунча ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, жисмоний шахс қайси мамлакатнинг фуқароси бўлса, шу мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади. Шахс икки ёки ундан ортиқ фуқароликка эга бўлган тақдирда у қайси мамлакат билан энг кўп узвий боғланган бўлса, унинг учун ўша мамлакат ҳуқуқи шахсий қонун ҳисобланади. Фуқаролиги бўлмаган шахс қайси

мамлакатда доимий яшаб турган бўлса, ўша мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади²¹. Агар чет эллик жисмоний шахслар иқтисодий суд ишларини кўришда иштирок этишга бўлишса, судлар моддий ҳуқуқ нормасини қўллашда ушбу қоидаларга риоя қилишлари, уларнинг шахсий қонунларини қўллашлари керак.

Бундан ташқари ФКда **“юримдик шахсининг шахсий қонуни”** деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, юримдик шахс қайси мамлакатда таъсис этилган бўлса, шу мамлакатнинг ҳуқуқи мазкур юримдик шахсининг қонуни ҳисобланади.

Юримдик шахсининг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати юримдик шахсининг қонуни билан белгиланади. Чет эл юримдик шахси ўз органи ёки вакилининг битим тузиш ваколатларидаги чет эл юримдик шахсининг органи ёки вакили битим тузган мамлакатнинг ҳуқуқи учун номаълум бўлган чекловларни ваъ қилиб келтириши мумкин эмас.

ФКнинг 39-моддаси мазмунига кўра ташкилотлар судда даъвогар ёки жавобгар сифатида иштирок этишлари учун улар юримдик шахс мақомига эга бўлишлари керак. Агар низолашилаётган шахс юримдик шахс мақомига эга бўлмаса, яъни филиал, ваколатхона ёки бошқа шу каби юримдик шахс тузилмаси ҳисобланса, у ҳолда судда унинг манфаатини юримдик шахсининг ўзи ҳимоя қилиши керак. Мазкур қоида чет эл ташкилотларига ҳам тегишлидир.



Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва ташкилотларига тегишли иқтисодий процессуал ҳуқуқларнинг махсус чекланишига йўл қўйилган давлатларнинг фуқаролари ва ташкилотларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб тариқасидаги чекловларни белгилаши мумкин.

Чет эллик шахслар иштирокидаги иқтисодий судлов ишларини юритишга оид яна бир муҳим масала – судга тақдим этиладиган ҳужжатларнинг қонунийлигидир. Одатда бирор чет давлатнинг муайян юримдик оқибатларга олиб келиши мумкин

бўлган расмий ҳужжатлари, шу жумладан, судларга бериладиган аризалар, уларга илова қилинадиган далилий ҳужжатлар ва бошқа ёзишмалар бошқа давлатда тан олинishi учун улар легаллаштирилиши лозим.

Аммо “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи” 1961 йил 5 октябрдаги Гаага Конвенция²²га Ўзбекистон Республикаси қўшилган. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлари “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи” мазкур Конвенцияда назарда тутилган ҳолларда хорижий давлатларнинг расмий ҳужжатларини легаллаштирмасдан қабул қилишга мажбурдирлар ва Конвенция қатнашчилари бўлган мамлакатлардан чиқадиган, апостиль қўйилган расмий ҳужжатларни қабул қилишни ва улардан фойдаланишни рад эта олмайдилар. Яъни бундай расмий ҳужжатлар легаллаштирилмасдан, уларга апостиль қўйилган бўлса, улар қонуний ҳисобланади ва Ўзбекистонда тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 307-сонли қарори билан «Апостиль қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланган. Ушбу Низомга кўра апостиль деганда, ҳужжатни имзолаган сифатида иш кўрган шахснинг имзоси ҳақиқийлигини ва ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлайдиган Конвенцияга мувофиқ расмий ҳужжатга чет элда фойдаланиш мақсадида қўйиладиган махсус штамп, апостиль қўйиш деганда эса, ҳужжатни имзолаган сифатида иш кўрган шахс имзосининг ҳақиқийлигини ва ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун зарур бўлган расмий тартиб-қоида тушунилади²³.

Апостиль чет элда Ўзбекистон Республикасининг элчихоналари ёки консуллик муассасалари томонидан содир этилган ҳужжатларга, тижорат ёки божхона операцияларига тўғридан-тўғри алоқадор бўлган ҳужжатларга паспортга ва ҳарбий билетга қўйилмайди.

22. www.lex.uz

23. www.lex.uz

Ўз.Р. Президентининг 05.07.2011 йилдаги ПҚ-1566-сон қарори билан қуйидагилар Ўзбекистонда апостиль қўйиш ваколатига эга бўлган органлар этиб белгиланди:

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари -	тегишли ҳудуддаги адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда ФДХЁ органларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;
Ўзбекистон Республикаси Олий суди -	судлардан чиқадиган расмий ҳужжатларга;
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси -	прокуратура, тергов ва суриштирув ҳамда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;
Ўз.Р.Ваз. Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси -	таълим ва фан соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги -	бошқа барча расмий ҳужжатларга.

“Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи” 1961 йил 5 октябрдаги Гаага Конвенциясига (Ўзбекистон Республикаси учун 2012 йил 15 апрелдан кучга кирган) кўра расмий ҳужжатлар апостиль қўйиш учун асл нусхаларда ёки ариза берувчининг хоҳишига кўра нотариал тасдиқланган нусхаларда тақдим қилинади. Апостиль шакли ўзбек ёки инглиз тилида тўлдирилади.

Апостиль қўйиш учун расмий ҳужжатга:

1

Апостиль қўйиш тўғрисида ариза;

2

Ариза берувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

3

Хорижий давлат — Конвенция қатнашчиси ҳудудида фойдаланиладиган расмий ҳужжат;

4

Апостиль қўйилганлиги учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилади²⁴.

Расмий ҳужжат икки нусхада тақдим этилади, улардан бири ишга (нусхаси) тикилади, бошқаси эса (асл нусха) ариза берувчига берилади.

Чет эл шахслари иштирокидаги иқтисодий ишлар қўрилаётганида даъво муддатини қўллаш масаласи ҳам муҳим ҳисобланади. ФКнинг 1183-моддасига кўра даъво муддати мамлакатнинг тегишли муносабатни тартибга солиш учун қўлланилаётган ҳукуки бўйича белгиланади. Яъни иш қайси давлат ҳудудидаги судда қўрилаётган бўлса, даъво муддати шу давлатнинг ҳукуки асосида қўлланилади.

Даъво муддати татбиқ этилмайдиган талаблар, агар тегишли муносабатнинг қатнашчиларидан лоақал биттаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ёки Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ҳукуки бўйича белгиланади²⁵.

ИПК 1-моддасининг ва Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасининг сўнги қисмларига кўра, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади²⁶.

24. www.lex.uz

25. www.lex.uz

26. www.lex.uz

Ўзбекистонда чет эл шахсларининг иқтисодий суд ишларида иштирок этиши жараёнларини тартибга солувчи миллий қонун ҳужжатларига оид ҳуқуқ нормалари деярли кам. Шунинг учун ушбу жараёнларни тартибга солишда миллий процессуал қонун ҳужжатлари халқаро шартномаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган тегишли нормаларига кўпроқ ҳавола қилади. Бундай ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон Республикаси иштирок этаётган, яъни ратификация қилинган кўп томонлама ва икки томонлама халқаро шартномаларда батафсил акс этган.

Чет эл шахсларининг иқтисодий суд ишларида иштирок этиши жараёнларини тартибга солувчи ва Ўзбекистон Республикаси иштирок этаётган кўп томонлама халқаро шартномалардан бири - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 30 августдаги 294-I-сонли қарори билан ратификация қилинган ва Ўзбекистон учун 1997 йил 1 декабрдан кучга кирган “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро товарлар олди-сотдиси шартномалари тўғрисида” 1980 йил 11 апрелдаги Вена Конвенциясидир²⁷. Ушбу Конвенцияда унинг тадбиқ этилиши доираси, халқаро товарлар олди-сотдиси шартномаларини тузиш тартиби, сотувчи ва сотиб олувчиларнинг мажбуриятлари, сотувчи ёки сотиб олувчи томонидан шартнома шартлари бузилган ҳоллардаги ҳуқуқий Ҳимоя воситалари, таваккалчилик хавфининг ўтиши, зарарлар, фоизлар, жавобгарликдан озод қилиш асослари, шартноманинг бекор қилиниши оқибатлари ва бошқа шу каби масалаларга оид қоидалар ўз аксини топган.

Конвенциянинг 1-моддаси мазмунига кўра,

1

Ушбу Конвенция турли давлатларда жойлашган тижорат корхоналари ҳисобланган томонлар ўртасидаги олди-сотди шартномаларига қўлланилади:

- а) қачонки, бу давлатлар Келишилган давлатлар бўлса;*
- б) қачонки, халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларига кўра Келишилган давлатларнинг ҳуқуқи қўлланилса²⁸.*

27. www.lex.uz

28. www.lex.uz

Конвенциянинг 2-моддаси мазмунига кўра, ушбу Конвенция:

а) сотувчи товарларнинг ҳар қандай вақтда, шартномани тузишдан олдин ёки шартнома тузилаётган пайтда шахсий, оилада ёки уйда фойдаланиш учун олинаётганлигини билмаган ва билиши ҳам лозим бўлмаган ҳоллардан ташқари товарларни шу мақсадда фойдаланиш учун;

б) аукцион орқали;

с) ижро иш юритуви ёки қонун асосидаги бошқа тартибда;

д) фонд қозғозлари, акциялар, таъминот қозғозлари, муомала ҳужжатлари ва пулларни;

е) сув ва ҳаво транспорти кемалари, шунингдек, ҳаво бўшлиғи кемаларини;

ф) электр энергиясини сотишга тадбиқ этилмайди²⁹.

Вена Конвенцияси фақат томонлар ўртасидаги олди-сотди шартномаларига қўлланилади, яъни иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш шартномаларига, олди-сотди шартномасининг оқибати таъсир қиладиган сотилган товарга нисбатан мулк ҳуқуқини белгилаш ҳолларига нисбатан тадбиқ этилмайди.



Конвенция билан тартибга солинадиган предметга алоқаси бўлган, аммо унда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган масалалар улар асос қилиб олинган умумий принциплар асосида ҳал қилинади, мабодо бундай принциплар мавжуд бўлмаса, халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари қўлланиладиган ҳуқуқ асосида ҳал қилинади.

Конвенция 11-моддасининг мазмунига кўра, олди-сотди шартномаси ёзма равишда тузилиши ёки тасдиқланиши ёхуд бирор шаклдаги талабларга мос келиши шарт эмас. У ҳар қандай воситалар ёрдамида, шу жумладан гувоҳнинг кўрсатувлари орқали ҳам исботланиши мумкин.

Мазкур Конвенцияда судга даъво аризаси бериш тартиби, унга қандай ҳужжатлар илова қилиниши кераклиги, судга тааллуқлилиқ ёки тегишлилиқ каби процессуал тартиб қоидалар кўзда тутилмаган.

29. www.lex.uz

Шу билан бирга, Конвенциянинг 28-моддаси мазмунидан маълум бўлишича, агар ушбу Конвенция қоидаларидан келиб чиқиб, бир томон иккинчи томондан бирор мажбуриятни бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, суд ижрони натура шаклда амалга ошириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаришга мажбур эмас, қачонки ушбу Конвенция билан тартибга солинмайдиган худди шундай олди-сотди шартномаларига нисбатан суд ўз шахсий қонунларини қўллашга ҳақли бўлса.

Иқтисодий судлар ишларни кўришда Вена конвенциясидаги халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллашда эътибор беришлари керакки, унинг 39-моддаси мазмунига кўра, агар сотиб олувчи товардаги камчиликларни билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб оқилона муддатда сотувчини бу ҳақда хабардор қилмаса, у ушбу камчиликларга ҳавола қилиш ҳуқуқини йўқотади.

Ҳар қандай ҳолда ҳам, агар сотиб олувчи товарни ҳақиқатда қабул қилиб олган пайтдан бошлаб икки йиллик муддат ичида сотувчини бу ҳақда хабардор қилмаса, бу муддат шартномадаги кафолат муддатига мос келганлиги боис, у ушбу камчиликларга ҳавола қилиш ҳуқуқини йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 6 майдаги 825-ХП-сонли қарори билан ратификация қилинган «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»³⁰ги 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида имзоланган кўп томонлама Конвенция³⁰ (ушбу Конвенцияга доир 1997 йил 28 мартдаги Москва Баённомаси Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 13 декабрдаги Қонуни билан ратификация қилинган)да унга аъзо бўлган, яъни бир қанча МДХ давлатлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси учун ҳам мажбурий бўлган фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича текин ҳуқуқий ёрдам бериш, бождан озод қилиш, ҳужжатлар тақдим этиш, гувоҳларни, жабрланувчиларни, фуқаролик даъвогарларни ва жавобгарларни, уларнинг вакилларини чақиртириш, манзилларни ва бошқа маълумотларни аниқлаш, судловга тегишлиликни аниқлаш, суд жара-

30. www.lex.uz

ёнларида ҳамкорлик қилиш, суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш каби процессуал тартиб-қоидалар ўрин олган.

Минск конвенцияси 1-моддасининг 2-банди мазмунига кўра, ахдлашувчи Томонлардан ҳар бирининг фуқаролари, шунингдек унинг ҳудудида яшовчи бошқа шахслар бошқа ахдлашувчи Томоннинг фуқаролик, оилавий ва жиноий ишларни кўриш ваколат доирасига кирадиган суд, прокуратура, ички ишлар ва бошқа муассасаларига эркин ва тўсиқларсиз мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, ушбу ахдлашувчи Томон фуқаролари каби ана шундай шартларда уларда қатнашишлари, илтимосномалар киритишлари, даъво аризаси билан мурожаат қилишлари ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин³¹.

Ушбу қоида ва қолган моддалардаги қоидаларда фуқароларнинг иштирок этиши кўрсатилган бўлсада, конвенцияси 1-моддасининг 3-банди мазмунига кўра, мазкур Конвенция қоидалари Келишилган Томонларнинг қонунчилигига мос ҳолда ташкил этилган юридик шахсларга нисбатан ҳам тадбиқ этилади³². Шу маънода ушбу Конвенциядаги халқаро ҳуқуқ нормалари иқтисодий судлар томонидан ҳам қўлланилиши мумкин.

Конвенциянинг 13-моддасига кўра ахдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудида муассаса ёки бунга махсус ваколатли шахс томонидан ўз ваколати доирасида белгиланган шаклда тайёрланган ёки тасдиқланган ва гербли муҳр билан тасдиқланган ҳужжатлар бошқа ахдлашувчи Томон ҳудудида бирон-бир махсус гувоҳномасиз қабул қилинади³³.

Ушбу Конвенцияга МДҲ давлатларининг барчаси қўшилмаганлиги ва унда фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги қоидалар нисбатан қисқароқ баён этилганлиги сабабли “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида” 2002 йил 7 октябрдаги Кишинёв конвенцияга қўшилиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни³⁴ 2019 йилнинг 26 августида қабул қилинган.

31. www.lex.uz

32. www.lex.uz

33. www.lex.uz

34. www.lex.uz

Кишинёв конвенцияси 1-моддасининг 3 ва 4-бандлари мазмунига кўра, мазкур Конвенциядаги “фуқаролик ишлари” атамаси иқтисодий низоларни ҳал қилишга ҳам таллуқли ва ундаги қоидалар юридик шахсларга нисбатан ҳам тадбиқ этилади³⁵.



Кишинёв конвенциясининг 2-моддаси



Аҳдлашувчи Томонлар фуқаролари ва унинг ҳудудида яшаётган бошқа шахслар суд ва чикимлардан озод бўладилар, шунингдек, аҳдлашувчи бошқа Томон ҳудудида худди ўзларининг фуқароларига яратилган шароитларда бепул юридик ёрдамдан фойдаланишди. Ушбу имтиёзлар фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича амалга ошириладиган барча процессуал ҳаракатларга, шу жумладан, ҳал қилув қарорлари ёки ҳукмларнинг ижро этилишига ҳам тадбиқ этилади

Кишинёв конвенциясининг 41 ва 42-бандларидаги қоидалар мазмунига кўра, кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ҳудудида ушбу мулк жойлашган аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги бўйича белгиланади.

Давлат реестрига киритиладиган транспорт воситаларига нисбатан мулк ҳуқуқи ҳудудида транспорт воситаларини рўйхатга олувчи орган жойлашган аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги бўйича белгиланади.

Битимнинг шакли ҳудудида ушбу битим ижро этиладиган аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги бўйича белгиланади.

Кўчмас мулк ва унга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги битимнинг шакли ҳудудида бундай мулк жойлашган аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги бўйича белгиланади.

Иқтисодий судлар томонидан темир йўлларда юк ва пассажирлар ташиш билан боғлиқ низолар кўриб чиқиладигандаги

35. www.lex.uz

халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг ҳам ўзига хос процесуал тартиб-қоидалари мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасининг тўртинчи қисмида ёзилишича, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Таъкидлаш керакки, одатда Ўзбекистон ҳудудида темир йўлларда юк ва пассажирларни ташиш асосан миллий қонунчилик билан тартибга солинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасига кўра, темир йўл транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Темир йўл транспорти хизматларидан фойдаланиш чоғида темир йўл транспорти корхоналари билан юк жўнатувчилар, юкни олувчилар, йўловчилар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Темир йўл устави билан ҳам белгиланади.

Темир йўл уставининг IX боби (116-156-бандлар)да темир йўллари, юк жўнатувчи, юк қабул қилувчи ва йўловчиларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги, далолатномалар, талабномалар, даъволарни тузиш ва юбориш тартиби, шартлари каби қоидалар ўрин олган.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Уставнинг 3-банди мазмунига асосан, темир йўлда юк ташиш шартномаси сифатида темир йўл томонидан бериладиган юк хати (накладной), багаж ва юк багажи темир йўл томонидан қабул қилиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида патта (квитанция) тан олинади. Уларнинг шакли темир йўл томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

Бундан ташқари, темир йўл транспортида юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташишни ташкил этиш тартиби давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан тасдиқланадиган юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш қоидалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги 109-сонли қарори билан

тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш қоидалари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасининг тўртинчи қисми, Темир йўл уставининг 6-банди мазмунидан келиб чиқиб, таъкидлаш керакки, иқтисодий судлар халқаро темир йўл йўналишларида юкларни ва багажларни ташиш билан боғлиқ низоларни кўришда Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 18 июнда қўшилган 1951 йил 1 ноябрдаги “Халқаро темир йўл юк йўналишлари тўғрисида”ги Битим (ХЙЙБ) (Соглашение о международном железнодорожном грузовом сообщении (СМГС)ни қўллашлари лозим.

Ушбу Битим унга қўшилган давлатлар учун мажбурий характерда бўлиб, у халқаро темир йўл юк йўналишларида юк ташиш шартномаларини тузиш, уларни бажариш, уларга ўзгартишлар киритиш, темир йўлларнинг жавобгарлиги, талабномалар ва даъволарни бериш тартиби, ҳисоб-китоблар тартиби каби масалаларни тартибга солиди.

Битимда қайд этилган ташиш шартлари, бошқа хил қоидалар императив характерга эга, яъни улар темир йўлларнинг битимлари билан ёки юк ташиш шартномаси тарафларининг келишувлари билан ўзгартирилиши, бекор қилиниши мумкин эмас.

Юкларни ортиш ва ташиш тартиби жўнатаётган темир йўлининг қоидаларига мувофиқ аниқланади. Шу билан бирга алоҳида масалалар, жумладан, идишга, унинг маркировкасига бўлган талаблар, юкларни ортиш ва очиқ платформаларга котириш каби жараёнларни ҳукукий тартибга солиш учун барчага мажбурий бўлган умумий қоидалар ишлаб чиқилган.

Темир йўл уставидаги қоидалардан фарқли равишда мазкур Битимга кўра, халқаро темир йўл юк йўналишларида юк ташиш ягона намунадаги ҳужжат – ХЙЙБ юк хати (накладная СМГС) асосида расмийлаштирилади.

Судлар бу тоифадаги ишларни кўришда эътибор беришлари лозимки, агар юкда бирор камчилик мавжудлиги аниқланса, ташувчи шу ҳақда тижорат далолатномаси (коммерческий акт) тузиши шарт.

Битимнинг 39-моддаси мазмунига кўра, ташувчининг жавобгарлиги чегараси юк йўқолганда ташувчи тўлайдиган зарар суммасидан ошиб кетмаслиги керак.

Битимнинг 47, 48-моддаларидаги қоидалар мазмунига кўра, даъво фақатгина талабнома билдирилган ташувчига нисбатан тақдим этилиши мумкин.

Даъво қуйидаги 2 та ҳолатда тақдим этилиши мумкин, яъни:

1 агар ташувчи талабномага белгиланган муддатда жавоб бермаса;

2 агар талабномани кўриб чиқиш муддатида ташувчи талабнома билдирувчига талабномани тўлиқ ёки қисман рад қилишини маълум қилса.

Даъво жавобгар жойлашган жойдаги ваколатли суд органига тақдим этилади.

Битимга кўра ташувчига нисбатан даъво тақдим этилади:

1 юкни етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган бўлса – 2 ой ичида;

2 бошқа асослар бўйича - 9 ой ичида.

Даъво муддатининг ўтказиб юборилганлиги талабни рад қилиш учун асос бўлади.

Иқтисодий судлар ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси иштирок этаётган, яъни ратификация қилинган кўп томонлама халқаро шартномалардан ташқари, тегишли равишда икки томонлама халқаро шартномалардаги ҳуқуқ нормаларини ҳам қўллашади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1994 йил 23 сентябрдаги 2026-ХП-сонли қарори билан ратификация қилинган «Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Жумҳурияти ўртасидаги фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида» 1994

йил 23 июндаги, 1998 йил 1 майдаги 626-I-сонли қарори билан ратификация қилинган «Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида» 1997 йил 11 декабрдаги, 2002 йил 5 апрелдаги 366-II-сонли қарори билан ратификация қилинган «Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида» 2002 йил 18 январдаги шартномалар³⁶ ва бошқа қатор шу каби икки томонлама халқаро шартномаларда иқтисодий ишларни кўриш билан боғлиқ ўзига хос муҳим қоидалар кўзда тутилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 3 апрелдаги Қонуни билан ратификация қилинган «Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида» 2012 йил 20 сентябрдаги Шартноманинг 2-моддасида қайд этилишича, мазкур Шартнома қоидаларига мувофиқ Томонлар фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича суд ҳужжатларини топшириш, далиллар тўплаш, ҳуқуқий маълумотлар ҳамда суд ишларини юритиш материалларини алмашиш юзасидан бир-бирларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар.

“Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида» 2012 йил 20 сентябрдаги Шартномага кўра, агар мазкур Шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги топшириқларни тақдим этиш ва бажаришда Томонлар бевосита ўзларининг тегишли тартибда тайинланган Марказий муассасалари орқали ўзаро алоқа қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси учун фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича Марказий муассаса — Олий суд, Корея Республикаси учун Марказий муассаса — Олий суднинг Миллий судлар бошқармаси ҳисобланади.

36. www.lex.uz

Яна бир муҳими қоида шундан иборатки, агар сўралаётган Томон ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш шартлари унинг суверенитети, хавфсизлиги ёки жамоат тартибига зарар етказади ёхуд унинг суд органлари ваколатига кирмайди, деб ҳисобласа, у сўраётган Томонга рад этиш сабабларини маълум қилган ҳолда ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни рад этиши мумкин.

Мазкур Шартноманинг 8-моддасида тил ҳақидаги қоида акс этган бўлиб, унга кўра, топшириқ ва илова қилинган ҳужжатлар сўраётган Томон тилида тузилиб сўралаётган Томоннинг давлат тилига ёки инглиз тилига таржимаси билан бирга жўнатилади.

Таржиманинг аслига тўғрилиги сўраётган Томоннинг қонунчилиги ва амалиётига мувофиқ тасдиқланган бўлиши лозим. Легаллаштириш ёки бошқа шу каби расмий процедураларни ижро этиш талаб этилмайди.

2-§. Судловга тегишлилик масалалари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари. Чет давлат судларининг судга доир топшириқларини ижро этиш тартиби.

Чет эллик шахслар, яъни чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этаётган низоларни кўриб чиқишда ва улар бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллашда ишларнинг судловга тегишлилиги масаласи муҳим ўрин тутди.

Агар ҳар қандай давлатнинг процессуал ҳуқуқ назариясида хорижий элемент иштирок этмайдиган фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича “судловга тааллуқлилиқ” ва “судловга тегишлилик” атамалари одатий ҳисобланса, чет эл шахслари иштирокидаги ишларни кўришда низони кўришга ваколатли бўлган орган, шу жумладан, судни аниқлаш тартиби бир оз бошқача бўлади.

Кўпгина давлатларнинг процессуал ҳуқуқларида “судловга тааллуқлилиқ” атамаси умуман ишлатилмайди. Процессуал масалалар бўйича халқаро ҳужжатларда ҳам ушбу атама ишлатилмайди³⁷. Шунинг учун биз қуйида иқтисодий ишлар бўйича судловга тегишлилик билан боғлиқ халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш тартиб-қоидалари, яъни халқаро судловга тегишлилик ҳақида сўз юритамиз.

Ҳуқуқий адабиётларда ёзилишича, миллий суд ҳокимияти доирасида ҳар бир давлат ўз судларининг судлов иш юритишидаги ваколатларига оид шартлар ва чегараларни эркин белгилайди. Халқаро судловга тегишлилик деганда, муайян давлат судларининг чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни ҳал қилиш ваколати тушунилади. Одатда бирор давлат учун мажбурий характерда бўлган нормалар тизими ва халқаро судловга тегишлилик қоидалари олдиндан мавжуд бўлмайди. Яъни ҳар бир давлат халқаро судловга тегишлиликка оид қоидаларнинг ўз миллий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда қанчасини мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, шунча ҳуқуқий нормалар тан олиши мумкин.

37. Гаврилов В.В. Международное частное право. М., Юстицинформ. 2001. Стр. 232.

Судловга тегишлиликнинг бир мунча кенг тарқалган учта асосий тизими мавжуд:

1

низодаги томонларнинг фуқаролиги бўйича. Яъни қайсидир давлатнинг суди ишни кўришига ўзини ваколатли деб тан олиши учун, битим тузилган жойидан қатъи назар, низо шу давлатнинг фуқароси томонидан тузилган битимга тааллуқли бўлишининг ўзи кифоя;

2

ички ҳудудий ва биринчи навбатда жавобгарнинг яшаш жойи бўйича (Россия, Германия каби континентал ҳуқуқ амал қиладиган давлатларда);

3

бир мунча кенг тарқалган жавобгарнинг “ҳозир бўлиши” белгиси бўйича. Халқаро судловга тегишлиликнинг ушбу қондаси мазмуни шундан иборатки, бирор давлатнинг судлари, агар жавобгарнинг яшаш жойи шу давлат бўлганида ёки унинг ҳудудида жойлашганда (ташқилотлар учун), чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни кўриб чиқишлари мумкин (АҚШ, Англи каби англо-саксон ҳуқуқи қўлланиладиган давлатларда)^{38 39}.

ИПКнинг 33-моддасида белгиланган судловга тегишлилик тўғрисидаги умумий қоидага кўра, юридик шахсларга нисбатан даъволар улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилади.

Юридик шахсларга нисбатан уларнинг алоҳида бўлинмалари фаолиятдан келиб чиқадиган даъволар алоҳида бўлинмалар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилади.

Фуқароларга нисбатан даъволар улар яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилади⁴⁰.

38. Гражданский процесс: Учебник (Под ред. д.ю.н., проф. А.Г. Коваленко, д.ю.н. проф. А.А. Мохова, д.ю.н., проф. П.М. Филиппова). — М.: Юридическая фирма «КОНТРАКТ»; «ИНФРА-М», 2008. Стр – 309-310.

39. Курс гражданского процесса (Т.В. Сахнова). – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Статут, 2014. Стр. 524.

40. www.lex.uz

Мазкур Кодекс 244-моддасининг биринчи қисмида белгила-нишича, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий суди томонидан чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар, агар Ўзбекистон Рес-публикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодекс қоидалари бўйича, мазкур бобда назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда кўрилади.

Судловга тегишлилик қоидаси



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 32-моддаси маз-мунига кўра, тарафлардан бири Ўзбекистон Республикаси норезиденти — чет эл шахси бўлган ишларни биринчи инстанция та-риқасида бошқа ишлар каби туман (шаҳар), туманлараро иқтисодий судлар эмас, балки Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисод-ий судлари кўриб чиқади.

Шу билан бирга, халқаро ҳуқуқ нор-маларини қўллашда иқтисодий судлар судловга тегишлиликнинг махсус қоида-лари тегишли халқаро битим ва конвен-цияларда назарда тутилганлигини ино-батга олишлари лозим.

Киев Битимининг 4-моддаси мазмунига кўра:

1

Давлатнинг ваколатли суди – МДХ иштирокчиси мазкур Битимнинг 1-моддасида қайд этилган низо-ларни кўришга ҳақли, агар МДХ иштирокчиси бўл-ган ушбу давлатнинг ҳудудида:

а) даъво тақдим этилган кунда жавобгар доимий яшаш ёки жойлашган жойига эга бўлса;

Агар ишда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иштирокчиси бўлган турли давлатлар ҳудудида жойлашган бир нечта жа-

вобгарлар иштирок этишган бўлса, низо даъвогарнинг хоҳиши бўйича ҳар қандай жавобгар жойлашган жой бўйича кўрилади;

б) жавобгар корхона (филиал) савдо, саноат ёки бошқа хўжалик фаолиятини амалга ошираётган бўлса;

в) низо предмети бўлган шартномавий мажбурият бажарилган ёхуд қисман ёки тўлиқ бажарилиши керак бўлганда;

г) зарарни қоплаш тўғрисидаги талаб учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳаракат ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;

д) ишчанлик қобилиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъво берган даъвогар доимий яшаш жойига ёки турар жойига эга бўлган бўлса;

е) контрагент-маҳсулот етказиб берувчи, пудратчи ёки хизмат кўрсатувчи (иш бажарувчи) жойлашган бўлса ва низо шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишга оид бўлса.

2

Давлатнинг ваколатли судлари – Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иштирокчилари, агар тарафларнинг низони шу судга бериш тўғрисида ёзма келишуви мавжуд бўлган бошқа ҳолларда ҳам ишларни кўриб чиқади.

Бундай келишув мавжуд бўлган тақдирда Ҳамдўстлик иштирокчиси бўлган бошқа давлат суди, агар иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар жавобгар томонидан ариза берилган бўлса, ушбу ариза бўйича иш юритишни тугатади.

3

Хўжалик субъектларининг кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги даъволари истисно тариқасида мол-мулк жойлашган жойдаги Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иштирокчиси бўлган давлатнинг суди томонидан кўриб чиқилади.

4

Давлат ва бошқа органларнинг норматив характерда бўлмаган ҳужжатларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш, шунингдек, ушбу органлар томонидан бундай ҳужжатларни қабул қилиш натижасида хўжалик субъектларига етказилган ёки хўжалик субъектларига нисбатан ўз мажбуриятларини

лозим даражада баржармаганликлари натижасида юзага келган зарарларни қоплаш тўғрисидаги ишлар суд томонидан истисно тариқасида ушбу органлар жойлашган жой бўйича кўрилади.

3 ва 4-бандларда кўрсатилган судларнинг ваколатлари Томонларнинг келишуви асосида ўзгартирилиши мумкин эмас.

5

Қарши даъво ва асосий даъво билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган даъвони ҳисобга олиш ҳақидаги талаб асосий даъвони кўриб чиқаётган суд томонидан кўриб чиқилади.

Минск Конвенциясининг 20-моддасида эса чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар бўйича судловга тегишлилик билан боғлиқ қуйидаги қоидалар акс этган:

1

Агар Конвенциянинг II - V қисмларида бошқача назарда тутилган бўлмаса, Келишилган Томонлардан бири ҳисобланган шахсга нисбатан даъволар унинг фуқаролигидан қатъи назар, ушбу шахс Келишилган қайси Томон ҳудудида яшаш жойига эга бўлган бўлса, шу Томон судига, юридик шахсга нисбатан даъволар эса ушбу юридик шахснинг бошқарув органи, унинг ваколатхонаси ёки филиали жойлашган ҳудуддаги Келишилган Томоннинг судига тақдим этилади.

Агар ишда бир нечта жавобгарлар иштирок этиб, улар турли Келишилган Томонлар ҳудудида яшаш жойларига эга бўлишса, низо даъвогарнинг танлашига кўра хоҳлаган жавобгарнинг яшаш жойи (турар жойи)да кўриб чиқилади.

2

Келишилган Томонларнинг судлари шунингдек, қуйидаги ҳолларда ҳам ўз ҳудудида ваколатли ҳисобланди:

а) жавобгар корхона (филиал) савдо, саноат ва бошқа ҳўжа-лик фаолиятини амалга ошираётган бўлса;

б) низо предмети бўлган шартномавий мажбурият бажарилган ёхуд қисман ёки тўлиқ бажарилиши керак бўлганда;

в) доимий яшаш жойига ёки турар жойига эга бўлган даъвогарнинг қадр-қиммати, обрўси ҳамда ишчанлик қобилиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъвоси бўйича.

3

Кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни тан олиш тўғрисидаги даъво-лар бўйича истисно тариқасида мол-мулк жойлашган жойдаги судлар ваколатли ҳисобланади.

Йўловчиларни, юкларни ёки багажни ташиш шартномалари-дан юк ташувчиларга нисбатан келиб чиқадиган даъволар бел-гиланган тартибда талабнома тақдим этилган транспорт ташки-лотининг органи жойлашган ерда тақдим этилади.

Минск Конвенциясининг 21-моддасига кўра Келишилган Томонларнинг судлари, агар тарафларнинг низоларни ушбу судларга бериш ҳақидаги ёзма келишуви мавжуд бўлган бошқа ҳолларда ҳам ишларни кўришлари мумкин.

Бунда Конвенция 20-моддасининг 3-бандидан ва II - V қисмларида белгиланган бошқа нормалардан, шунингдек Ке-лишилган Томонларнинг тегишли ички қонунчилигидан келиб чиқадиган алоҳида ваколатлар тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас.

Низони бошқа судга бериш ҳақидаги келишув мавжуд бўл-ган тақдирда жавобгарнинг аризаси бўйича суд иш бўйича иш юритишни тугатади⁴¹.

Деярли шу мазмундаги процессуал қоидалар Кишинев кон-венциясининг 22 ва 23-моддаларида ҳам мавжуд.

Чет эллик шахслар иштирокидаги иқтисодий ишларни кўриш-га оид судловга тегишлилик масаласини ҳал этишда халқаро шартномаларда белгиланган ва унда иштирок этаётган давлатлар томонидан тан олинган суд иммунитетини билан боғлиқ қоидалар-ни ҳам инобатга олиш зарур. Яъни баъзи шахслар суд иммуните-тига эга бўлишади ва улар билан боғлиқ низоли ишларни кўриш, агар халқаро шартномаларда бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса, бошқа давлатлар судларининг ваколатига кирмайди. Бун-дай низолар дипломатик йўллар орқали ҳал қилинади.

41. www.lex.uz



Одатда давлатлар ва уларнинг дипломатик ваколатхоналари суд иммунитетидан фойдаланишади. Умумий қоидаларга кўра улар бошқа давлатлар судларининг судловига тааллуқли бўлишмайди.

Бундан ташқари, ИПКнинг 242-моддасида қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судида чет давлатга нисбатан даъво тақдим этишга, уни учинчи шахс сифатида ишда иштирок этишга жалб қилишга, чет давлатга қарашли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган мол-мулкни хатлаш ҳамда унга нисбатан даъвони таъминлаш бўйича бошқа чораларни қўллашга, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш тартибида ундирувни шу мол-мулкка қаратишга, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ёки халқаро шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, фақат тегишли давлатнинг ваколатли органлари розилиги билан йўл қўйилади.

Халқаро ташкилотларнинг суд иммунитети Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланади.

Суд иммунитетидан воз кечиш чет давлатнинг қонунида ёки халқаро ташкилотнинг қоидаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилиши керак. Бу ҳолда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий суди ишни ушбу Кодексда белгиланган тартибда кўриб чиқади.

Чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик вакиллари ҳамда уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотлар ва уларнинг филиаллари фақат Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ёки халқаро ҳуқуқ нормалари билан белгиланадиган доирадагина Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судининг юрисдикциясида бўлади.

Давлатлар, уларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консулликларининг суд иммунитети масалаларига оид муҳим ҳужжатлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майдаги 1078-XII-сонли қарорига мувофиқ ратификация

қилинган «Дипломатик алоқалар тўғрисида» 1961 йил 18 апрелдаги Вена Конвенцияси⁴² ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майдаги 1079-ХП-сонли қарорига мувофиқ ратификация қилинган «Консуллик муносабатлари тўғрисида» 1963 йил 24 апрелдаги Вена Конвенцияси⁴³ни келтирса бўлади.

«Дипломатик алоқалар тўғрисида»ги Вена Конвенцияси 22-моддасининг 1 ва 3-бандларида белгиланишича, дипломатик ваколатхоналарнинг биноси дахлсиздир. Кириб келган давлат вакиллари, ваколатхона бошлиғининг розилиги бўлмаса, ушбу бинога кира олишмайди.

Ваколатхона бинолари, уларни жиҳозлаш предметлари ва уларда жойлашган бошқа мол-мулклар, шунингдек ваколатхонага тегишли ҳаракатланиш воситалари тинтиш, реквизиция, хатлаш ва ижро ҳаракатларидан дахлсизликдан фойдаланади.

Консуллик муассасаларининг суд иммунитетини билан боғлиқ шу каби қоидалар «Консуллик муносабатлари тўғрисида»ги Вена Конвенциясида ҳам кўзда тутилган.

Ушбу иккита Конвенциялардаги қоидалар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 8 майдаги 207-сон қарорига илова сифатида берилган “Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисида”ги Низомнинг 3.15-бандига кўра дипломатик ваколатхона бошлиғи ва дипломатик персонал аъзолари Ўзбекистон Республикасининг жиноий, фуқаролик ва маъмурий юрисдикциясидан дахлсизлик ҳуқуқларидан фойдаланадилар, бироқ ушбу шахслар бунга аккредитация қилинувчи давлатнинг аниқ фойдаланган розилиги бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига тегишли бўладилар⁴⁴.

Низомнинг 4.5-бандида консуллик муассасаси бинолари дахлсиз ҳисобланиши, ушбу биноларга фақат тегишли хорижий давлатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасаси бошлиғининг ёки дипломатик ваколатхонаси бошлиғининг розилиги билангина кириш мумкинлиги, 5.3-бандида консуллик муассасаси ходимлари

43. www.lex.uz

44. www.lex.uz

суд ишларини ёки маъмурий ишларни олиб бориш чоғида гувоҳлар сифатида чақирилиши мумкинлиги қайд этилган⁴⁵.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотларга хизмат кўрсатишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 2 июлдаги 550-сон қарорига илова сифатида тасдиқланган Низомда хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотларга бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларини тақдим этиш (сотиш) тартиби батафсил белгилаб берилган ва унинг 27-бандида ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлишлиги кўрсатиб ўтилган⁴⁶.

Таъкидлаш керакки, ҳозирда Европа давлатларида суд иммунитетини чеклаш масалалари анъана тусига кирмоқда. Бунга Давлатлар иммунитетини тўғрисида 1972 йил 16 майдаги Европа Конвенциясини мисол қилиб келтириш мумкин. Иммунитетни юрисдикциядан чеклашнинг моҳияти шундаки, ушбу Конвенцияда белгиланган ҳолларда давлат хорижий давлат судининг иммунитетига ҳавола қила олмайди. Бу ерда Конвенция 1-моддасининг 1-бандида кўрсатилган қуйидаги қоида амал қилади: Келишилган Томон бошқа Келишилган Томоннинг судидаги суд муҳокамасида даъвогар ёки учинчи шахс сифатида иштирок этганда ушбу давлатнинг юрисдикциясидаги суд муҳокамаси натижаларини тан олади⁴⁷.

Чет эл шахсларининг иқтисодий суд ишларида иштирок этиши жараёнлари билан боғлиқ яна бир муҳим йўналиш - чет давлат судларининг судга доир топшириқларини ижро этиш ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларининг чет давлат судларига

45. www.lex.uz

46. www.lex.uz

47. Курс гражданского процесса (Т.В. Сахнова). – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Статут, 2014. Стр. 523.

топшириқлар билан мурожаат қилиши ҳисобланади. Чунки ҳар қандай давлатда судлар томонидан ишлар кўрилишида, низоларнинг қонуний ва адолатли ҳал этилишида айрим процессуал ҳаракатларни, шу жумладан, бирор иш учун муҳим ҳисобланган ва чет элда мавжуд бўлган далилий ҳужжатни ёки ашёвий далилни олиш, муайян ҳудудни кўздан кечириш, гувоҳни сўроқ қилиш ва бошқа шу каби ҳаракатларни амалга оширишга зарурат пайдо бўлади. Мазкур ҳаракатлар чет давлатларда амалга оширилиши боис бундай давлатлар билан ушбу масаланинг ҳуқуқий ечимини тегишли келишувлар, яъни кўп томонлама ва икки томонлама халқаро шартномалар тузиш орқали ҳал этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлатлар ўртасида тузиладиган кўп томонлама ва икки томонлама халқаро шартномаларда акс этган ҳуқуқий ёрдамларнинг турлари бир нечта бўлиб, чет давлат судларининг судга доир топшириқларини ижро этиш ушбу ёрдамнинг бир кўриниши ҳисобланади.


ИПКнинг 247-моддасида иқтисодий ишлар бўйича айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги суд топшириқларини ижро этиш билан боғлиқ қоида мустаҳкамланган бўлиб, унда кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий суди айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ёки қонунида белгиланган тартибда чет давлатлар судлари томонидан ўзига берилган топшириқларни (чақирув қоғозларини ва бошқа ҳужжатларни топшириш, ёзма далиллар олиш, экспертиза ўтказиш, жойни кўздан кечириш ва ҳоказо) бажаради.

Айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги суд топшириқларини Ўзбекистон Республикаси иқтисодий суди томонидан ижро этиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ИПКда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари чет давлатлар судларига ёки чет давлатларнинг ваколатли органларига айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги суд топшириқлари билан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ёки қонунида белгиланган тартибда мурожаат қилиши мумкин.



Чет давлат судининг топшириғи куйдаги ҳолларда ижро этилмайди:



Чет давлат судларининг судга доир топшириқларини ижро этиш билан боғлиқ муҳим халқаро шартномалардан бири ҳисобланган «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Минск Конвенциясининг 5-моддасида кўрсатилишича, мазкур Конвенция талабларини бажаришда Келишилган Томонларнинг ваколатли адлия муассасалари, агар фақат ушбу Конвенцияда муносабатга киришишнинг бошқа тартиби ўрнатилган бўлмаса, ўзларининг марказий, ҳудудий ва бошқа органлари орқали ўзаро муносабатга киришадилар.

Ушбу Конвенциянинг 6-моддасидаги қоидага кўра Келишилган Томонлар ўзаро ҳуқуқий ёрдамларни Келишилган Томонлар сўраётган қонунчиликда кўзда тутилган процессуал ва бошқа ҳаракатларни бажариш, шу жумладан, ҳужжатларни тузиш ва жўнатиш, кўздан кечириш, тинтув ўтказиш, ашёвий далилларни олиш ва жўнатиш, экспертиза ўтказиш, тарафларни, учинчи шахсларни, гумонланувчиларни, айбланувчиларни,

жабрланувчиларни, гувоҳларни, экспертларни сўроқ қилиш, жиноий таъқибни амалга ошираётган шахсларни қидириш, шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш учун ушлаб бериш, фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларини, жиноий ишларнинг фуқаролик даъвоси қисми бўйича ҳукмларни, ижро ёзувларини тан олиш ва ижро этиш, ҳужжатларни топшириш йўли билан бир-бирларига ёрдам бериш орқали амалга оширадилар⁴⁸.

Чет давлат судларининг айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқлари Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатлари асосида ижро этилади. Далилларни таъминлаш, суд топшириқларини бериш, даъвони таъминлаш ва уларни ижро этишга оид тартиб-қоидалар ИПКнинг тегишли бобларида, хусусан, 90 - 100-моддаларида берилган.

СУД АМАЛИЁТИДАН МИСОЛ

Озарбайжон Республикасининг Сумгаит шаҳрида жойлашган АЖ мазкур шаҳар судига 2020 йил 15 августдаги даъво аризаси билан мурोजаат қилиб, Фарғона вилояти, Тошлоқ туманидаги оилавий корхонадан 768 350 АҚШ доллари миқдоридаги қарзни ундиришини сўраган.

Суднинг 2020 йил 20 августдаги ажримни билан даъво аризаси иш юритишга қабул қилиниб, ишни кўриш 2020 йилнинг 9 октябрга тайинланган.

Сумгаит шаҳар суди даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ҳақида 2020 йил 20 августдаги мазкур ажримни суд топширигига илова сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали Фарғона вилоят иқтисодий судига юбориб, Кишинев Конвенциясига кўра ажримни оилавий корхонага топширишини сўраган.

Фарғона вилоят иқтисодий судининг судьяси Сумгаит шаҳар судининг топшириги ва ажримини топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали оилавий корхонага юборган.

48. www.lex.uz

Аммо мазкур ҳолатда судья процессуал хатоликка йўл қўйган. Чунки Кишинев Конвенцияси 6-моддасининг биринчи қими мазмунига кўра, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги топишириқни ижро этишида ёрдам сўралаётган ваколатли судлар ва бошқа органлар ўз давлатларининг қонунчилигини қўллашади.

ИПК 247-моддасининг иккинчи қисмидаги қоидага кўра, айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги суд топишириқларини Ўзбекистон Республикаси иқтисодий суди томонидан ижро этиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади.

ИПК 92-моддасининг биринчи қисмида ёзилишича, суд топишириғи ушбу Кодексда белгиланган қоидалар бўйича суд мажлисида бажарилади. Аммо Фарғона вилоят иқтисодий судининг судьяси Сумгаит шаҳар судининг топишириғи ва ажримини суд мажлиси ўтказмасдан, тўғридан-тўғри топиширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали оилавий корхонага юборган.

Ушбу моддадаги қоидага кўра, ишда иштирок этувчи шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинади, бироқ уларнинг келмаганлиги мажлисни ўтказишга тўсқинлик қилмайди.

Фарғона вилоят иқтисодий судининг судьяси суд мажлисини ўтказган ҳолда унга оилавий корхона вакилини чақиртириб, унга Сумгаит шаҳар судининг топишириғи ва ажримини ёзма равишда топишириш, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд этиш, суд мажлиси якуни бўйича ажрим чиқариш ҳамда ажримни ишни кўраётган судга дарҳол барча материаллар билан бирга юбориш керак эди.

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, топшириқ берувчи муассасанинг илтимосига кўра, агар процессуал қоидалар Топшириқ олувчи томоннинг қонунчилигига зид бўлмаса, топшириқни ижро этишда топшириқ берувчи Келишилган Томоннинг процессуал нормалари қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолда “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Кишинёв конвенцияси 8-моддасининг 1-банди мазмунига кўра топшириқ берувчи Келишилган Томон ўз процессуал қонунининг матнини тақдим этиши керак.

Киев Битими 5, 6-моддаларининг мазмунидан маълум бўлишича, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги аъзоларининг ваколатли судлари ва бошқа давлат органлари ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олишади.

Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳужжатларни тақдим этиш ва жўнатиш ва процессуал ҳаракатларни бажариш, шу жумладан, экспертизалар ўтказиш, Томонларни, гувоҳларни, экспертларни ва бошқа шахсларни эшитишларни ўз ичига олади.

Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги топшириқни ижро этишда ёрдам сўралаётган ваколатли судлар ва бошқа органлар ўз давлатларининг қонунчилигини қўллашади. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳал қилув қарорини ижро этиш ҳақида мурожаат қилинганда илова қилинадиган ҳужжатлар сўралаётган давлатнинг тилида ёки рус тилида баён этилади.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги аъзолари бўлган давлатлардан бирининг ҳудудидаги муассаса ёки махсус ваколатли шахс томонидан берилган ва ўз ваколатлари доирасида белгиланган шаклда гувоҳлантирилган ва расмий муҳр билан тасдиқланган ҳужжатлар Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги аъзолари бўлган бошқа давлатлар ҳудудида ҳеч бир махсус гувоҳлантирилмасдан қабул қилинади.

Минск Конвенцияси 7-моддасининг мазмунига кўра чет давлат судларининг судга доир топшириқларида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

А

топшириқ бажарувчи муассасанинг номи;

Б

топшириқ берувчи муассасанинг номи;

В

топшириқ билан боғлиқ бўлган ишнинг номи;

Г

иш бўйича тарафларнинг, гувоҳларнинг исмлари ва фамилиялари, уларнинг яшаш ва жойлашган жойлари, фуқаролиги, машғулоти, юридик шахслар учун – уларнинг номлари, юридик манзиллари ва/ёки жойлашган жойлари;

Д

“Г” кичик бандда кўрсатилган шахсларнинг вакиллари мавжуд бўлганда, уларнинг исмлари, фамилиялари ва манзиллари;

С

суд топшириғининг мазмуни, шунингдек, унинг ижросига оид бошқа зарур маълумотлар.

Хужжатни тақдим этиш ҳақидаги топшириқда тақдим этилаётган хужжатни қабул қилувчининг аниқ манзили ва ушбу хужжатнинг номи кўрсатилиши лозим. Топшириқ имзоланган ва топшириқ берувчи муассасанинг муҳри босилган бўлиши талаб этилади.

Минск Конвенциясида ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги топшириқ уни олувчи давлатнинг тилида ёки рус тилида тузилган бўлиши ёки ушбу тилларга расмий таржима қилиниб, тасдиқланган бўлиши лозим. Акс ҳолда, агар олувчи уни ўз хоҳишига кўра олсагина, у тақдим этилиши мумкин.

ИПКнинг 7-моддасига кўра, судга тақдим этиладиган, тўлиқ ёки қисман чет тилида тузилган ёзма далилларга уларнинг тегишли тарзда тасдиқланган таржималари илова қилинади.

Чет давлатда олинган ҳужжат, агар у қонунчиликда белгиланган тартибда легаллаштирилган бўлса, судда ёзма далил деб тан олинади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет давлатда олинган ҳужжат легаллаштирилмасдан судда ёзма далил деб тан олинади⁴⁹.



Кишинёв конвенцияси 7-моддасининг 5-бандида кўрсатилишича, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ушбу моддада ўрнатилган қоидаларга мос ҳолда расмийлаштирилган ҳуқуқий ёрдам ҳақидаги топшириқ факсимил алоқа ёки бошқа коммуникация воситаларидан фойдаланилган ҳолда расмийлаштирилиши мумкин. Бир вақтнинг ўзида топшириқнинг асл нусхаси почта ёки курьер орқали жўнатилиши шарт⁵⁰.

Чет давлат судларининг айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқлари белгиланган тартибда бажарилгандан сўнг топшириқ берган томонга барча ҳужжатлар қайтарилади ва агар ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг иложи бўлмаган тақдирда, ушбу ҳужжатлар топшириқ берган муассасага қайтарилиши билан бир вақтнинг ўзида унда топшириқни бажаришга тўсқинлик қилинган ҳолатлар ҳақида маълум қилинади.

Чет давлат судларининг топшириқларини ижро этиш билан боғлиқ қоидалар Ўзбекистон билан бошқа давлатлар ўртасида тузилган икки томонлама келишувларда ҳам акс этган. Бундай икки томонлама келишув имзоламаган ёхуд Минск ёки Кишинёв конвенцияларига аъзо бўлмаган давлатларнинг судлари томонидан берилган топшириқлар Ўзбекистонда “Фуқаролик процесси масалаларига доир” 1954 йил 1 мартдаги Гаага Конвенцияси асосида бажарилади. Унга кўра топшириқ бераётган

50. www.lex.uz

давлат томонидан суд топшириқлари топшириқ олаётган давлатнинг консули орқали давлат ҳокимиятига берилади. Топшириқни бериш ёки уни бажариш билан боғлиқ муаммолар дипломатик йўллар орқали ҳал этилади.

Ушбу Конвенциянинг 4-моддасида қайд этилишича, 1, 2, 3-моддаларда кўзда тутилган суд ҳужжатларини тақдим этиш, агар ҳудудида тақдим этиш амалга оширилаётган давлат ўзининг суверенитетига ёки хавфсизлигига зарар келтирилиши мумкин, деб ҳисобласа, рад қилиниши мумкин⁵¹.

Инобатга олиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, бажариш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва уларни тугатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуннинг 49-моддаси иккинчи қисмида ёзилишича, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса ёки унинг ўзга иштирокчилари билан бошқача келишув мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тугатилиши ёки денонсация қилиниши Ўзбекистон Республикасини ушбу халқаро шартномани бажариш мажбуриятидан озод қилади ҳамда шартнома тугатилгунига қадар уни бажариш натижасида юзага келган Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ёки юридик ҳолатига таъсир қилмайди⁵².

51. www.lex.uz

52. www.lex.uz

3-§. Чет давлат судларининг ва арбитражларининг ҳал қилув қарорларини иқтисодий судлар томонидан тан олиш ҳамда уларни ижрога қаратиш тартиби

Одатда судларнинг қарорлари улар чиқарилган давлат ҳудудидагина тан олинади ва ижро этилади. Шу билан бирга халқаро ҳуқуқда бир давлатнинг ваколатли органлари, хусусан, ваколатли судлари томонидан муайян низоларни ҳал этиш билан боғлиқ чиқарилган қарорлари ҳам бошқа давлат учун ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳуқуқий оқибатлар чет давлат судларининг ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ва уларни ижрога қаратиш орқали вужудга келади.

ИПК 25-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига кўра, иқтисодий судга тааллуқли ишлар жумласига чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги ишлар ҳам киради⁵³.

Мазмун-моҳиятига кўра чет давлат судининг ва арбитражининг қарорини тан олиш деганда, чет давлатнинг ваколатли судлари ёки арбитражлари томонидан чиқариладиган ва қонуний кучга кирган суд ҳужжатларининг улар ижро қилиниши лозим бўлган давлат судлари (маҳаллий судлар) томонидан ўзларининг суд ҳужжатлари каби қонуний кучга эгалигининг тан олиниши тушунилади.

Чет давлат судлари ёки арбитражларининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш учун суднинг қарори ижро этилиши керак бўлган давлат халқаро тан олинган усулда ва шаклда бунга ўз розилигини билдирган бўлиши зарур. Розилик билдириш кўп томонлама ёки икки томонлама тузилган халқаро шартномаларда ўз аксини топади.



ИПКнинг 31-моддасида белгиланишича, чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар жумласига:

53. www.lex.uz

тадбиркорлик фаолиятини ва бошқа иқтисодий фаолиятни амалга ошириш чоғида юзага келадиган низолар бўйича чет давлат судлари томонидан қабул қилинган қарорни тан олиш ҳамда ижрога қаратиш тўғрисидаги;

тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятни амалга ошириш чоғида юзага келадиган низолар бўйича чет эл арбитражлари томонидан қабул қилинган қарорни тан олиш ҳамда ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар киради⁵⁴.

Ушбу Кодекс 32-моддасининг иккинчи қисмида судловга тегишлилик ҳақидаги ўзига хос қоида назарда тутилган бўлиб, унинг мазмунидан маълум бўлишича, чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларни туман (шаҳар), туманлараро иқтисодий судлар эмас, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари кўриб чиқади.

Шуни инобатга олиш керакки, чет давлат судлари ёки арбитражларининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш билан боғлиқ ишлар ҳам, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ИПКда белгиланган қоидалар бўйича кўриб чиқилади. Мазкур масалани тартибга солувчи халқаро шартномалар ҳақида сўз юритилганда, таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда чет давлат арбитражининг ҳал қилув қарорлари (қарорлари)ни тан олиш ва ижрога қаратишга оид процессуал тартиб-қоидалар асосан Нью-Йорк шаҳрида 1958 йил 10 июнда имзоланган «Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида»ги Конвенцияда (1996 йил 7 февралдан кучга кирган), чет давлат судларининг ҳал қилув қарорлари (қарорлари)ни тан олиш ва ижрога қаратишга оид процессуал тартиб-қоидалар эса Киев шаҳрида 1992 йил 20 мартда имзоланган «Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Битим, Минск шаҳрида 1993 йил 22 январда имзоланган «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғриси-

54. www.lex.uz

да»ги Конвенция, Кишинев шаҳрида 2002 йил 7 октябрда имзоланган “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Конвенция, Ўзбекистон Республикаси билан бошқа тегишли давлатлар ўртасида тузилган ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги икки томонлама халқаро шартномаларда белгилаб берилган.

Фуқаролик, иқтисодий, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ Киев, Минск ва Кишинёв конвенцияларида чет давлат судларининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ҳамда уларни ижрога қаратиш тартиби бир мунча кенгроқ ёритилган бўлсада, ушбу конвенциялар асосан МДХ давлатлари ўртасида тузилган холос.

Шунинг учун ушбу конвенцияларда назарда тутилган чет давлат судларининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш масалаларига оид қоидалар фақатгина мазкур конвенцияларнинг иштирокчилари бўлган давлатларнинг судлари томонидан чиқарилган суд ҳужжатларига нисбатан қўлланилади.

Агар ушбу конвенциялар иштирокчиси бўлмаган ёхуд Ўзбекистон Республикаси билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида икки томонлама шартнома тузмаган чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида илтимоснома берилган бўлса, бундай илтимоснома кўриб чиқилмайди.

Чет давлат суди деганда чет давлатнинг тарафлар ўртасидаги низони ҳал этувчи ваколатли органи тушунилади, чет эл арбитражи деганда чет давлатнинг тарафлар ўртасидаги низони ҳал этиш учун доимий ёки вақтинча асосда фаолият кўрсатадиган нодавлат ташкилоти тушунилади.

Киев Битимининг 1-моддасида ёзилишича, мазкур Битим хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги, улар билан давлат ва бошқа органлар ўртасидаги шартномавий ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга оид низолардан келиб чиқадиغان ишларни ҳал қилиш, шунингдек, улар бўйича қарорларни ижро этиш масалаларини тартибга солиди.

Мазкур модданинг мазмунига кўра, ушбу Битим Минск ва Кишинев конвенцияларидан фарқли равишда фақат хўжалик фаолият

тини амалга ошириш билан боғлиқ низолар юзасидан чиқарилган қарорларни тан олиш ва ижро этиш тартибини белгилаб беради, ҳолос.

Бу ерда инобатга олиш керакки, тан олиниши сўралаётган қарорлар ҳам айнан юқоридаги масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга бўлган судлар, шу жумладан, арбитраж (хўжалик) судлари, ҳакамлик судлари ва бошқа органлар томонидан чиқарилган бўлиши керак.

Битимнинг 2-моддасидаги қоидага кўра, нисонинг тарафлари хўжалик юритувчи субъектлар, яъни корхоналар, уларнинг бирлашмалари, ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ташкилотлар, шунингдек, якка тадбиркор мақомига эга бўлган фуқаролар бўлишлари керак.

Киев Битимининг 4-моддасида назарда тутилган ваколатли суд деганда, қарори бошқа ахдлашувчи тараф ҳудудида ижрога қаратилиши лозим бўлган, қайд этилган Битимнинг 4-моддаси қоидаларига мувофиқ низоларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган ахдлашувчи тарафнинг суди тушунилади. Ўзбекистон Республикасида бундай судлар бўлиб иқтисодий судлар ҳисобланади.

Агар тан олиниши сўралаётган суднинг қарори хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган низога ёки тараф сифатида якка тадбиркор мақомига эга бўлган фуқаролар иштирок этган (масалан, корпоратив) низога оид бўлса, бу ҳолда иқтисодий

Минск конвенциясининг 51-моддасига кўра ҳар бир Келишилган Томон мазкур Конвенцияда назарда тутилган шартлар асосида бошқа Келишилган Томон ҳудудида чиқарилган қуйидаги қарорларни тан олади ва ижро қилишади:

а) адлия муассасаларининг фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича қарорлари, шу жумладан, бу каби ишлар бўйича суд томонидан тасдиқланган келишув битимлари ва пул мажбуриятларига оид нотариал ҳужжатлар (кейинчалик - қарорлар);

б) жиноят ишлари бўйича судларнинг зарарни ундириш тўғрисидаги қарорлари

Кишинев конвенцияси 54-моддасининг 1-бандида Минск Конвенциясининг 51-моддасида кўрсатилган икки турдаги қарорлардан ташқари судларнинг даъвони таъминлаш мақсадида мол-мулкни, шу жумладан, банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини хатлаш тўғрисидаги қарорлари ҳам тан олинishi ва ижро қилинishi белгиланган⁵⁵.

Минск Конвенциясининг 52-моддасидаги қоидага кўра ҳар бир Келишилган Томоннинг адлия муассасалари чиқарган ва қонуний кучга кирган, ўз характериға кўра ижрони талаб қилмайдиган қарорлари бошқа Келишилган Томоннинг ҳудудида махсус иш юритувисиз тан олинади, агар:

а) сўралаётган Келишилган Томонларнинг адлия муассасалари илғари шу иш бўйича қонуний кучга кирган қарорни чиқармаган бўлса;

б) ушбу Конвенцияга кўра, унда назарда тутилган ҳолларда ҳудудида қарор тан олинishi лозим бўлган Келишилган Томоннинг қонунчилигига кўра иш ушбу Келишилган Томонларнинг адлия муассасаларининг мутлақ ваколатига кирмаса⁵⁶.

Чет давлат судлари ёки арбитражларининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишга оид халқаро ҳуқуқ нормалари Ўзбекистон Республикаси билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида тузилган икки томонлама шартномаларда ҳам бевосита кўзда тутилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 1 майдаги 626-I-сонли қарори билан ратификация қилинган «Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида»ги шартноманинг “Қарорларни тан олиш ва ижро этиш” деб номланган III боби (17-22-моддалари)да тан олинishi ва бажарилиши лозим бўлган суд қарорлари, уларни тан олиш ва ижро этиш тартиби, тан олишни рад қилиш асослари каби нормалар акс этган.

55. www.lex.uz

56. www.lex.uz

Ушбу Шартноманинг 17-моддасида қайд этилишича, ахдлашувчи Томонлар бошқа Ахдлашувчи Томоннинг ҳудудида қабул қилинган қуйидаги қарорларни ўз ҳудудида тан олиши, агар қарорнинг тусига қараб унинг бажарилиши талаб этилса, унда ижро этиши лозим:

1

фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари;

2

жиноий ишлар бўйича етказилган зарарни қоплашга оид суд қарорлари;

3

арбитраж судининг қарорлари.

2

Мазкур Шартномада қўлланадиган «суд қарорлари» атамаси қуйидагини англатади:

Ўзбекистон Республикасида — суд қарори, ажрими, ҳукми, суд тасдиқлаган ярашув ҳақидаги битим, шунингдек фуқаролик ишининг моҳияти бўйича судья чиқарган қарор;

Хитой Халқ Республикасида — суд томонидан чиқарилган қарор, ажрим, ярашув акти⁵⁷.



Иқтисодий судлар Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида тузилган Шартномага кўра унинг 17-моддасидаги рўйхатда қайд этилмаган бошқа судлар, яъни арбитражлар (ҳакамликлар)нинг қарорларини ўзаро тан олиш ва ижро этишни Нью-Йорк Конвенциясига мувофиқ амалга оширади.

Шартнома 1-моддасининг 2 ва 3-бандларидаги қоидага кўра, ушбу модда 1-бандининг қоидалари ҳар қайси исталган Ахдлашувчи Томон ҳудудида уларнинг ўз миллий қонунларига мувофиқ таъсис этилган юридик шахсларга ҳам татбиқ этилади, ушбу Шартномада қўлланиладиган «фуқаролик ишлари» атамаси хўжалик, оила ва никоҳ ҳамда меҳнат ишларини ҳам қамраб

57. www.lex.uz

олади. Шундай экан, Аҳдлашувчи бир Томоннинг хўжалик, иқтисодий ишлар бўйича тегишли судлари чиқарган қарорлар Аҳдлашувчи иккинчи Томоннинг мазкур тоифадаги ишларни кўришга ваколатли бўлган судлари, яъни Ўзбекистонда иқтисодий судлар томонидан тан олинади ва ижрога қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида тузилган Шартнома 12-моддасининг мазмуни

1

- суд томонидан тасдиқланган суд қарорининг нусхаси, агар нусхада қарорнинг кучга кирганлиги ва уни ижро этиш мумкинлиги ҳақида аниқ кўрсатма бўлмаса, бу тўғрисида суд маълумотномасининг бир нусхаси илова қилиниши керак;

2

- процессда иштирок этмаган томонга қонунда белгиланган тартибда судга чақириқ ҳақидаги хабарнома тақдим этилганини ва муомалага лаёқатсиз бўлган ҳолда эса унинг тегишли вакили бўлганлиги ҳақида тасдиқловчи ҳужжат;

3

- ушбу моддада эслатиб ўтилган илтимосноманинг ва тегишли ҳужжатларнинг тасдиқланган таржимаси.

Шартноманинг 21-модаси мазмунидан маълум бўлишича, қуйидаги ҳоллардан бирида суд қарорини тан олишни ва ижро этишни рад қилиш мумкин:

1

агар қабул қилинган қарор Аҳдлашувчи Томоннинг қонунларига мувофиқ бу қарор қонуний кучга кирмаган бўлса ёки ижроси мумкин бўлмаса;

2

агар қарорни тан олиш ва ижро этиш ҳақидаги илтимоснома қаратилган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунларига мувофиқ иш сўралаётган Аҳдлашувчи Томон судининг мутлақ ваколат доирасига кирадиган бўлса;

3

агар процесда иштирок этмаган Томонга Аҳдлашувчи Томон қонунларига мувофиқ қарорни қабул қилган муассаса судга чақириқ ҳақидаги хабарномани тақдим этмаган бўлса, ёки, муомалага лаёқатсиз бўлган ҳолда, унинг тегишли вакили бўлмаган бўлса;

4

агар айнан шу Томонлар орасидаги айнан шу ҳуқуқий низо бўйича сўралаётган Аҳдлашувчи Томон суди чиқарган қарор қонуний кучга кирган бўлса, ёки худди шу низо у ерда кўриб чиқилаётган бўлса, ёки ушбу низо бўйича учинчи давлат қарорининг қонуний кучга кирганлиги тан олинган бўлса;

5

агар илтимоснома қаратилган Аҳдлашувчи Томоннинг қарорни тан олиши ёки ижро этиши унинг суверенитетига, хавфсизлигига ёки жамоат тартибига путур етказадиган бўлса.

Юкорида таъкидланганидек, Киев, Минск, Кишинев конвенцияларининг иштирокчиси бўлмаган ёки Ўзбекистон Республикаси билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида икки томонлама шартнома тузмаган чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномаси иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилмайди. Бироқ, агар тан олиниши ва ижрога қаратилиши сўралаётган қарор муайян арбитраж томонидан чиқарилган бўлса, тарафларнинг ўзаро алоқаларида низо келиб чиққан тақдирда у айнан шу арбитраж томонидан кўрилиши ҳақидаги келишуви мавжуд бўлса, бундай қарор иқтисодий суд томонидан Нью-Йорк конвенцияси асосида тан олиниши ва ижрога қаратилиши мумкин. Бунда инобатга олиш керакки, номланиши қандай бўлишидан қатъий назар, муайян давлатнинг доимий асосда фаолият юритадиган ваколатли судлари, жумладан, фукаролик ишлари бўйича судлар, хўжалик судлари, арбитраж судлари, иқтисодий судларнинг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишда Нью-Йорк конвенциясини қўллаб бўлмайди.

Нью-Йорк конвенцияси 1-моддасининг 1-бандида ёзилишича, мазкур Конвенция тарафлар жисмоний шахслар ҳам, юридик шахслар

ҳам бўлиши мумкин бўлган низолар бўйича қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш сўралаётган давлатда бошқа давлат ҳудудидаги ҳакамлик қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш жараёнларига тадбиқ этилади. Шунинг учун мазкур Конвенция бўйича тан олинishi сўралаётган қарор у чиқарилган ишда иштирок этган тарафларнинг юридик шахс ёки жисмоний шахс эканлигига ҳамда низонинг мазмунига қараб, тегишлича фуқаролик ишлари бўйича судлар ёки иқтисодий судлар томонидан тан олинади ва ижрога қаратилади.

Конвенциянинг 1-моддаси 2-банди мазмунига кўра, “ҳакамлик қарорлари” деганда ҳар бир алоҳида иш бўйича тарафларнинг келишуви асосида тайинланган ҳакамлар ёки тарафлар ўзаро келишган ҳолда мурожаат қилган доимий ҳакамлик томонидан чиқарилган қарорлар тушунилади.

Конвенциядаги “ҳакамлик” тушунчаси Ўзбекистондаги “ҳалқаро арбитраж суди” тушунчасига мос келади.

Ушбу Конвенциянинг 4-моддасига кўра, ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраётган тараф илтимосномани беришда тегишли тартибда тасдиқланган ҳакамлик қарори ва ҳакамлик келишувининг асли ёки тегишли тартибда тасдиқланган нусхаларини тақдим этади. Агар ҳакамлик қарори ва келишув расмий (ўзбек) тилда баён этилмаган бўлса, ушбу қарорни тан олиш ва ижрога қаратишни сўраётган тараф бу ҳужжатларнинг расмий тилдаги таржимасини тақдим қилади. Таржима расмий ёки қасамёд қилган таржимон, дипломатик ёхуд консуллик муассасаси томонидан тасдиқланади. Ушбу талабларга риоя қилинмасдан берилган илтимоснома суд томонидан қайтарилиши керак. Ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш Нью-Йорк Конвенциясининг 5-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлгандагина рад этилиши мумкин⁵⁸.

Халқаро ҳуқуқ талабларига кўра, аксарият ҳолларда чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза ҳал қилув қарори фойдасига чиқарилган низо тарафи томонидан қарздорнинг яшаш жойидаги ёки турган жойидаги судга, агар яшаш жойи ва турган жойи номаълум бўлса, унинг мулки турган жойдаги судга

58. www.lex.uz

бераляды. Ушбу мазмундагі қоида Беларуссия Республикасининг хўжалик процессуал қонунчилигида ҳам мавжуд⁵⁹.

Чет давлат судларининг ва арбитражларининг ҳужжатлари турлича шаклда, яъни ажрим, қарор, ҳал қилув қарори, суд буйруғи кўринишида бўлиши мумкин. Аммо суд ҳужжатлари қандай шаклда чиқарилган бўлишидан қатъи назар, агар улар белгиланган тартибда тан олиниб, ижрога қаратилган бўлса, ишда иштирок этувчи шахслар, суд ҳужжати ижро этишга масъул ташкилотлар, давлат органлари учун маҳаллий судлар томонидан чиқарилган суд ҳужжатлари каби тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради.

Одатда чет давлат судлари ёки арбитражларининг қарорлари улар ижро қилиниши лозим бўлган давлат судлари (маҳаллий судлар) томонидан тан олинганида улар бўйича ижро варақалари берилади. Аммо баъзи қарорлар қонуний кучга киргандан сўнг тегишли ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарсада, улар бўйича муайян ижро ҳаракатларини амалга ошириш талаб қилинмаганлиги боис, ижро варақалари берилмайди. Масалан, чет давлат судлари ёки арбитражларининг бирор буйруқни ёхуд шартномани ҳақиқий эмас деб топиш, мулк ҳуқуқини тасдиқлаш, муайян юридик фактни белгилаш ва ҳоказо шу каби турдаги қарорлари шулар жумласидандир. Бундай қарорлар бошқа давлатда белгиланган тартибда тан олинган пайтдан бошлаб, ижро қилинган ҳисобланади.

Чет давлат судлари ёки арбитражларининг қарорлари бошқа давлатнинг судлари (маҳаллий судлар) томонидан тан олиниб, ижрога қаратилиши, яъни ижро варақаси берилиши учун бундай қарорлар муайян ижро ҳаракатларини амалга оширишни талаб қилиши керак.

Яна бир муҳим масалани инобатга олиш керакки, чет давлат судлари ёки арбитражларининг қарорлари тан олинниши ва ижрога қаратилиши учун улар қонуний кучга кирган бўлиши шарт, акс ҳолда улар тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ариза рад қилиниши керак.

Судлар чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини ижрога қаратиш тўғрисидаги ажримга асосан берилган ижро ва-

59. “Судебная практика по гражданским и экономическим делам о признании и исполнении решений иностранных судов и иностранных арбитражных решений (по материалам обзора)”. // Судовы ВЕСНИК Афіцыйнае выданне Вярхоўнага Суда Рэспублікі Беларусь, № 1, 2015, стр 28.

рақасида чет давлат суди ёки арбитражи қарори қонуний кучга кирган санани кўрсатишлари лозим. Чунки бундай ижро варақаси, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарор қонуний кучга кирган вақтдан эътиборан уч йил ичида мажбурий ижро этиш учун топширилиши мумкин.

ИПКнинг 249-моддасига кўра, чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза аризачи томонидан Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига қарздорнинг жойлашган ери ёки яшаш жойи бўйича ёхуд, агар қарздорнинг жойлашган ери ёки яшаш жойи номаълум бўлса, қарздор давлат рўйхатидан ўтказилган жой бўйича берилади⁶⁰.

Аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1** *ариза берилаётган иқтисодий суднинг номи;*
- 2** *чет давлат судининг ёки арбитражининг номи ва жойлашган ери ҳамда унинг таркиби;*
- 3** *ишда иштирок этувчи шахсларнинг номлари (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;*
- 4** *аризачи тан олиш ва ижрога қаратишни сўраётган чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарори тўғрисидаги маълумотлар;*
- 5** *аризачининг чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномаси;*
- 6** *илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.*

Аризада аризачи ёки унинг вакилининг телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин⁶¹.

60. www.lex.uz

61. www.lex.uz

СУД АМАЛИЁТИДАН МИСОЛ

Россия Федерациясининг Новосибирск шаҳар арбитраж суди Ўзбекистон Республикаси Олий судига чет давлат судининг қарорини тан олиши ва ижрога қаратиши тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиб Новосибирск шаҳар арбитраж судининг Бухоро вилоятидаги хусусий фирмадан Новосибирск шаҳридаги МЧЖ фойдасига 565 000 АҚШ доллари миқдоридаги қарзни ундириши тўғрисида 2019 йил 4 мартдаги ҳал қилув қарорини тан олиши ва ижрога қаратишини сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ушбу илтимосномани тааллуқлилиги бўйича кўриб чиқиши учун Навоий вилоят иқтисодий судига юборган.

Вилоят иқтисодий судининг 2020 йил 16 январдаги ажрими билан илтимоснома иш юритишига қабул қилинган ва илтимоснома 2020 йил 2 март кuni кўриб чиқилиб, у қаноатлантирилган ва арбитраж судининг ҳал қилув қарорини тан олиши ва ижрога қаратиши тўғрисида ажрим чиқарилган.

Бухоро вилоятидаги хусусий фирманинг шикоят аризаси асосида ҳал қилув қарорини тан олиши ва ижрога қаратиши тўғрисида 2020 йил 2 мартдаги ажрим Олий судда қайта кўриб чиқилиб, бекор қилинган ва иш янгидан кўриши учун Навоий вилоят иқтисодий судига юборилган.

Навоий вилоят иқтисодий судининг 2020 йил 7 майдаги ажрими билан илтимоснома қайтарилган.

Ушбу мисолда Навоий вилоят иқтисодий судининг 2020 йил 16 январдаги дастлабки илтимосномани мазмунан кўриб, ҳал этган ҳолда чиқарган ажрими ноқонунийдир. Чунки Новосибирск шаҳар арбитраж судининг 2019 йил 4 мартдаги ҳал қилув қарорини тан олиши ва ижрога қаратиши ҳақидаги илтимоснома манфаатдор шахс ҳисобланган Новосибирск шаҳридаги МЧЖ томонидан эмас, балки Новосибирск шаҳар арбитраж суди томонидан берилган.

Киев битимининг 8-моддасига асосан ҳал қилув қарори манфаатдор тарафнинг илтимосномасига асосан ижрога қаратилади. Яъни чет давлат судларининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома ваколатли судга ундирувчи (манфаатдор тараф) томонидан берилади. Бу ҳақда ИПК 248-моддасининг иккинчи қисмида ҳам шу мазмундаги қоида белгиланган.

ИПК 253-моддасининг биринчи қисмига кўра, чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризани қайтариш Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий суди чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризани иш юритишига қабул қилиш ҳақидаги масалани ҳал этишида, ушбу Кодекс 249 — 252-моддаларининг талаблари бузилган ҳолда тақдим этилганлигини аниқласа, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўз ажрими билан қайтаради.

Шу сабабли Навоий вилоят иқтисодий судининг 2020 йил 7 майдаги илтимосномани қайтариш ҳақидаги кейинги ажрими қонуний чиқарилган.

Таъкидлаш керакки, аризани (илтимосномани) қайтариш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин манфаатдор шахс умумий тартибда ариза (илтимоснома) билан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий судига янгидан мурожаат этишига ҳақли.

Чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризани қайтариш ҳақидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Амалдаги иқтисодий процессуал қонунчиликда чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати чет давлат судлари учун алоҳида, чет давлат арбитражлари учун алоҳида келтирилган.

Жумладан, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

1

аризачи тан олиш ва ижрога қаратишни сўраётган чет давлат судининг ҳал қилув қарори ёки унинг чет давлатнинг ёки Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси;

2

агар ҳал қилув қарори матнининг ўзида кўрсатилмаган бўлса, ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кирганлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат;

3

ҳал қилув қарори қисман ижро этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат, агар у тегишли чет давлат ҳудудида илгари ижро этилган бўлса;

4

ўзига қарши ҳал қилув қарори қабул қилинган ва суд процессида иштирок этмаган тараф ишни кўриш вақти ҳамда жойи тўғрисида ўз вақтида ва тегишли тартибда хабардор қилинганлигини англатувчи ҳужжат;

5

вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа ҳужжат;

6

чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризанинг кўчирма нусхаси қарздорга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

7

агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божси ҳамда почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

8

агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу

модданинг 1 — 5-бандларида кўрсатилган ҳужжатларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

1. *чет эл арбитражининг ҳал қилув қарори ёки унинг чет давлат ёки Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси;*
2. *арбитраж муҳокамаси тўғрисидаги битимнинг асли ёки унинг чет давлатнинг ёки Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси;*
3. *ҳал қилув қарори қисман ижро этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат, агар у илгари тегишли чет давлат ҳудудида ижро этилган бўлса;*
4. *ўзига қарши ҳал қилув қарори қабул қилинган ва процессда иштирок этмаган тараф ишни кўриш вақти ҳамда жойи тўғрисида ўз вақтида ва тегишли тартибда хабардор қилинганлигини англатувчи ҳужжат;*
5. *вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа ҳужжат;*
6. *чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризанинг кўчирма нусхаси қарздорга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;*
7. *агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божли ҳамда почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;*

агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу модданинг 1 — 5-бандларида кўрсатилган ҳужжатларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси⁶².

Суд чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ҳақидаги масалани ҳал этишда ариза ушбу Кодекснинг 249 – 252- моддалари талаблари бузилган ҳолда берилганлигини аниқласа, аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни ундирувчига қайтаради.

Суд аризани қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ажрим, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ундирувчига ажрим чиқарилган кундан эътиборан беш кун ичида юборилади.

Аризани қайтариш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин манфаатдор шахс умумий тартибда ариза билан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий судига янгидан мурожаат этишга ҳақли.

Чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризани қайтариш ҳақидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин. Ажрим бекор қилинган тақдирда, ариза иқтисодий судга дастлабки мурожаат этилган кунда берилган деб ҳисобланади.

ИПКнинг 254-моддасига кўра чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза, агар Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мазкур бобда белгиланган хусусиятларни эътиборга олган ҳолда ушбу Кодекснинг қоидалари бўйича у иқтисодий судга келиб тушган кундан эътиборан олти ойдан ошмаган муддатда суд мажлисида кўрилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий суди ажрими билан ушбу Кодекснинг 127-моддасида назарда тутил-

62. www.lex.uz

ган тартибда хабардор қилинади. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриш учун тўсқинлик қилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий суди ишни кўришда ушбу Кодекснинг 255-256-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий судига тақдим этилган, билдирилган талаблар ва эътирозларни асословчи далилларни текшириш йўли билан аниқлайди.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий суди ишни кўришда чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас⁶³.

Ҳуқуқшунос олим Ш.Ш.Шорахметовнинг таъкидлашича, чет давлат судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро қилиш тўғрисидаги илтимоснома қарздорни илтимосномани кўриш вақти ҳақида хабардор қилган ҳолда очиқ суд мажлисида кўрилади. Қарздор суд мажлисига суд узрсиз деб топган сабабларга кўра келмаган тақдирда, илтимосномани кўриш учун тўсқинлик қилмайди. Агар қарздор иш кўришни кейинга қолдиришни илтимос қилса ва суд бу илтимосни асосли деб топган ҳолларда, суд мажбурий ижро қилиш тўғрисидаги талабни қаноатлантириб, илтимосномани кўришни кейинга қолдиради ва бу ҳақда қарздорни хабардор қилиши лозим⁶⁴.

Агар чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарори қисман ижро этилган бўлса, суд бундай ҳолда мазкур қарорнинг ижро этилмаган қисмига ижро варақаси беради.

Хорижий давлатларнинг суд амалиётига назар ташласак, Белоруссия Республикаси Олий суди Пленуми 2014 йил 23 декабрда чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги қонунчиликни судлар томонидан қўлланилиши тўғрисидаги суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқиб, чет давлат судининг қарори бир қанча

63. www.lex.uz

64. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. 917-918 бетлар.

солидар тарздаги қарздорларга нисбатан чиқарилган бўлса, суд ушбу ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги масалани ҳар бир қарздорга нисбатан алоҳида иш юритиш бўйича кўриб чиқишга ҳақли эканлиги тўғрисида тушунтириш берган⁶⁵.

Киев Битимининг 9-моддаси, Минск конвенциясининг 55-моддаси, Кишинев конвенциясининг 59-моддаси ва ИПКнинг 255-моддаси мазмунига кўра суд чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олишни ва ижрога қаратишни қуйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисман рад этади, агар:

1 *ҳудудда ҳал қилув қарори қабул қилинган давлатнинг қонунига биноан у қонуний кучга кирмаган бўлса;*

2 *ҳал қилув қарори ўз зарарига қабул қилинган тараф ишни кўриб чиқиш вақти ва жойи тўғрисида ўз вақтида ҳамда белгиланган тартибда хабардор қилинмаган ёки бошқа сабабларга кўра судга ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаган бўлса;*

3 *ишни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларга ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси судининг мутлақ ваколатига тегишли бўлса;*

4 *Ўзбекистон Республикаси судининг аynи бир тарафлар ўртасида, аynи бир предмет тўғрисида ва аynи бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса;*

65. “Судебная практика по гражданским и экономическим делам о признании и исполнении решений иностранных судов и иностранных арбитражных решений (по материалам обзора)”. // Судовы ВЕСНІК Афіційнае выданне Верховнага Суда Рэспублікі Беларусь, № 1, 2015, стр 29.

5

Ўзбекистон Республикаси судининг иш юритувида айти бир тарафлар ўртасида, айти бир предмет тўғрисида ва айти бир асослар бўйича низога доир иш мавжуд бўлиб, у юзасидан иш юритиш чет давлат судида ишни юритиш қўзғатилганидан олдин қўзғатилган бўлса;

6

чет давлат судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижрога қаратиш муддати ўтган бўлиб, бу муддат суд томонидан тикланмаган бўлса;

7

тараф низонинг ваколати бўлмаган чет давлат суди томонидан ҳал этилганлигини исботловчи далилни тақдим этган бўлса;

8

ҳал қилув қарори чет давлатнинг ваколатли органи томонидан бекор қилинган бўлса;

9

ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикасининг чет давлат суди ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш билан боғлиқ халқаро шартномалари иштирокчиси бўлмаган чет давлат суди томонидан чиқарилган бўлса;

10

чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш Ўзбекистон Республикасининг суверенитетига, хавфсизлигига зарар етказса ёки қонун ҳужжатларининг асосий принципларига зид бўлса.

Таъкидлаш керакки, юқорида қайд этилган чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш асосларининг рўйхати тугал ҳисобланади. Шу билан бирга бундай ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бевосита назарда тутилган тақдирдагина, бошқа асосларга кўра ҳам рад этилиши мумкин.

ИПКнинг 256-моддасида чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад қилиш асослари алоҳида берилган бўлиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий суди ҳал қилув қарори ўзига қарши қаратилган тарафнинг аризасига кўра, чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олишни ва ижрога қаратишни рад қилади, агар тараф:

1

арбитраж битимининг тарафлари ўзларига нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича қайсидир даражада муомалага лаёқатсиз бўлганлигини ёки арбитраж битимини унинг тарафлари қайси қонунга бўйсундирган бўлсалар, ўша қонун бўйича, бундай кўрсатма мавжуд бўлмаганда эса — ҳал қилув қарори чиқарилган мамлакатнинг қонуни бўйича ҳақиқий эмаслигини;

2

ҳал қилув қарори ўзига қарши қаратилган тараф арбитраж тайинланганлиги тўғрисида ёки арбитраж муҳокамаси тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ёки бошқа сабабларга кўра ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлигини;

3

арбитраж битими ёки арбитраж ҳақидаги шартнома шартида назарда тутилмаган ёки уларнинг шартига тегишли бўлмаган низо бўйича ҳал қилув қарори чиқарилганлигини ёхуд арбитраж битими ёки арбитраж ҳақидаги шартнома шартидан таиқари чиқадиган масалалар бўйича қарор мавжудлигини, бундан арбитраж битими ёки арбитраж ҳақидаги шартнома шarti доирасидаги масалалар бўйича қарорлар қамраб олинмаган масалалар бўйича қарорлардан ажратиб олиниши мумкин бўлган ҳоллар мустасно;

4

арбитраж органининг таркиби ёки арбитраж процесси тарафларнинг келишувига мувофиқ келмаганлигини ёки бундай шарт бўлмаса, арбитраж бўлиб ўтган мамлакат қонунига мос келмаганлигини;

5

ҳал қилув қарори тарафлар учун якуний бўлмаганлигини ёки у қабул қилинган ва қонуни қўлланилаётган давлатнинг ваколатли органи томонидан бекор қилинганлигини ёхуд ижроси тўхтатилганлигини;

6

низо ваколатли бўлмаган чет давлат арбитражи томонидан ҳал этилганлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этса.

Шунингдек чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш қуйидаги ҳолларда рад қилиниши мумкин, агар:

1

низо объекти Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича арбитраж муҳокамасининг предмети бўла олмаса;

2

ушбу ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг оммавий тартибига зид бўлса ёки унга таҳдид солса;

3

чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш муддати ўтган бўлса.

ИПКнинг 257-моддасида белгиланишича, чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризани кўриш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий суди ушбу Кодекснинг 22-бобида белгиланган қоидаларга кўра ажрим чиқаради.

Чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги иш бўйича ажримда:

1

чет давлат судининг ёки арбитражининг номи ва жойлашган ери;

2

аризачи ва қарздорнинг номлари (фамилияси, исми, отасининг исми);

3

аризачи тан олиш ва ижрога қаратишни илтимос қилаётган чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарори тўғрисидаги маълумотлар;

4

чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ёхуд уни тан олишни ва ижрога қаратишни рад қилиш тўғрисида кўрсатма бўлиши керак.

Чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги иш бўйича ажрим устидан ушбу Кодексад назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Чет давлат судининг ва арбитражининг ҳал қилув қарорини ижрога қаратиш чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида ажрим чиқарган суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган тартибда амалга оширилади⁶⁶.

Бундай ижро варақалари ҳам маҳаллий судлар томонидан чиқариладиган ижро варақалари ёки суд буйруқлари каби Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда ижро этилади. Ушбу Қонуннинг 50-моддасида қайд этилишича, ундирувни қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида турган мол-мулкига, шу жумладан унинг чет эл банкларидаги пул маблағларига қаратиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади⁶⁷.

66. www.lex.uz

67. www.lex.uz

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАР ТОМОНИДАН ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

1-§. Судлар томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш ва халқаро стандартлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”сида жиноят-процессуал қонунчиликни халқаро стандартларга унификация қилинганлиги ва мувофиқлаштирилганлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилиш, халқаро ҳамкорлик масалаларини тартибга солувчи жиноят-процессуал нормаларни Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқлаштириш белгиланган.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш учун жуда муҳим, чунки суд тизими фаолияти самарадорлиги халқаро ташкилотлар, шу жумладан, БМТнинг тегишли қўмиталари томонидан батафсил ўрганиб чиқилиб, доимий равишда баҳолаб борилади. Хусусан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг Ўзбекистон Республикасининг даврий ҳисоботларини кўриб чиқиш натижасига кўра асосий тавсияларидан бири миллий судлар томонидан ўз қарорларида БМТ Конвенциялари қоидаларини етарли даражада қўлланилмаётганлиги масаласидир. Миллий судлар томонидан суд ҳужжатларида БМТ конвенцияларини қўллашнинг самарали механизмини жорий этилиши Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш билан бирга, суд тизими мустақиллигини янада мустаҳкамлаш

ва суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга ўз таъсирини ўтказди⁶⁸.

БМТ ташаббуси билан 2002 йилнинг 19 августида Жанубий Африкада ўтказилган жаҳон судьяларининг халқаро конференцияси ҳам айнан шу масалага бағишланиб, унда “Ҳуқуқнинг устуворлиги ва барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Йоханнесбург принциплари⁶⁹ қабул қилинган. Ушбу ҳужжатда таъкидланишича, “миллий, минтақавий ёки универсал даражада одил судловни олиб борувчилар халқаро ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро мослигини, имплементациясини ҳамда ижро этилишини таъминлашда ҳал қилувчи ўринда туради. Судьялар миллий ҳуқуқ доирасида халқаро шартномаларни тўғридан-тўғри қўллашга ўтишлари лозим”.

2006 йил 19 майда қабул қилинган “Судьяларнинг хулқ-атвориға оид” Бангалор принципларида белгиланишича, “судья инсон ҳуқуқлари бўйича нормалар мустаҳкамланган халқаро қонунчиликдан, хусусан халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатлардаги ўзгаришлардан доимо хабардор бўлиши керак”⁷⁰.

Бундан ташқари, 2010 йилнинг 20 январиди БМТнинг Аёлларга нисбатан ирқий камситишларни тугатиш қўмитаси ўзининг 907, 908-мажлисларида Ўзбекистон Республикасининг тўртинчи Миллий ҳисоботини эшитиб, якуний қарорида қуйидаги тавсияларни берган: “Қўмита иштирокчи давлатдан аёлларнинг макomini ошириш ва гендер тенглигини таъминлашга қаратилган барча зарур чораларни кўришни ҳамда ҳокимиятнинг барча тармоқлари, суд органлари Конвенциядан етарли даражада хабардор бўлиши ва унинг қоидалари-

68. Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан халқаро конвенциялар нормаларининг қўлланилиши. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида тайёрланган амалий семинар материаллари тўплами. Тошкент 2020, Б.11.

69. 3 Johannesburg Principles on the Role of Law and Sustainable Development // Zanger. – 2002. №9. – P. 9-11.

70. 1 https://www.unhchr.ch/html/menu3/b/h_comp34.htm.

ни барча қонунларнинг, суд қарорларининг асоси сифатида қўллашни сўрайди. Шунингдек, қўмита иштирокчи давлатни Конвенция ва тақдим этилган тавсиялар ҳамда тегишли қонун ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд тизимида профессионал кадрлар тайёрлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилишига чақиради”⁷¹.

Халқаро ҳуқуқ нормаларини судларда қўллаш - бу халқаро ҳуқуқ нормаларини давлат ички ҳуқуқида татбиқ этиш шакллари билан бириктирилади.

Халқаро ҳуқуқ нормалари билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси судлари кўп ҳолларда миллий қонунчиликка таяниш билан чекланмоқда. Боз устига, айрим ҳолларда судлар амалиётида халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш шарт бўлганда қўлламаслик ва низо юзасидан мавжуд далилларга етарлича ҳуқуқий баҳо бермаслик, миллий қонунчилик нормаларини халқаро ҳуқуқ нуқтаи-назаридан нотўғри талқин этиш ҳолатлари мавжуд.

Албатта жиноят ишлари бўйича судларда бугунги кунда муайян халқаро шартномаларнинг қоидалари қисман қўлланилади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси судлари Россия Федерацияси судларига Россия Федерацияси ҳудудида бўлиб турган гувоҳни сўроқ қилиш тўғрисида сўровни юборишда суд ҳужжатларида Минск конвенциясининг 7-моддасига ҳавола қилишлари мумкин. Шубҳасиз, бу ҳолатда гап халқаро шартномалар қоидаларини суд ҳужжатларида келтириб ўтиш тўғрисида кетмоқда. Дастлабки босқич сифатида БМТ Конвенциялари қоидаларини суд ҳужжатларида келтириб ўтиш мумкин, аммо, бу асосий мақсад эмаслигини ёдда тутиш лозим. Гарчи шартнома органлари судлар томонидан БМТ Конвенциялари қоидаларини қўллаш мақсадларини аниқ кўрсатмаса ҳам, процессуал қонунчилик нуқтаи назаридан судлар

71. 2 CEDAW/C/UZB/Q3/ADD.1.

томонидан БМТ Конвенциялари қоидаларининг суд ҳужжатларида қўлланилиши қуйидаги мақсадларга йўналтирилиши мумкин:

➡ миллий қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этиш;
➡ миллий қонунчилик нормаларининг умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормаларига, шу жумладан, БМТ Конвенциялари қоидаларига мувофиқлигини кўрсатиш;

➡ миллий ҳуқуқ нормалари халқаро ҳуқуқнинг тан олинган тамойиллари ва нормаларига зид бўлган ҳолатларда ҳуқуқий коллизияларни бартараф этиш;

➡ миллий қонунчиликда талаб этилган ҳолларда ҳуқуқий нормани изоҳлаш, унинг маъносини тушунтириш;

➡ халқаро ҳуқуқ манбаларига мурожаат қилиш орқали низо юзасидан исботлашни кучайтириш.

Маълумки, Жиноят кодексининг 1-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига асосланган бўлиб, ушбу Кодексдан иборатдир. Жиноят-процессуал кодексининг 3-моддасига мувофиқ жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

Жиноят-ижроия кодексининг 4-моддасига жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқнинг жазони ижро этиш ва маҳкумлар билан муомалада бўлишга тааллуқли принциплари ва нормаларини инобатга олади. Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг нормалари маҳкумларни қийноққа солиш ва бошқа инсонийликка зид ёки камситувчи муомала турларидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга зид бўлиши мумкин эмас.

Жиноят ишлари бўйича судлар фаолиятига тааллуқли асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар

- 👉 Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 1948 й.
- 👉 Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт 1966 й.
- 👉 Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт 1966 й.
- 👉 Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга биринчи факультатив протокол 1966 й.
- 👉 Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга иккинчи факультатив протокол 1989 й.

Инсон ҳуқуқларини оммавий бузилишига қарши кураш бўйича шартномалар

- 🕒 Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларация 1966 й.
- 🕒 Геноцид жиноятини олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги Конвенция 1948 й.
- 🕒 Ирқий камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция 1965 й.
- 🕒 Апартеид жиноятини тўхтатиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги Конвенция 1965 й.
- 🕒 Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция 1984 й.

Алоҳида тоифадаги фуқароларни ҳимоя қилиш бўйича шартномалар

- ✓ Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция 1952 й.
- ✓ Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция 1979 й.

- ✓ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция 1989 й.
- ✓ Апатридлар мақоми тўғрисидаги Конвенция 1954 й.
- ✓ Қочоқлар мақоми тўғрисидаги Конвенция 1951 й.
- ✓ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция 2006 й.

Ушбу ҳужжатларнинг айримларини таҳлил қиладиган бўлсак, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг жиноят ишлари бўйича судлар томонидан қўлланилишига оид асосий қоидалари қуйидагича:

Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир (3-модда);

Ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари таъқиқланади (4-модда);

Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак (5-модда);

Ҳар бир инсон каерда бўлишидан қатъи назар, ўзининг ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинишига ҳақли (6-модда);

Барча одамлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир (7-модда);

Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга (8-модда);

Ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас (9-модда);

Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга (10-модда).

Қийноқ ҳамда кадр-қимматни камситувчи муомала турларига қарши Конвенцияда иштирокчи-давлатлар ўз юрисдикцияларидаги ҳар қандай ҳудудда қийнаш актларининг олдини олиш учун

самарали қонунчилик, маъмурий, суд ва бошқа чораларни қўллаш мажбуриятини оладилар. Уруш ҳолати ёки уруш хавфи, ички сиёсий берқарорлик ёки бошқа исталган фавқулодда ҳолат, қийнокни оқлашга хизмат қилолмайди.

Ирқий камситишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенция ҳар бир шахсга тенглик ва камситмаслик принципини тўлиқ амалга оширишни кафолатлайди. Мазкур Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари ирқий камситишларни унинг барча шаклларида йўқ қилиш ва ирқи, терисининг ранги, миллий ёки этник келиб чиқишидан қатъи назар қонун олдида тенгликни кафолатлаш, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни таъминлаш мажбуриятини оладилар.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллари-га барҳам бериш тўғрисида конвенцияда иштирокчи давлатлар хотин-қизлар камситилишининг барча шакллари қоралаб, зудлик билан барча тегишли усуллар орқали хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш сиёсатини юргизишга келишадилар.

Шулар билан бир қаторда, “Минимал стандарт қоидалар” ҳам мавжуд бўлиб, БМТнинг эътироф этишича, улар тавсиявий характерга эга бўлса ҳам, амалга оширилиши мумкин бўлган минимал шартларни акс эттиради, Ўзбекистон Республикаси бўйича даврий ҳисоботларда мазкур қоидаларга амал қилинишига баҳо берилади.



Минимал стандарт қоидалар – амалга оширилиши мумкин бўлган минимал шартлар бўлиб, даврий ҳисоботларда мазкур қоидаларга амал қилинишига баҳо берилади.

- Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари маҳбусларни қамокда сақлаш юзасидан универсал эътироф этилган минимал стандартлар ҳисобланади ҳамда бутун дунёда пенитенциар муассасалар билан ишлашга доир қонунлар, сиёсат ва амалиётни ишлаб чиқиш нуктаи назаридан катта аҳамият ва таъсирга эга.

1985 йили БМТнинг Жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича Еттинчи Конгрессда қабул қилинган Вояга етмаганларга нисбатан судловни амалга ошириш бўйича БМТнинг Минимал стандарт қоидалари ёки “Пекин қоидалари” жавобгарликка тортиш мумкин бўлган минимал ёш, вояга етмаганларни судлов қилишнинг мақсадлари, вояга етмаганларга нисбатан судловни амалга оширишнинг самарали, одил, инсоний тавсифлари ҳамда инсон ҳуқуқларининг қўлланиши лозим бўлган тамойилларига тааллуқлидир. Шунингдек, мазкур Қоидалар вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш ва одил судловни амалга ошириш ҳамда судгача қамоқда сақлаш масалаларини ҳам қамраб олди. Қоидаларда вояга етмаганларни жазолашда уларни ахлоқни тузатиш муассасаларига юборишни минимал даражада қўллаш тавсия этилган. Қоидаларда, шунингдек, жазони ўташ муассасаларида вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлаш масалалари ҳам мустаҳкамланган.



Одил судловни амалга ошириш соҳасига тегишли умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари халқаро стандартлар деб аталади.

Жиноят ишлари бўйича судлар фаолиятига доир халқаро стандартлар куйидагилардан иборат бўлиб, уларни судьялар билиши ва ўз амалиётида қўллаши зарур:

➡ Қонун ва суд олдида тенглик ҳуқуқи.

➡ Айбланувчи ёки жиноий таъқиб қилинувчи томон қонунга мувофиқ тузилган мустақил, холис ва нуфузли суд томонидан мазкур иши адолатли ҳамда очик-ошкора ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

➡ Айбланувчи адолатли ва холис айбловчи иштирокида суд ишининг кўриб чиқилишига ҳақлидир.

➡ Жиноий жазоланадиган хатти-ҳаракатни содир қилишда айбланган ҳар бир шахс адвокат ёрдами ва ҳимоясидан фойдаланишга ҳақли, давлат уларнинг мустақиллигини кафолатлаши

ва ўз касбий вазифаларини бажариши учун зарур шарт-шароитлар яратиши керак.

➡ Ҳар ким шахсий озодлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум қилиниши мумкин эмас (шу жумладан, ҳибсга олиш, судгача ушлаб туриш ва қамокда сақлаш). Ушлаб туришга ва судгача қамокда сақлашга фақат қонун асосида йўл қўйилади. Улар асоссиз бўлмаслиги керак ва фақат бунга ваколатли шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Жиноий жазоланадиган хатти-ҳаракатларни содир қилишда айбланаётган шахсларни судгача қамокда сақлаш қоидага айланмаслиги керак.

➡ Ҳар бир ушлаб турилган шахсга қўлга олиш пайтида ушлаб туриш сабаблари, шунингдек унга қарши мавжуд бўлган ҳар қандай шубҳалар ёки айбловлар ҳақида хабар қилинади.

➡ Ҳар қандай ҳибсга олинган ёки ушлаб турилган шахс ўзига тушунарли бўлган тилда ўз ҳуқуқларидан: (а) юридик ёрдам олиш; (б) шифокор кўриги ва ёрдами; (с) қариндоши ёки дўстини ҳибсга олингани ёки ушлаб турилгани ҳақида хабардор қилиш; (д) консуллик (чет эл фуқаролари билан боғлиқ ҳолларда) ёки халқаро ташкилотлар билан (қочоқлар, фуқаролиги йўқ шахслар ёки халқаро ташкилотлар ҳимоясида бўлган шахслар билан боғлиқ ҳолларда) боғланиш ёки уларни ўзининг ушлаб турилганидан хабардор қилиш, шунингдек (е) ушбу ҳуқуқлардан қандай фойдаланиш бўйича маълумот олиш ҳуқуқидан хабардор бўлиш ҳуқуқига эга.

➡ Ҳар бир ушланган ёки қамокқа олинган шахс ушлаб туриш, сўроқ қилиш ва/ёки дастлабки тергов пайтида дарҳол адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳар ким адвокатни ўз ихтиёрига кўра танлаши мумкин. Агарда ушлаб турилган шахс адвокат хизмати ҳақини тўлай олмаса, давлат бу хизматни бепул тақдим этиши керак.

➡ Ҳимояни тайёрлаш учун етарли вақт ва имконият берилиши ҳуқуқи;

➡ Жиноят содир этганликда айбланувчи ҳар ким ўзини шахсан ёки ҳимоячи орқали ҳимоя қилишга ҳақли. Айбланув-

чи ўз танловига кўра химоячи ёрдамидан фойдаланишга ҳақли. Унинг химоячиси бўлмаса ва буни одил судлов манфаатлари талаб қилса, химоячига ҳақ тўлашга маблағлари бўлмаган ҳолларда у суд томонидан бепул химоячини тайинланиши ҳуқуқига эга. Айбланувчилар ўз химоясини тайёрлаш учун етарли вақт ва имкониятларга эга бўлишлари лозим.

➡ Жиноят содир қилишда айбланаётган ҳар бир шахс ўз химоясини тайёрлаш учун етарли вақт ва имкониятларга, шу жумладан, ўзи танлаган химоячи билан учрашиш имкониятига эга бўлиши лозим.

➡ Суд ваколатларини амалга оширувчи шахс ҳузурига дарҳол етказилиш ҳуқуқи.

➡ Ҳибсга олиш ёки қамокда сақлаш натижасида озодликдан маҳрум этилган ҳар қандай шахс жиноят ишини кўриб чиқишнинг исталган босқичида суриштирув олиб бориш ва ишни судда эшитишни ҳисобга олган ҳолда, судга унинг ушлаб турилишининг қонунийлигини кўриб чиқишни ва ушлаб туриш ноқонуний деб топилган ҳолда, уни озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилишни сўрашга ҳақли.

➡ Жиноят учун айблов бўйича ҳар бир ушланган ва қамокқа олинган шахс оқилона муддатда ишининг судда кўриб чиқилишига ёки озод қилинишга ҳақли.

➡ Барча ушланган шахслар расман қамокда сақлаш жойи деб тан олинган жойларда сақланиш ҳуқуқига эга.

➡ Озодликдан маҳрум қилинган барча шахслар инсоний муносабатда бўлинишга ҳамда қийноқлар ва шафқатсиз, ғайринсоний ёки одам шайни камситувчи муомалага дуч келмасликка ҳақли.

➡ Айбланувчи иши адолатли суд муҳокамасида кўрилишига ҳақли.

➡ Жиноят содир этганликда айбланувчи ҳар бир шахс унинг айбдорлиги қонунга мувофиқ исботланмагунча айбсиз ҳисобланишга ҳақли.

➡ Ҳар бир шахс унга нисбатан эълон қилинаётган ҳар қандай жиноий айбловни кўриб чиқишда у тушунган тилда, унга

эълон қилинаётган жиноий айблов характери ва асоси тўғрисида зудлик билан ва тушунарли тарзда хабардор бўлишга ҳақли. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар ким у судда қўлланаётган тилни тушунмаса ёки унда сўзламаса, бепул ваколатли таржимон ёрдамидан фойдаланишга ҳақли.

➡ Томонларнинг ҳар бири тенг процессуал воситалар ва суд муҳокамаси давомида тенг имкониятларга эга бўлиши ҳамда иш бўйича ўз позициясини қарама-қарши томонга нисбатан оғир аҳволда ҳимоя қилиш шароитида бўлмаслиги учун тенг ҳолатда бўлишга ҳақли.

➡ Айбланувчи унга қарши кўрсатма бераётган гувоҳларни сўроқ қилишга, айблов тарафидан гувоҳларни чақирилган шартларда ўз ҳимояси учун гувоҳларни чақириши ва сўроқ қилишга ҳақлидир.

➡ Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳеч бир шахс ўзини айбдор деб тан олишга ёки ўзига қарши кўрсатма беришга мажбурланиши мумкин эмас.

➡ Қонунга ҳилоф усуллар, шу жумладан қийноққа солиш ёки шафқатсиз муомала орқали олинган далилларни истисно қилиш.

➡ Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс унинг иши суд томонидан асоссиз кечиктиришсиз кўрилишига ҳақли.

➡ Қонунийлик тамойили (*Nullum crimen sine lege*). Жиноят содир этганликда айбланувчи шахсларни фақат қонунда аниқ белгиланган жиноятлар учун айблаш, уларни суд тартибида таъқиб қилиш ва жазолаш мумкин.

➡ Ҳеч ким қилмиш содир этилган вақтда жиноят ҳисобланмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши ва ҳукм этилиши мумкин эмас.

➡ Такроран жиноий жавобгарликка тортишнинг тақиқланиши (*Ne bis in idem*).

➡ Суд қарорлари, вояга етмаганлар манфаатлари бунга талаб қилган ҳоллардан ташқари, ошкора бўлиши лозим. Ўзига нисбатан айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисида суд қарори

чиқарилган ҳар ким ушбу суд қарори чиқарилган асослар билан танишишга ҳақли.

➡ Жиноят содир қилиш пайтида қўлланиладиган жазодан кўра оғирроқ жазога тортилмаслик ҳуқуқи ва кейинчалик қонун томонидан белгиланган енгилроқ жазо тайинланишига бўлган ҳуқук.

➡ Жазонинг ўзи ҳам, уни қўллаш усули ҳам халқаро стандартларни, жумладан, қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ва инсон шаънини камситувчи муомала ёки жазонинг тақиқланишини бузмаслиги шарт. Суд қарори билан белгиланган ҳар қандай жазо маҳкумнинг инсон шахси дахлсизлигининг ҳурмат қилиниши ҳуқуқига мувофиқ бўлиши зарур.

➡ Жиноят процесси натижасида айбдор деб топилган ҳар ким айблов ҳукми устидан шикоят қилиш ва жазонинг юқори инстанция суди томонидан қайта кўриб чиқилишига ҳақли.

1.1. Жиноят ишлари юритуви соҳасида халқаро ҳамкорлик шакллари: Жиноят ишини юритиш бўйича ҳуқуқий ёрдам ва экстрадиция

Жиноят-процессуал кодексининг 14-бўлими “Жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик” масаласига бағишланган бўлиб, судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлигига оид асосий процессуал қоидалар белгиланган.

Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш зарур бўлганда суд, прокурор, терговчи, суриштирувчи мазкур ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан бажарилиши тўғрисида сўров киритади.



Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома-си деганда республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишуви тушунилади

Халқаро шартномалар: шартнома, битим, конвенция, протокол, меморандум, декларация, хатлар ва ноталар алмашуви деб номланиши ва шундай кўринишда тузилиши, шунингдек бошқача номланиши мумкин. Бирининг қоидалари иккинчиси-га зид бўлган ҳолларда эса аъзо ёки имзолаган мамлакатнинг ўзи қайси бирига қўшилишини мустақил ҳал қилади. Халқаро шартномалар унда иштирок этувчи субъектларнинг сонига қараб икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга бўлинади.

Ўзаролик принципи бўйича сўров киритилаётганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг айрим процессуал ҳаракатларни бажаришда хорижий давлатнинг ваколатли органига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ёзма мажбурияти билан тасдиқланади.



Жиноят ишини юритиш бўйича ҳуқуқий ёрдам – бу сўров юборувчи давлатнинг ваколатли органлари фаолиятини тартибга солувчи миллий қонунчиликка асосланган, халқаро шартномаларга ёки ўзаролик принципига мувофиқ келадиган, сўров юборувчи давлатнинг суди ва бошқа ваколатли органлари томонидан юборилган, сўров юборилаётган давлатнинг ҳудудида сўров юборувчи давлатдаги тергов ва суд иши юритилаётган жиноят иши юзасидан далиллар тўплаш мақсадида процессуал ҳаракатлар ва тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш тўғрисидаги сўров (топшириқлари)ни ижро этишдир.

Хорижий давлат худудида жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни ижро этиш давомида унинг ваколатли органлари томонидан олинган ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида шахсни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги сўровга илова қилиниб, Ўзбекистон Республикасига юборилган, белгиланган тартибда тасдиқланган ва топширилган далиллар ЖПК талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси худудида олинган далиллар сингари юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида шартномаларида хорижий мамлакатлар тегишли органидан муайян жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатларни бажариш хусусида сўров киритишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби, бундай сўровномани киритишга ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслари белгиланган.

Мисол учун:

2003 йил 24 ноябрда София шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ўртасида имзоланган жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида шартнома фақат икки давлатга шу соҳадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради.

1993 йил 22 январда Минскда имзоланган Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенция (Минск конвенцияси) эса уни имзоланган ва кейинчалик унга қўшилган (Ўзбекистон 1993 йил 6 майда ратификация қилган) давлатлар ўртасидаги муносабатларни, жумладан жиноят ишларини юритишдаги ҳамкорликни тартибга солади.

Мисол учун:

2002 йил 18 январда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий

муносабатлар тўғрисидаги шартномада сўров юборилаётган давлат қонунчилигида назарда тутилган процессуал ва бошқа ҳаракатларни бажариш санаб ўтилган (Шартноманинг 5-моддаси). Буни шундай талқин қилиш мумкинки, барча процессуал ҳаракатларни ўтказишга ўзаро кўмаклашиш хусусида Ўзбекистон ва Чехия ўртасида келишиб олинган.

2000 йил 5 май куни Деҳлида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида жиноий ишлар юзасидан ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномада ҳуқуқий ёрдамнинг айнан нималардан иборатлиги қуйидагича белгиланган:

1) шахс ва предметларнинг жойлашган жойини аниқлаш ва идентификация қилиш; 2) ҳужжатлар, хусусан шахснинг ҳозир бўлиши учун талаб қилинадиган ҳужжатларни бериш; 3) маълумотлар, ҳужжатлар ва бошқа материаллар хусусан жиноят ва суд ишлари материалларини тақдим қилиш; 4) мол-мулкни ўтказиш; 5) ашёвий далилларни вақтинча бериб туриш; 6) шахслардан гувоҳлик кўрсатуви ва аризаларини олиш; 7) тинтув ва олиб қўйишни ўтказиш ҳақидаги сўровларни бажариш; 8) қамокда сақланган шахслар ва бошқа шахслар, хусусан экспертларни тергов қилишда ёрдам кўрсатилишини ва гувоҳлик кўрсатувларининг берилишини таъминлаш; 9) жиноят натижасида топилган мулклар жойлашган жойини аниқлаш, тақиқ қўйиш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш бўйича чоралар кўриш; 10) терроризм мақсадлари учун мўлжалланган воситалар турган жойини аниқлаш, тақиқ солиш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш бўйича чоралар кўриш; 11) шартнома мақсадларига мувофиқ бошқа турдаги ёрдамларни бериш (шартноманинг 6-моддаси). Худди шундай бошқа шартномаларда ҳам айрим процессуал ҳаракатлардан таркиб топган муайян ҳуқуқий ёрдам ҳажми хусусида келишиб олиниши мумкин. Агар Ўзбекистон билан бошқа мамлакат ўртасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш хусусида шартнома мавжуд бўлиб, Ўзбекистон суриштирув, тергов органлари ва

судлари шартномалашган ўша давлат ҳудудида бажарилишини сўраётган процессуал ҳаракат шартномада инобатга олинмаган бўлса, бундай сўров ҳам ўзаролик принципи асосида амалга оширилади.

Хорижий мамлакат ҳудудида процессуал ҳаракатни ўтказиш тўғрисидаги сўров жиноят иши қўзғатилгандан кейин киритилади. Шунинг учун бундай сўровларда “жиноят ишининг номланиши” кўрсатилиши қонунда белгиланган. Қонунда жиноят ишларининг номланиши хусусида қоида белгиланмаган.

Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун ушлаб бериш

Экстрадиция - жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик йўналишларидан бири бўлиб, турли мамлакатлар юрисдикцияларининг ҳудудий чегараланишига қарамай, жиноят процессининг мақсадларига эришишни, бузилган ҳуқуқий муносабатларни тиклашни, жамиятда тенглик ва адолат меъёрларини сақлашни, жазонинг муқаррарлигини таъминлайди.

Экстрадиция институти халқаро ҳуқуқнинг махсус тармоғи сифатида халқаро жиноят ҳуқуқига яхлитлик ва тугаллик хусусиятларини бахш этади. Халқаро жиноят ҳуқуқи эса, давлатларнинг халқаро жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигини тартибга солишга йўналтирилган норма сифатида қонунийлик қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Зеро, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот жиноий қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги сўзсиз таъминланган шароитдагина самарали амал қилиши мумкин. Айтиш мумкинки, амалда судланувчининг суд муҳокамасида иштирокини таъминламай туриб, жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳақида сўз юритиш мутлақо мумкин эмас. Бу ҳам экстрадиция институтининг халқаро жиноят ҳуқуқида нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб беришга имкон берадиган ҳолатлар қуйидагича:

1. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, яъни жиноятни тергов қилиш ва судда кўриш пайтида уни содир қилган шахс сифатида иштирокини таъминлаш учун ушлаб берилаётганида содир этилган қилмиш учун Ўзбекистон Республикаси ЖКда бир йилдан кам бўлмаган муддат ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган бўлиши керак. Шахсни ушлаб берилишига сабаб сифатида кўрсатилган жиноят учун Ўзбекистон Республикаси ЖКда санкциянинг максимал миқдори сифатида бир йилдан кам бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бошқа енгил жазолар белгиланган бўлса, ушлаб бериш амалга оширилмаслиги керак. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни бир нечта жиноятларни содир этганлик учун жавобгарликка тортиш мақсадида ушлаб бериш сўралаётганда мазкур жиноятларнинг биттаси ёки бир нечтасига Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида бир йилдан кам бўлмаган муддат ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган бўлса, сўровномада кўрсатилган барча жиноятлари учун ушлаб берилиши мумкин.

2. Ҳукм ижросини таъминлаш учун ушлаб берилиши сўралаётган шахс олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ёки оғирроқ жазога ҳукм қилинган бўлиши керак.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам сўровни юборган хорижий давлат ўзига нисбатан сўров юборилган шахснинг фақат сўровда кўрсатилган жинояти учун жиноий жавобгарликка тортилишини ҳамда суд муҳокамаси тугаганидан, жазо тайинланган ҳолларда жазони ўтаганидан кейин мазкур давлат ҳудудини эркин тарқата олишини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг розилигисиз учинчи давлатга чиқариб юборилмаслигини, топширилмаслигини ёхуд ушлаб берилмаслигини, худди шунингдек қийноқларга, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги муомалага дучор этилмаслигини ва унга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмаслигини кафолатлаши шарт.

Бундай кафолатлар ўша давлатнинг қонунчилигида, Ўзбекистон Республикаси билан имзолаган ёки иштирокчи бўлган шартномаларида белгиланади. Агар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб беришни сўраётган хорижий давлат қонунчилигида, Ўзбекистон Республикаси билан имзолаган ёки иштирокчи бўлган шартномаларида бундай кафолатлар белгиланмаган бўлса, ёзма равишдаги кафолатлар олинганидан кейин сўралаётган шахс ушлаб берилиши мумкин.

Мисол учун:

Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида “Экстрадиция тўғрисидаги шартнома (1999 йил 8 ноябрь)нинг 3-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳолларда бериш тўғрисидаги илтимоснома рад этилиши мумкин:

1) бериш тўғрисидаги масала кўриб чиқиладиганда талаб этиладиган шахс сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг фуқароси бўлса ёки сўралаётган давлатда унга сиёсий бошпана берилган бўлса;

2) бериш тўғрисидаги илтимоснома олинган пайтда сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунларига биноан шахс жиноий жавобгарликка тортилиши ёки ҳукм исталган қонуний асосга кўра ижро этилиши мумкин бўлмаган, жавобгарликка тортиш муддати ўтган ёки афв этилган бўлса;

3) бериш тўғрисида илтимоснома олингунига қадар сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ҳудудида берилиши талаб этиладиган шахснинг ўша жинояти бўйича чиқарилган ҳукм қонуний кучга кирган ёки ушбу иш бўйича жиноий иш ҳаракатдан тўхтатилган бўлса;

4) бериш тўғрисида илтимосномага сабаб бўлган жиноят тўла ёки қисман сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ҳудудида амалга оширилган бўлса, бунга унинг байроғи остидаги кема ёки жиноят амалга оширилган чоғда унинг қонунларига мувофиқ равишда рўйхатга олинган ҳаво кемаси ҳам киради.

Хорижий давлатдан келиб тушган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси бош прокурори ёки унинг кўрсатмаси билан ўринбосари мазкур шахсни ушлаб бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Агар бир шахсни ушлаб бериш тўғрисида бир неча хорижий давлатдан сўровлар келиб тушган бўлса, шахсни қайси давлатга ушлаб бериш кераклиги тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарори устидан сўралаётган шахс қамокда сақланаётган жойдаги Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоят, Тошкент шаҳар судига мазкур шахс ёхуд унинг ҳимоячиси томонидан хабарнома олинган пайтдан эътиборан ўн сутка ичида шикоят қилиниши мумкин.

Экстрадиция масаласи, икки томонлама шартномалардан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси», «Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси», «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги конвенцияларда кўзда тутилган⁷².

Бироқ, халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган экстрадиция қоидалари миллий қонунчилик ва икки томонлама шартномаларда белгиланган қоидалардан жиддий фарқ қилиши мумкин. Масалан, Кишинёв Конвенцияси агар ўлим жазоси экстрадиция қилаётган давлатда қўлланилмаса, ўлим жазоси кўзда тутилган жиноятлар учун экстрадиция қилишни, экстрадиция ҳақида сўров шахсни ирқи, жинси, этники, миллий келиб чиқиши ёки сиёсий қарашлари билан боғлиқлиги ҳақида ҳулоса қилиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, шунингдек шахсга сиёсий бошпана берилган бўлса экстрадиция қилишни тақиқлайди.

72. Транснациональная неправосудность. Перемещение лиц по соображениям национальной безопасности. / Международная комиссия юристов. 2017. С.30.

Умуман, халқаро ҳуқуқда экстрадициянинг асосий қоидаларига қилмиш ҳар икки давлатда жиноят деб ҳисобланиши, унча оғир бўлмаган жиноятлар учун қўлланилмаслиги, экстрадиция қилинганидан кейин жиноятнинг квалификацияси ўзгартирилишига йўл қўйилмаслиги, шахсга нисбатан қийноқ қўлланилиши мумкинлигига етарли асослар мавжуд бўлган давлатга экстрадиция қилинмаслиги, сўроқ берган давлатда шахсга процессуал кафолатларнинг етарли бўлишидан иборат⁷³.

Масалан, Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг 3-моддасида ҳеч қайси давлат шахсни бошқа давлатга агар у ерда унга қийноқ қўлланиши хавфи мавжуд бўлса бериши мумкин эмаслиги белгиланган. Шу сабабдан халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллашда судьялар Конвенция сўров юборган ёки юборилаётган давлат ва Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинганлигига, мазкур давлат Конвенцияни миллий қонунчилигини таркибий қисми деб ҳисоблаши ёки алоҳида қонун билан қўллаши назарда тутилганлигига, Конвенция қоидаларининг муайян қисми миллий қонунчиликка мос келмаганлиги учун қўлланилмаслигини кўзда тутилганлигига эътибор қаратишлари зарур.

73. http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/extradition.shtml.

1-схема

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ:

1.

- **жиноятчиларни ушлаб бериш ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш (экстрадиция);**

2.

- **илмий ахборотта оид (миллий илмий ва амалий тажриба айирбошлаш, муаммоларни муҳокама қилиш ва биргаликда тадқиқотлар ўтказиш);**

3.

- **давлатларга жиноятчиликка қарши кураш олиб боришда касбий, техникавий ёрдам кўрсатиш;**

4.

- **бир неча давлат манфаатларига дахлдор бўлган жиноятларга қарши курашни шартномавий-ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштириш (айрим турдаги жиноятларга қарши кураш борасида давлатларнинг халқаро битимлар асосида ҳамкорлик қилиши).**

2-схема

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТ ҲУДУДИДА БЎЛГАН ШАХСНИ УШЛАБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ СЎРОВДА ҚУЙИДАГИЛАР БЎЛИШИ КЕРАК:

1.

- **экстрадицияга оид мажбуриятларнинг ифодаланган шаклига қараб, унинг шартномавий (давлатларнинг тузилган шартномага мувофиқ шахсни ушлаб бериши) ва шартномасиз (шартнома мавжуд бўлмаган ҳолда ўзаро ҳамкорлик асосида шахсни ушлаб бериш);**

2.

- **ҳуқуқий таъсир этиш услубидан келиб чиқиб, экстрадициянинг ихтисёрий (ушлаб берилиши лозим бўлган жиноятчи ҳудудда бўлган давлат ташаббуси билан) ва мажбурий (жиноятчини ушлаб бериш талаби билан жиноятдан зиён кўрган, жиноятчи фуқароси бўлган, ҳудудда жиноят содир этилган давлат ташаббуси билан);**

3.

- **дастлабки (илгари экстрадиция қилинмаган шахснинг ушлаб берилиши) ва такроран (ушлаб берилган шахс суд муҳокамаси ёки жазони ўташ жараёнида яширинган ҳолларда, уни такроран экстрадиция қилиш);**

4.

- **туғал (ҳеч бир шартларсиз талаб этилаётган шахсни ушлаб бериш) ва шартли (шахсни шартли равишда экстрадиция қилиш);**

КАЗУСЛАР

1. Терроризмни молиялаштириш жиноятларини содир этишда гумон қилинган Ҳ исмли шахсни хорижий давлатдалигини билган Ўзбекистон ҲМҚО ходимлари тегишли давлатга гумонланаётган шахсни ушлаб бериш ва экстрадиция қилиш ҳақида сўровнома юборади. Ушбу сўровномага асосан хорижий давлат ҳудудида ушланган Ҳақимов ва унинг жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва ўзаролик принципи асосида шахсни ушлаб бериш ва экстрадиция қилиш тўғрисидаги сўровига илова қилиниб, Ўзбекистон Республикасига юборилган. Жиноят бўйича дастлабки терговни олиб бораётган терговчи тақдим этилган далилларни ЖПК 81-моддасига мувофиқ ёхуд мувофиқ эмаслигини процессуал тартибда текширмасдан, Ҳақимовга айб ёллон қилади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Ибот қилиш жараёнини таҳлил қилинг.

2. Бирлашган Араб Амирлиги (БАА) фуқароси А. Марказий Осиё ҳудудида бир қатор оғир жиноятларни содир этиб, Ўзбекистон ҳудудида бўлган вақтида Ўзбекистондаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган томонидан тезкор тадбир амалга ошириш вақтида ушланган. БАА ваколатли органи фуқаро А. БАА фуқароси эканлиги сабабли уни БААга экстрадиция қилишни сўраган. Шу билан бирга, Интерпол томонидан фуқаро А.га тааллуқли жиноят иши материалларини БАА юрисдикциясига беришни талаб қилган. Шунингдек, фуқаро А.ни экстрадиция қилиш бўйича Миср давлати ваколатли органидан ҳам сўров келиб тушган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

3. Сурия фуқароси Аҳмадий – махсус тайёргарлик кўрган кибер-террор гуруҳи раҳбари, Марказий Осиё ҳудудида ўз фаолиятини бошлади. Жиноий гуруҳ мақсади ҳуқуқни муҳофаза

килувчи орган ходимларининг рўйхатдан ўтган профиллари паролларини бузиш ҳисобланади. Хусусан, кибер-террор гуруҳи Марказий Осиё ҳудудида жойлашган таниқли, тарихий обидаларни портлатиш, шунингдек мазкур обидалар қурилишида иштирок этган меъморларни қатл этишга қаратилган видео лавҳаларни жойлаштириш ва мухлислар ўртасида шов-шувли пиарни амалга ошириш билан интернетда турли хил вирусларни тарқатишдан иборат.

Шунга қўра, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) ва юқоридаги давлатларнинг махсус хизматлари раҳбарлари иштирокидаги тезкор мажлисида жиноий гуруҳни йўқ қилиш бўйича операция ўтказишга келишиб олинди. Бунда махсус хизматлар ходимлари ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва операцияга раҳбарлик қилиш ШХТ МАТТ вакилига юкланди. Тезкор тадбирлар натижасида жиноий гуруҳ аъзолари Ўзбекистон ва Қозоғистон чегарасида қўлга олинди. Уларнинг ёнида ашёвий далиллар сифатида бир нечта хариталар, видео ёзувлар ҳамда қурооллар борлиги аниқланди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Исбот қилиш жараёнини таҳлил қилинг.

4. Бир қатор мамлакатларда расман террористик ташкилот сифатида тан олинган “Мусулмон биродарлар” халқаро диний-сиёсий ассоциацияси АҚШ ҳудудида бир қатор жиддий террористик ҳуружларни содир этиши натижасида 50 дан ортиқ киши қурбон бўлди. Россия Федерацияси (РФ) махсус хизмати Яман Араб Республикаси ҳудудида муваффақиятли равишда мазкур ташкилотга қарши бир нечта аксилтеррор тадбирлар ўтказиб, натижада ушбу ташкилотнинг бошлиқларидан бири Б. қўлга олинди. Бунда, РФ расмий шахслари, террористик ҳуружлар натижасида РФ фуқаролари қурбон бўлганлиги сабабли, Б. жиноий жавобгарликка РФ қонунчилигига асосан тортилишини билдиришди. Шу билан бирга, Яқин Шарқ давлатларининг айрим сиёсатчилари, махсус халқаро орган – Халқаро жиноят суди мавжудлиги сабабли, қўлга олинган Б. мазкур халқаро

одил судлов органи юрисдикциясига ўтказилиши зарурлиги ҳақида фикр билдиришди.

Мазкур вазиятдан келиб чиқиб, Б.ни халқаро жиноий жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий асосларини очиб беринг.

6. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари А, Б, С ва Д исмли шахслар Хитой ҳудудида қонунга ҳилоф равишда гиёҳванд воситаларининг олди-сотдиси билан шуғулланишган. Б ва Д Ўзбекистон Республикаси ҳудудига гиёҳванд воситаларни олиб кириш вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушланади ва унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. А ва С лар эса Хитойда ушланиб, уларга нисбатан Хитой суди томонидан ўлим жазоси тайинланади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан жазо турини ўзгартириш юзасидан сўровнома юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг хатти-ҳаракатлари қонунийми?

7. Чет эл фуқароси А. исмли шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этди ва Россия ҳудудига қочиб кетди. Чет эл фуқароси А. ушлаб берилгунга қадар Россия ҳудудида босқинчилик жиноятини содир этди. А. исмли шахс Ўзбекистон Республикасига ушлаб берилгандан сўнг А исмли шахснинг ушлаб берилгунга қадар Россия ҳудудида босқинчилик жиноятини содир этганлиги маълум бўлиб қолди.

Чет эл фуқаросига нисбатан қандай жавобгарлик масаласи кўрилади?

8. Ўзбекистон фуқароси Б исмли шахс Қозоғистон Республикасига сотиб юбориш учун В.С.ва Д.ларга қалбаки паспорт тайёрлаб, Қозоғистон Республикасига олиб кетади. У чет мамлакатга олиб бориб, В.С.ва Д.ларни у ерда қурилиш ишларида ишлайсиз деб Қозоғистон фуқароси И.га топширади. Б. ушбу шахсларни топширганлиги учун И дан уч минг АҚШ доллари

олади. Қозоғистон фуқароси И. В., С. ва Д. исмли шахсларни қўрқитиб, зўрлик ишлатиб уларни мажбурий меҳнатга жалб қилади. Оғир меҳнат натижасида С. ва Д исмли шахслар вафот этади. Бир йил давомида В исмли шахс Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги элчихонасига мурожаат қилиб, Ўзбекистонга қайтиб келади. Б исмли шахсга жиноят иши қўзғатилди. Бу вақтда Б. исмли шахс Қозоғистон Республикасига қочиб кетганлиги сабабли, Б. исмли шахсни ушлаб бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси сўровнома юборди.

Масала қандай ҳал этилади?

**Судлар томонидан қўлланиладиган
халқаро ҳужжатлар рўйхати**

№	Халқаро ҳужжат номи	Қабул қилинган са- наси	Ўзбекистон Республи- каси учун кучга кирган сана
БОШ ҲУЖЖАТЛАР			
1.	БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ НИЗОМИ	1945 йил 26 июнда Сан-Францискода Бирлашган Миллатлар Конференциясининг Халқаро Ташкилот тузиш бўйича якуний мажлисида имзоланган ва 1945 йилнинг 24 октябрида кучга кирган Халқаро суд статuti Низомининг таркибий қисми ҳисобланади	1992 йил 2 мартда аъзо бўлган
2.	Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси	1948 йил 10 декабрь	1991 йил 30 сентябрь
КОНВЕНЦИЯЛАР			
1.	Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрддам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғри- сидаги. Минск Конвенцияси	1993 йил 22 январда Минск шаҳрида имзо- ланган	Ўзбекистон Республика- си учун 1994 йил 19 майда кучга кирган

2.	Женева КОНВЕНЦИЯ Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида	1930 йил 28 июнь, Женева	Ўзбекистон Республика- си учун 1992 йил 13 июл- дан кучга кирган
3.	Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муно- сабатлар тўғрисидаги Кишинев Конвенцияси	2002 йил 7 октябрда Кишинев шаҳрида имзоланган	Ўзбекистон Республика- си учун 2020 йил 12 июлда кучга кирган
4.	Бирлашган Миллат- лар Ташкилотининг Чет эл арбитражла- ри қарорларини тан олиш ва ижрога қара- тиш тўғрисидаги Нью-Йорк Конвенцияси	1958 йил 10 июнь	Ўзбекистон Республикаси учун 1996 йил 7 февралда кучга кирган
5.	Хорижий расмий ҳужжатларни легал- лаштириш талабини бекор қилувчи Гаага Конвенцияси	1961 йил 5 октябрь, Гаага	Ўзбекистон Республикаси учун 2012 йил 15 апрелдан кучга кирган
6.	Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида Вена Конвенцияси	1969 йил 23 май, Вена	Ўзбекистон Республика- си учун 1995 йил 11 авгу- стдан кучга кирган

7.	Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида Нью-Йорк Конвенцияси	1979 йил 18 декабрь, Нью-Йорк	Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 18 августдан кучга кирган
8.	Болаларни бошқа мамлакатларга ўғирлаб олиб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисида Гаага Конвенцияси	1980 йил 25 октябрь, Гаага	Ўзбекистон Республикаси учун 1999 йил 1 августдан кучга кирган
10.	Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Нью-Йорк Конвенцияси	1984 йил 10 декабрь, Нью-Йорк	Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 28 октябрдан кучга кирган
11.	Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция	БМТ Бош ассамблеясининг 44/25 резолюцияси билан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган	Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 29 июлдан кучга кирган
БИТИМЛАР			
1.	Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида. Киев битими	1992 йил 20 март Киев	Ўзбекистон Республикаси учун 1993 йил 6 майдан кучга кирган

ПРОТОКОЛЛАР			
1.	1993 йил 22 январдаги Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муно- сабатлар тўғрисидаги конвенцияга доир БАЁННОМА	1997 йил 28 март Москва	Ўзбекистон Республикаси учун 2020 йил 29 февралдан кучга кирган
ПАКТЛАР			
1.	Иқтисодий, ижти- мий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида ХАЛҚАРО ПАКТ	1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк	Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 28 декабрдан кучга кирган
ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР			
1.	Ўзбекистон Республикаси ва Тур- кия Республикаси ўртасида фуқа- ролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида Шартнома	Анқара, 23 июнь 1994 йил	1997 йил 19 декабрда кучга кирган
2.	Ўзбекистон республикаси ва Латвия ўртасида фуқаролик, ои- лавий, меҳнат ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Шартнома	Тошкент, 23 май 1996 йил	1997 йил 11 апрелдан кучга кирган
3.	Ўзбекистон Республикаси ва Гру- зия ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома	Тбилиси, 28 май 1996 йил	1997 йил 27 июндан кучга кирган

4.	Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома	Тошкент, 27 ноябрь 1996 йил	1998 йил 21 июндан кучга кирган
5.	Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома	Тошкент, 24 декабрь 1996 йил	1998 йил 30 ноябрдан кучга кирган
6.	Ўзбекистон Республикаси ва Литва Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома	Тошкент, 20 февраль 1997 йил	1998 йил 10 июлдан кучга кирган
7.	Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома	Алмата, 2 июнь 1997 йил	1998 йил 30 октябрдан кучга кирган
8.	Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Шартнома	Анкара, 23 июнь 1994 йил	1998 йил 15 июндан кучга кирган
9.	Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома	Пекин, 11 декабр 1997 йил	1998 йил 28 августда кучга кирган
10.	Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Шартнома	Киев, 19 февраль 1998 йил	1999 йил 19 июндан кучга кирган

11.	Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Шартнома	Дехли, 2 май 2000 йил	2001 йил 17 апрелдан кучга кирган
12.	Ўзбекистон Республикаси ва Чехия Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Шартнома	Тошкент, 18 январь 2002 йил.	2003 йил 1 декабрдан кучга кирган
13.	Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома	Тошкент, 12 февраль 2003 йил	2004 йил 23 ноябрдан кучга кирган
14.	Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ўртасида фуқаролик ишлари бўйича ёрдам кўрсатиш тўғрисида Шартнома	София, 24 ноябрь 2003 йил	2004 йил 11 мартда кучга кирган
15.	Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ўртасида жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Шартнома	София, 24 ноябрь 2003 йил	2004 йил 11 мартда кучга кирган
16.	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома	Тошкент, 1 март 2007 йил	2008 йил 10 декабрдан кучга кирган
17.	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Афғонистон Ислом Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома	Тошкент, 5 декабрь 2017 йил	2018 йил 2 апрелдан кучга кирган

Асосий тушунчалар

Конвенция – лотинча “conventio” – шартнома, келишув. Бирор бир махсус масала юзасидан халқаро келишув бўлиб, одатда у унга қўшилган (имзолаган, ратификация қилган) давлатлар учун мажбурий кучга эга бўлади.

Пакт - конвенциянинг ўзи, лекин мазмунан фарқланади. Пакт – (лот. pactum - шартнома, битим) - йирик сиёсий аҳамиятга эга халқаро битим ёки халқаро шартномалар номларидан бири.

Доктрина – таълимот, илмий ёки фалсафий назария, сиёсий тизим, бош назарий ёки сиёсий принцип. Халқаро ҳуқуқда таълимотлар, назариялари ва бошқа асарлари доктрина деб эътироф этилади. Доктрина халқаро ҳуқуқнинг қўшимча манбаи сифатида юритилади.

Ратификация – (лот. Ratus - ҳал қилинган, тасдиқланган ва facere - қилмоқ)

1) халқаро шартноманинг давлат ҳокимияти олий органи томонидан тасдиқланиши. Одатда, энг муҳим халқаро шартномаларгина ратификация қилинади. Кўпчилик давлатларнинг конституциялари халқаро шартномаларни ратификация қилиш ҳуқуқини давлат бошлиғи ваколатига ёхуд бевосита олий қонун чиқарувчи орган ваколатига киритади; Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ халқаро шартномани ратификация қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисида қонун қабул қилиш орқали амалга оширилади;

2) баъзи мамлакатларда конституцияга киритилган тузатишлар тасдиқланишининг махсус тартиби. Масалан, Австралияда конституциядаги ўзгартишлар лойиҳаси парламентда маъқуллангандан кейин у мамлакатда ва аксарият штатларда сайловчиларнинг кўпчилик овози билан референдумда тасдиқланиши талаб қилинади.

Имплементация (ингл. “implementation” «амалга ошириш, бажариш, амалиётга тадбиқ қилиш») - халқаро мажбуриятлар-

ни давлатнинг ички даражасида амалга ошириш ҳамда миллий-ҳуқуқий тизимга халқаро ҳуқуқий нормаларни сингдириш. Имплементациянинг бош талаби – халқаро талабларнинг мақсади ва мазмунига қаттиқ амал қилиш.

Денонсация – (франц. “denoncer” - эълон қилиш, узиш) - халқаро ҳуқуқда икки томонлама халқаро шартнома амал қилишини тўхтатишнинг ёки кўп томонлама халқаро шартномадан чиқишнинг энг кенг тарқалган усули. Одатда, шартноманинг ўзида назарда тутилган тартиб ва муддатларда амалга оширилади. Денонсацияга оид умумий қоидалар Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги 1969 й. Вена конвенциясида баён қилинган.

Экстрадиция – (лот. — дан га — бериш) халқаро ҳуқуқда жиноят содир қилган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки унга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ижро этиш учун бир давлатдан иккинчи давлатга бериш. Жиноятчини бериш шартлари ва тартиби халқаро шартнома ва миллий қонунчилик билан белгиланади.

Интеграция – (лот. “integratio” - тиклаш, тўлдириш, “integer” - бутун сўзидан)

1) тизим ёки организмнинг айрим қисмлари ва функцияларининг ўзаро боғлиқлик ҳолатини ҳамда шундай ҳолатга олиб боровчи жараёни ифодалайдиган тушунча;

2) фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро алоқа жараёни; дифференциация билан бирга кечади;

3) икки ва ундан ортиқ давлатларнинг иқтисодиётини ўзаро мувофиқлаштириш ва бирлаштириш (қ. Иқтисодий интеграция).

Декларация (лотинча declaration - эълон қилиш, эътироф этиш) мажбурий кучга эга эмас, тавсиялар. Унда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий принциплар, дастурий қоидалар эътироф этилади. Масалан: 1) бир ёки бир неча ҳукуматлар, сиёсий партиялар, халқаро ёки жамоат ташкилотларининг дастурий ҳужжат, муҳим халқаро воқеа, қонун ва ҳ. к. ни умум эътиборига етказувчи баёноти; умумсиёсий принципларни тантанали равишда эълон қилиш (масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон

декларацияси, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик декларацияси);

2) солиқ тўловчининг даромадлар хусусияти ва миқдори тўғрисида баён қилиши;

3) почта билан мамлакат ташқарисига юбориладиган пул ва қимматбаҳо пакетларга илова қилинадиган ҳужжат;

4) чегарадан ўтувчи шахс ўзида буюмлар, қимматбаҳо нарсалар ва ҳ. к. борлиги ва улар миқдори тўғрисида божхонага топширадиган маълумот (Божхона декларацияси).

Императив – (лот. *imperativus* — буюрувчи) - талаб, буйруқ, қонун. Немис файласуфи И.Кант «Амалий ақлни танқид» (1788) асарида Императивни этика тушунчасига киритган. Унга кўра, шахсий принцип (максима)га қарама-қарши ўлароқ, императив ҳаммага мажбурий бўлган расмий ахлоқ-одоб талабидир. Императив шартли ва қатъий императивга бўлинади. Шартли (тахминий) императив маълум шарт-шароитлардагина амал қилади, қатъий императив – муқаррарлик (бўлиши кераклик)ни ифода этади. У юриш-туришда риоя этилиши керак бўлган шакл ва қонидани белгилаб беради.

Омбудсман - инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси - битта ҳужжатдан, иккита ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир нечта ҳужжатдан иборат бўлишидан, шунингдек ўзининг муайян номидан ва тузилиш усулидан (шартнома, битим, конвенция, акт, пакт, баённома, хатлар ёки ноталар алмашинуви ҳамда халқаро шартноманинг бошқача номлари ва тузилиш усуллари) қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси томонидан чет давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект билан ёзма шаклда тузилган, халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро келишув⁷⁴.

74. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги ЎРҚ-518-сон қонуни. 4-модда (Асосий тушунчалар). 2019 йил 6 февраль

МУНДАРИЖА

Судьялар фаолиятининг халқаро-ҳуқуқий мезонларига кириш	3
I боб. Халқаро ҳуқуқ нормалари ва уларни қўллашга оид умумий талаблар	9
II боб. Халқаро ҳуқуқ нормаларини фуқаролик ишлари бўйича судларда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари	30
III боб. Халқаро ҳуқуқ нормаларини иқтисодий судларда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари	64
IV боб. Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан ҳалқаро ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши масалалари	123
Судлар томонидан қўлланиладиган ҳалқаро ҳужжатлар рўйхати	148
Асосий тушунчалар	154